

Жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналаридан

Шри Ишопанишад

Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачарйаси А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг таржимаси ва изоҳлари

Инсонга Мутлақ Ҳақиқатни англашда ёрдам берадиган илм

Адо бўлмас урушлар, очарчилик, қурғоқчилик, иктисодий инқирозлар, ҳар хил табиий офатлар бутун инсоният бошига оғир кулфатлар соляпти.

"Шри Ишопанишад"да айтилишича, биз яшаётган даврдаги одамларнинг аксарият кўпчилиги бутун оламнинг эгаси бўлган, Коинот ишларини адолат билан бошқариб турган Мутлақ Ҳақиқат - Олий Зотнинг мавжудлигини тан олмаётгани сабабли ана шундай муаммолар юзага келяпти. Минг йиллар аввал Хинд халқининг қадимий санскрит тилида ёзилган "Шри Ишопанишад" асари бизга Коинотни бошқариб турган Олий Тафаккурнинг табиатини англаб етиш, У билан ўзаро ҳамкорлик қилиш сирларини ошкор этади. Ана шундай нодир илмдан маҳрум бўлган инсоният ривожланиш йўлида ҳозир ўзи кириб қолган бу боши берк кўчадан чиқиб кета олмайди.

Русча нашридан ўзбек тилига таржима.

нима ўзи? Санскрит тилидаги *веда* иборасини турлича талқин қилиш мумкин, аммо охир-оқибатда бу ибора битта маънони билдиради. *Веда* ибораси – «илм» деган маънони англатади. Сиз ўрганаётган ҳар қандай илм Веда ҳисобланади, чунки Ведалар таълимоти - бошланғич, азалий илмдир. Ҳозир моддий оламда шартланган ҳолатда бўлганимиз сабабли бизнинг илмимиз бир неча нуқсонларга эга. Шартланган руҳ билан руҳий озодликка эришган руҳ орасидаги фарқ шундан иборатки, шартланган руҳнинг онгининг тўрт нуқсони бўлади.

Унинг биринчи нуқсони шундан иборатки, у **хатога йўл қўйишга маҳқум**. Масалан, бизда Махатма Гандини энг буюк инсон деб ҳисоблайдилар, лекин у ўз ҳаётида жуда кўп хатога йўл қўйган. Ҳатто умрининг охириги кунида ҳам котиби уни шундай деб огоҳлантирган эди: "Махатма Ганди, илтимос бугун Нью-Дехлидаги мажлисга борманг. Дўстларимнинг гапига қараганда у ерда сизни катта фалокат кутяпти". Аммо, Ганди унинг гапларига қулоқ солмади. Ўзининг шу мажлисга бориш қарорига қатъий туриб олди - натижада ҳалокатга учради. Ҳатто Махатма Ганди, президент Кеннеди сингари, буюк инсонлар ҳам хатолашадилар. Инсон адашишга, хатога йўл қўйишга маҳқум. Шартланган руҳнинг нуқсонларидан биттаси шундан иборат.

Яна бир нуқсон: у **алданишга маҳқум**. Алданиш, *майя* - аслида йўқ нарсани бор деб қабул қилиш. *Майя* ибораси "аслида йўқ" деган маънони билдиради. Ҳар бир инсон ўзининг танасини "мен ўзим" деб ҳисоблайди: "Мен жаноб Джонман, мен бадавлат инсонман, мен ундай одамман, мен бундай одамман..." Буларнинг ҳаммаси ўзини танага киёслашнинг ҳар хил кўринишларидан бошқа нарса эмас. Аслида эса, сиз бу моддий тана эмассиз. Бу - шунчаки алданиш, холос.

Учинчи нуқсон - инсоннинг **алдаш** хусусияти. Ҳар бир инсоннинг табиатида бошқаларни алдашга мойиллик бор. Аслида ўзи фирт аҳмоқ бўлган одам ҳам бошқаларга ўзини ақли қилиб кўрсатишга уринади. Атрофидаги одамларнинг ҳаммаси унинг адашиб, хатога йўл қўяётганини аниқ кўриб турган бўлишига қарамай, у: "Менимча, бу иш бундай бўлиши керак, менимча ундай бўлиши керак?" - деб ўйлашда давом этаверади. Бу билан у бошқаларнинг олдида қанчалик қулгили аҳволга тушиб қолганини ҳатто тушунмайди ҳам. Ўзи ҳали бирор мукамал фазилатга эга бўлмай, инсон ҳаётининг мазмунини тушунмай туриб, ҳаёт фалсафасидан асарлар ёзади. Унинг камчилиги ҳам мана шунда. Мана шу бошқаларни алдаш ҳисобланади.

Ниҳоят, тўртинчи нуқсон - бизнинг сезгиларимиз мукамал эмас. Кўпинча бизлар кўзларимиз билан мағрурланамиз. Баъзан одамлар кўполлик билан бизга шундай савол берадилар: "Агар Худо ҳақиқатан ҳам бор бўлса, сиз менга Худони кўрсата оласизми?" Лекин, сизда Худони кўришга қодир бўлган кўз борми? Агар Худони кўришга қодир кўзингиз бўлмаса, сиз ҳеч қачон Худони кўра олмайсиз. Агар ҳозир сиз ўтирган хонада чирок ўчиб қолса, сиз ҳатто ўз қўлингизни ҳам кўра олмайсиз. Шундай экан, сизнинг кўзингизнинг неча пуллик кадри бор? Демак, ана шундай ярқис, яъни, мукамал бўлмаган сезгиларимиз ёрдамида ҳақиқий илм ўрганишдан умидвор бўлишнинг иложи йўқ. Ҳозирги шартланган ҳолатимизда ана шундай нуқсонларга эга бўла туриб, биз ҳеч кимга мукамал илм ўргата олмаймиз, чунки

Кириш

Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг 1969 йил Англия(Лондон, Конвей-Холл)да ўқиган маърузаси.

Хонимлар ва жаноблар, бугун мен Ведалар таълимоти мавзусида маъруза қиламан. Хўш, Ведалар

хали ўзимиз мукамал эмасмиз. Шунинг учун бизлар Ведалар илмини қандай бўлса шундайлигича қабул қиламиз.

Сиз албатта, Ведаларни хинд халқининг қадимий муқаддас китоблари деб ҳисоблашингиз мумкин, лекин, бу китобларда "хинд" ёки "хиндуизм" деган иборанинг ўзи йўқ. Бизлар хиндулар эмасмиз. Бизларнинг маданиятимиз санскрит тилида *варнашрама* ибораси билан ифодаланади. Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қиладиган инсонлар жамияти тўрт *варна* ва тўрт *аширамга* бўлинган эканини тан оладиган одамларни *варнашрама* ибораси билан ифодалядилар. Жамиятда инсонлар тўрт табақа(*варна*)га бўлинган, шунингдек, инсон ҳаёти ҳам руҳий юксалиш йўлида тўрт поғонага(*аширам*)га бўлинади. Мана шундай тизим *варнашрама* деб аталади. "Бхагавад-гита"да шундай дейилган(4.13): **"Жамиятдаги бундай бўлиниш ҳамма жойда мавжуд, чунки бу бўлинишни Худонинг ўзи яратиб қўйган"**. Инсонлар жамияти *браҳманларга, кишатрий-ларга, вайшйаларга* ва *шудраларга* бўлинади. *Браҳман*(Худо)ни биладиган донишманд одамлар *браҳманлар* деб аталади. Худди шундай, *кишатрийлар* яъни, ҳукмдорлар табақаси юқори маданиятли одамларнинг иккинчи тоифаси ҳисобланади. Учинчи тоифага мансуб одамлар - вайшйалар, яъни, савдогарлар. Тўртинчи тоифа шудралар - жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган қора ишчилардир. Жамиятда табиий равишда мавжуд бўлган бундай табақаларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Ведалар қонуни шундай, биз ана шу қонунни тан олиб қабул қиламиз. Ведавий қонун-қоидаларни ҳеч қандай далил, исботсиз қабул қилиш керак, чунки уларда хато бўлиши мумкин эмас. "Қабул қилиш" деган иборанинг мазмуни шундан иборат. Масалан, Ҳиндистонда гарчи ҳайвон чиқиндиси бўлса ҳам сигирнинг тегаги пок, ҳалол нарса ҳисобланади. Ведаларнинг бошқа бир жойида бирор ҳайвоннинг чиқиндисига қўли теккан киши ҳаром бўлади, у ювиниб покланиши керак, деб ёзилган. Бошқа бир жойида эса, сигирнинг тегаги ҳалол деб ёзилган. Агар бирор ҳаром жойга сигирнинг тегаги суртиб чиқилса, шу жой покланади, яъни, ҳалол бўлади. Гофил одамлар албатта бунга дарров эътироз билди-ришлари мумкин: "Ахир бу аниқ зиддият-ку!" Оддий кўз билан қараганда бу албатта зиддиятдай бўлиб кўринади, лекин, аслида бу ерда ҳеч қандай хатолик йўқ. Бу аниқ ҳақиқат. Калькутталик бир машҳур табобат олими бу соҳада тадқиқот олиб борган, у сигир тегагининг таркибини текшириб кўриб, унинг барча антисептик(поклолчи, микробларни ўлдирувчи) хусусиятларга эга эканини аниқлаган.

Ҳиндистонда кимдир бировга: "Сен бундай қилишинг керак!" - деб айтса, у одам унга эътироз билдириши мумкин: "Нимага сен бундай деб ўйлайсан? Сенинг бу гапларинг Ведаларда ёзилганмидики, мен уларни ҳеч қандай исбот талаб қилмасдан қабул қилсам?!" Ведаларнинг кўрсатмасини ҳар ким ўзича талқин қилиши мумкин эмас. Охир-оқибатда, агар сиз Ведаларнинг ҳар бир кўрсатмасини ўрганиб чиқсангиз, уларнинг барчаси беҳато, тўғри эканига амин бўласиз.

Ведалар инсон заковати билан яратилган асарлар эмас. Ведалар илми бу дунёга руҳий оламдан, Парвардигор Кришнадан келган. Ведаларни *шрути* деб ҳам атайдилар. Эшитиш орқали олинган илм

шрути деб аталади. Бу эмпирик(тажриба йўли билан олинган) илм эмас. Шрутиларни онага қиёслаш мумкин. Масалан, сиз отангиз ким эканини билмоқчи бўлсангиз, бунга аниқ жавобни ким бера олади? - Фақат онангиз. Агар онангиз сизга: "Мана шу киши сенинг отанг бўлади?" - деса, сиз унинг гапини инкор этолмайсиз. Тажриба йўли билан отангиз ким эканини аниқлашнинг иложи йўқ. Худди шундай, агар сиз тажриба йўли билан билолмайдиган, сезгиларингизнинг сезиш чегарасидан ташқарида бўлган бирор нарса ҳақида билишни истасангиз - Ведалар илмини қабул қилишингиз лозим. Бу илми қандайдир тажриба ўтказиш йўли билан текшириб кўриш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси ахлақачон аниқланган. Масалан, онангизнинг гапини ҳақиқат ўрнида қабул қилишингиз шарт. Бунинг бошқа йўли йўқ.

Ведаларни "она" деб, Браҳмани – "бобокалон" деб атайдилар, чунки у Ведалар илмини олган биринчи зот эди. *Браҳма* – моддий оламда яратилган биринчи тирик мавжудот ҳисобланади. У Парвардигордан Ведалар илмини олиб, уни ўғли Нарада Мунига, бошқа шогирд ва ўғилларига ўргатган, ўз навбатида улар бу илми ўз шогирдларига ўргатганлар. Шу тариқа Ведалар илми ҳозиргача шогирдлар силсиласи орқали авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Ведалар илми ана шундай йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб келиши "Бхагавад-гита"(4.2)да ҳам тасдиқланган. Агар тажриба ўтказиб текшириб кўрсангиз ҳам, барибир шундай хулосага келасиз, лекин тажриба ўтказишга бекорга вақт сарфлаб юргандан кўра Ведалар илмини қабул қилган маъқул. Агар сиз отангиз ким эканини билишни истасангиз ва буни аниқлашда онангизга ишонсангиз, сиз унинг айтганини ҳеч иккиланмасдан қабул қиласиз. Исботнинг уч тури бўлади: *пратйакша, анумана* ва *шабда*. *Пратйакша* ибораси "бевосита" деган маънони англатади. Бевосита сезиш, кўриш усули унчалик ишонарли эмас, чунки бизнинг сезги органларимиз мукамал эмас. Масалан, биз ҳар кунни қуёшни кўриб юрибмиз, у бизга кичкина бир айланага ўхшаб кўринади, лекин, аслида қуёш бошқа сайёралардан анча катта бўлган сайёра ҳисобланади. Шундай экан, сезгиларга ишониб бўладими? Қуёш ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш учун биз қуёш ҳақидаги китобларни ўқишимиз лозим. Демак, бевосита тажриба усули мукамал эмас. Бундан ташқари индуктив илм, яъни ҳар хил гипотеза, тахминларга асосланган илм ҳам бор: "Бу бундай бўлиши мумкин. Бу шундай бўлса керак...?" Масалан, Дарвин таълимотига кўра: "Бу ундай бўлиши мумкин ёки бундай бўлиши мумкин", деб айтадилар, буни албатта илм деб бўлмайди. Бу шунчаки гипотеза, тахмин, холос. Бу йўл ҳам албатта мукамал эмас. Аммо ишончли манбадан олинган илм мукамал, аниқ илм бўлади. Агар сизда радиостанциянинг ўзи чиқарган эшиттиришлар дастури бўлса, сиз унда ёзилган маълумотларга аниқ ишонасиз. Сиз уни инкор эта олмайсиз, тажриба йўли билан текшириб ҳам ўтирмайсиз, чунки у аниқ манбадан олинган.

Ведалар илмини *шабда-прамана* ёки бошқача қилиб айтганда, *шрути* деб атайдилар. *Шрути* дегани, бу илм тинглаш орқали олинган бўлиши керак, дегани билдиради. Ведаларда айтилганки, агар биз илоҳий илм ўрганишни, унинг мазмунини тушунишни истасак, унда ана шу соҳани биладиган кишининг гапларини тинглашимиз лозим. Илоҳий илм бизга коинот чегарасидан ташқаридан келади.

Коинот ичида ўрганиш мумкин бўлган илм - **моддий илм**, коинотдан ташқаридаги илм эса - **илоҳий илм** деб аталади. Биз ҳатто мана шу коинот чегараларига боришга қодир эмасмиз, руҳий олам ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Демак, мукаммал илм эгаллашнинг иложи йўк.

Руҳий олам ҳақиқатан ҳам мавжуд. Намоён бўлган ва намоён бўлмаган бу моддий оламдан ташқарида бошқа олам, бошқа табиат ҳам мавжуд. Сайёралар ҳам, уларда яшайдиган тирик мавжудотлар ҳам мангу бўлган ана шу руҳий оламнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини қандай аниқлаш мумкин? Руҳий олам ҳақиқатан ҳам мавжуд, лекин, буни қандай текшириш мумкин? Бунинг иложи йўк. Шунинг учун биз Ведалар илмига мурожаат қилишимиз лозим. Мана шу Ведалар илми деб аталади. Кришнани англаш Халқаро жамиятида биз илоҳий илмни энг олий ишончли манбадан, Худонинг Олий Шахси Кришнадан оламиз. Кришнанинг ишончли манба эканини ҳар хил тоифадаги одамлар ҳам тан оладилар. Бунда мен биринчи навбатда илоҳиётчи олимларнинг икки тоифасини назарда тутяпман. Илоҳиётчи олимларнинг бир тоифасини имперсоналистлар, яъни, *майявадилар* деб атайдилар. Одатда уларни Шанкарачарйа мактабига мансуб илоҳиётчи олимлар деб атайдилар. Илоҳиётчи олимларнинг бошқа тоифасини *вайшнавлар* деб атайдилар. Рамануджачарйа, Мадхвачарйа, Вишнусвами каби буюк билимдон донишмандлар ана шу тоифага мансуб. *Шанкара-сампрадаё* ҳам, *вайшнава-сампрадаё* ҳам Кришнани Худонинг Олий Шахси сифатида тан оладилар. Шанкара-чарйани имперсоналист деб ҳисоблайдилар, чунки у имперсонализм, яъни шахсиятсиз Брахман таълимотини тарғиб қилган, аслида эса, унинг ўзи Худонинг шахс эканини тан олган. "Бхагавад-гита"га ёзган изоҳида у шундай деб ёзади: **"Нарайана, Худонинг Олий Шахси бу космик борлиқдан ташқарида мавжуддир"**. Кейин буни яна бир жойда шундай деб тасдиқлайди: **"Худонинг Олий Шахси, Нарайана бу - Кришна. У бу дунёга Васудева билан Девакининг ўғли сифатида келган"**. У атайлаб Кришнанинг ота-онасининг номларини айтиб ўтади. Шундай қилиб, илоҳиётчи олимларнинг барчаси Кришна Худонинг Олий Шахси эканини тан оладилар. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Кришнани англаш Халқаро жамиятида биз илоҳий илмни бевосита Кришнанинг Ўзи айтган "Бхагавад-гита"дан ўрганамиз. Биз бу асарни "Асл ҳолидаги Бхагавад-гита" деган ном билан нашр қилдик, чунки, унда Кришнанинг айтган гапларини ҳеч қандай талқинларсиз, тўғридан-тўғри қабул қилганмиз. Мана шу Ведалар илми бўлади. Ведалар илми пок руҳий илм, шунинг учун биз уни қандай бўлса шундайлигича қабул қиламиз. Биз Кришнанинг айтган гапларини асл ҳақиқат деб қабул қиламиз. Мана шу - Кришна онгини қабул қилиш бўлади. Бу билан биз шунча вақтимизни тежаб қолган бўламиз. Ишончли олим ёки илм манбаини топсангиз сиз жуда кўп вақтингизни тежаб қоласиз. Масалан, моддий оламда илм ўрганишнинг икки усули мавжуд: индуктив усул ва дедуктив усул. Дедуктив усулдан фойдаланиб биз "одам ўлишга маҳқум" деган хулосага келишимиз мумкин. Отангиз ҳам "ҳар бир одам албатта ўлади" деб айтади, онангиз ҳам "ҳар бир одам ўлимга маҳқум" деб айтади, бошқа одамлар ҳам шундай дейдилар, лекин сиз буни ҳеч қандай тажриба

ўтказиб текшириб кўрмайсиз. Сиз ҳар бир одам ўлимга маҳқум эканини ҳақиқат деб қабул қиласиз. Агар сиз ҳақиқатан ҳам ҳар бир одам ўлимга маҳқум эканини тажриба йўли билан текшириб кўрмоқчи бўлсангиз, унда ҳамма одамларни ўрганиб чиқишингиз керак бўлади, шунда ҳам сиз: "балки ўлмайдиган одам ҳам бўлиши мумкиндир, лекин мен ҳали ундай одамни учратмадим" деб ўйлайсиз. Шундай қилиб, сизнинг тажрибангиз ҳеч қачон охирига етмайди. Мана шу жараён санскрит тилида *ароха*, яъни, "юқорига қараб борадиган жараён" деб аталади. Агар сиз ўз кучингизга ишониб, мукаммал бўлмаган сезгиларингиз ёрдамида илм ўрганмоқчи бўлсангиз, ҳеч қачон тўғри хулосага келолмайсиз. Бунинг иложи йўк.

"Брахма-самхита"да шундай дейилган: "Хаёл тезлигида учадиган самолётда саёхатга чиқинг!" Ҳозирги самолётлар соатига уч минг километр тезликда учадилар, аммо хаёлнинг тезлиги қандай? Фараз қилинг, сиз уйингизда ўтириб, ўн минг километр узокликдаги Ҳиндистон ҳақида ўйлай бошлайсиз, сизнинг хаёлингиз шу заҳотиёқ Ҳиндистонда бўлади. Сиз хаёлингизда Ҳиндистонга бордингиз. Хаёлнинг тезлиги ана шундай катта. Шунинг учун Ведаларда: "Хаёл тезлигида миллион йиллар саёхат қилиб, ниҳоят сиз руҳий олам ҳақиқатан ҳам чексиз эканига ишонч ҳосил қиласиз" - деб ёзилган. Руҳий оламга ҳатто яқинлашиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ведаларда таъкидлаб айтилганки, инсон руҳий устозга, гуруга мурожаат қилиши шарт ва зарур.

Руҳий устоз қандай сифатларга эга бўлиши керак? У Ведалар илмини ишончли манбадан ўрганган бўлиши керак, акс холда уни ҳақиқий руҳий устоз деб бўлмайди. У Брахманни, Худони англаб етган бўлиши лозим. Руҳий устоз албатта эга бўлиши лозим бўлган икки сифат ана шулардан иборат. Худони англашнинг Кришнани англаш Халқаро жамиятида қўлланиладиган усуллари Ведаларнинг талабига тўлиқ жавоб берадиган ишончли усуллар ҳисобланади. Кришна "Бхагавад-гита"да айтганки, **Ведаларни ўрганишдан мақсад - Кришнани, Худони англашдан иборат**. "Брахма-самхита"да шундай дейилган: **"Кришна, Говинданинг сон-саноксиз қиёфалари мавжуд, лекин, аслида уларнинг ҳаммаси ягона бир Зот"**. Улар бизларнинг мукаммал бўлмаган моддий қиёфаларимизга ўхшамайди. Парвардигорнинг қиёфаси мукаммал. Менинг қиёфамнинг бошланиши бор, аммо Парвардигор инг қиёфасининг бошланиши йўк. У - *ананта*. Унинг қиёфасининг - турли кўринишдаги сон-саноксиз қиёфаларининг - сон-саногий йўк, бениҳоя. Менинг танам ҳозир квартирамда эмас, мана шу ерда. Сизлар ҳам уйингизда эмас, мана шу ерда ўтирибсизлар. Аммо Кришна бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда бўла олади. У Ўзи ҳамиша Голока Вриндаванда юрган ҳолда, айна пайтда, ҳамма жойда мавжуд бўлишга қодир. У ҳамма ерга сингиб кетган. У бошлангич, азалий, энг қадимий шахс, шунга қарамай Унинг қайси бир тасвирига қарасангиз, ўн беш-йигирма яшар ўспирин қиёфасида кўрасиз. Сиз бирор жойда Кришнанинг кекса чол кўринишида тасвирланганини учрата олмайсиз. Сиз "Бхагавад-гита"да Кришнанинг Аржунга жиловдор бўлиб турган тасвирини кўргансиз. Ўша пайтда У камида юз ёшларда эди. Унинг чеваралари бўлишига қарамай, У ёш йигит қиёфасида тасвирланган. Кришна, Худонинг

Олий Шахси ҳеч қачон кексаймайди. Унинг олий кудрати ана шундай. Агар сиз Ведалар адабиётини мустақил ўрганиш ёрдамида Кришнани англаб етмоқчи бўлсангиз боши берк кўчага кириб қоласиз. Балки сиз анча уриниб мақсадингизга эришарсиз, аммо бу йўл билан Кришнани англаш жуда мушкул. Лекин сиз Унинг содиқ хизматкори орқали Кришнани осонлик билан англай оласиз. Кришнанинг содиқ хизматкори сизга Кришнани беришга кодир: "Мана шу Худо бўлади, олақол!" Худонинг содиқларининг илохий кудрати ана шундай.

Аввалига фақат битта Веда бўлган, уни ёзишнинг, ўқишнинг ҳожати йўқ эди. Одамлар шу қадар заковатли, шу қадар кучли хотирага эга эдиларки, руҳий устозидан бир марта тингласалар, бу илмини тўлиқ тушуниб олардилар. Улар бир марта тинглаш билан эшитган гапининг мазмунини тўлиқ тушуниб олганлар. Лекин, Вйасадева 5000 йил аввал Ведалар илмини ҳозирги Кали-юга даврида яшайдиган одамлар учун ёзма равишда қолдириб кетган. Вақт ўтиши билан одамларнинг умри тобора қисқара боришини, хотираси сусайиб, тафаккури, заковати пасайиб кетишини У яхши билган. "Шунинг учун Мен одамларга Ведалар илмини ёзма равишда қолдиришим керак!" - деб ўйлаган У. У Ведалар илмини тўрт қисмга бўлган: "Риг-", "Сама-", "Атхарва-" ва "Йаджур-веда". У Ведаларнинг ҳар бир қисмини алоҳида бир шогирдига ўргатган. Кейин у чуқур заковатга эга бўлмаган - *стри*, *шудра* ва *двиджа-бандху* тоифасига мансуб одамлар ҳақида қайғура бошлаган. Бунда У аёлларни, ишчиларни ва билимдон браҳман оиласида туғилса ҳам, ўзи браҳман сифатига эга бўлмаган одамларни назарда тутган эди. Браҳман оиласида туғилган, аммо ўзи браҳманларга хос юксак инсоний фазилатларга эга бўлмаган кишини *двиджа-бандху* деб атайдилар. Ана шундай одамлар учун У Ҳиндистон тарихи ҳақида ҳикоя қиладиган "Маҳобҳорат" достонини ҳамда ўн саккиз Пуранани ёзиб қолдирди. Буларнинг ҳаммаси - Пураналар, "Маҳобҳорат", тўрт Веда, Упанишадалар - Ведавий адабиётларни ташкил этади. Упанишадалар Ведаларнинг бир қисми ҳисобланади. Кейин Вйасадева билимдон олимлар ва файласуфлар учун бутун Ведалар илмини "Веданта-сутра" асарида умумлаштирди. "Веданта-сутра" - Ведалар илмининг якуний хулосалари ҳисобланади. *Анта* ибораси "охири", "якуни" деган маънони англатади. Вйасадева "Веданта-сутра" асарини руҳий устозининг кўрсатмаси асосида ёзган эди, лекин, барибир ўзининг бу ишидан унинг кўнгли тўлмади. Бунинг тарихи жуда узоқ. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"да ёзилган. Пураналарни, Упаниша-даларни ва "Веданта-сутра"ни ёзиб бўлгандан кейин ҳам Вйасадеванинг Ўз ишидан кўнгли тўлмади. Шунда руҳий устози Нарада Муни Унга: "Веданта-сутра"ни изоҳлаб асар ёз!" - деб кўрсатма берди. "Веданта-сутра" - энг олий илм, Вйасадева эса, - Кришнанинг Ўзи. Кришна айтадики, барча Ведаларнинг мақсади - У (Кришна)ни билишдан иборат. *Веданта-крид веда-вид эва чахам*. Кришна шундай дейди: **"Ведаларни ёзган ҳам, Ведаларни мукаммал биладиган ҳам Мен Ўзимман!"**(Бг.15.15). Демак, Ведаларни ўрганишнинг якуний мақсади - Кришна. Мана шу ҳақиқат барча вайшнавларнинг "Веданта-сутра" фалсафасига ёзган изоҳларида батафсил тушунтирилган. Гаудийа-вайшнавларнинг ҳам "Веданта-сутра"га ёзган изоҳлари бор, уни Баладева Видйабхушана ёзган

бўлиб, бу асар "Говинда-бхашйа" деб аталади. "Веданта-сутра"га Мадхвачарйа ҳам, Рамануджачарйа ҳам изоҳ ёзган. Шанкарачарйанинг "Веданта-сутра"га ёзган изоҳи ягона изоҳ эмас. "Веданта-сутра"га жуда кўп изоҳлар ёзилган, аммо вайшнавларнинг ёзган изоҳи биринчи ёзилган изоҳ бўлмаган, шу боис одамлар "Веданта-сутра"га фақат Шанкарачарйа изоҳ ёзган деб ўйлайдилар. Бунинг устига Вйасадеванинг Ўзи "Веданта-сутра"га мукаммал изоҳ сифатида "Шримад Бхагаватам"ни ёзиб қолдирган. "Шримад Бхагаватам" ҳам "Веданта-сутра" сингари *жанмади асйа йатах* иборалари билан бошланади. Бу иборалар(*жанмади асйа йатах*)нинг мазмуни "Шримад Бхагаватам"да батафсил тушунтирилган. "Веданта-сутра"да Браҳман, Мутлак Ҳақиқат нима экани ҳақида умумий маълумот берилган: **"Мутлак Ҳақиқат - ҳамма нарсанинг манбаи бўлган Зотдир"**. Бу умумий маълумот, афоризм, "Шримад Бхагаватам"да эса, бунинг маъноси батафсил тушунтирилган. Агар ҳамма нарса Мутлак Ҳақиқатдан чиққан бўлса, унда Мутлак Ҳақиқат қандай табиатга эга? Бу "Шримад Бхагаватам"да тушунтирилган. Мутлак Ҳақиқат онгли зот бўлиши керак. Мутлак Ҳақиқат ўзидан нур таратиб туради(*сва-рат*). Биз онгимизни юксалтириб борамиз, бошқалардан илм ўрганиб, илмимизни ошириб борамиз, лекин "Мутлак Ҳақиқат ўзидан нур таратиб туради" дейилган. "Веданта-сутра"да Ведалар илми қисқача баён этилган, унинг муаллифи "Шримад Бхагаватам"да бу илмини батафсил тушунтириб беради.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчи эдимки, ҳақиқатан ҳам Ведалар илмини англаб етишга интилаётган киши "Шримад Бхагаватам" ва «Бхагавад-гита» асарларини ўрганиши лозим.

Муножот

*ом пурнам адах пурнам идам
пурнат пурнам удачйате
пурнасйа пурнам адайа
пурнам эвавишишйате*

"Худо Шахси ҳар жихатдан мукаммал, у мутлак ва мукаммал бўлгани учун Ундан чиқадиган ҳар бир нарса, жумладан, мана шу моддий оламнинг ҳам эҳтиёжлари ҳар томонлама тўлиқ таъминланган, чунки, у ҳам тўла бутун ҳисобланади. Тўла Бутундан чиққан ҳар бир нарса ҳам тўла бутун бўлади. Гарчи Ундан сон-саноксиз тўла бутунлар чиқиб турган бўлса ҳам, Тўла Бутун бўлгани учун У Ўзининг мукаммал ҳолатини ҳаминша сақлаб қолаверади."

Изоҳ: Тўла Бутун, Олий Мутлак Ҳақиқат - Худонинг мукаммал Шахсидир. Мутлак Ҳақиқатни шахсиятсиз Браҳман кўринишида тасаввур қилиш ҳам, *Параматма*, яъни, Олий Рух кўринишида тасаввур қилиш ҳам, бизга Мутлак Ҳақиқатни тўлиқ, мукаммал ифодалаб беролмайди. Худонинг Олий Шахсининг тўлиқ ифодаси *сач-чид-ананда-виграха*. Шахсиятсиз Браҳманни англаш Мутлак Ҳақиқатнинг *сам*, яъни, мангулик жиҳатини англаб етишдир. *Параматма*, яъни Олий Рухни англаб етиш Мутлак Ҳақиқатнинг

сам ва *чит*, яъни, мангулик ва мукаммал илм жиҳатларини англаб етишдир. Худонинг Олий Шахсини англаб етиш эса, Мутлақ Ҳақиқатнинг барча *сам*, *чит*, *ананда*(лаззат) жиҳатларини тўлиқ англаб етиш бўлади. Инсон Худонинг Олий Шахсини англаб етганида у ана шу жиҳатларнинг ҳаммасини Худо Шахсининг қиёфаси(*виграха*)да англаб етади. Шундай қилиб, Тўла Бутун Зотнинг қиёфаси, шакли бор. Агар Унинг қиёфаси, шакли бўлмаса, яъни, У Ўзи яратган мавжудотлардан бирор жиҳатдан кам бўлганда эди, Уни Тўла Бутун деб бўлмасди. Тўла Бутун Зот Ўзида биз билган ва билмаган, била оладиган ва била олмайдиган ҳамма нарсани мужассам қилган бўлиши керак, акс ҳолда Уни Тўла Бутун деб бўлмайди.

Тўла Бутун, Худонинг Олий Шахси чексиз қувватларга эга бўлиб, Унинг шу қувватлари ҳам худди Унинг Ўзи сингари мукаммал. Шу боис намоён бўлиб турган қувват, яъни, бу моддий олам ҳам мукаммал ва тўла бутун. Бу вақтинчалик моддий олам таркиб топган 24 унсур мана шу оламнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган ҳамма нарсани ишлаб чиқаришга мукаммал мослашган. Коинотнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун ташқаридан ҳеч қандай таъсирнинг ҳожати йўқ. Коинот Тўла Бутуннинг қуввати аниқ белгилаб қўйган вақт ичида ўзидан-ўзи мавжуд бўлиб туради. Ана шу вақт ниҳоясига етганида вақтинчалик намоён бўлиб турган бу коинот Тўла Бутуннинг мукаммал режасига асосан яқсон бўлади.

Кичкина тўла бутун руҳий заррачалар, яъни, тирик мавжудотлар Тўла Бутунни англаб етишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган; улардаги ҳар хил камчилик ва нуқсонлар - уларнинг Тўла Бутун ҳақида тўлиқ илмга эга бўлмагани натижаси, холос. Инсон танасида ўтадиган ҳаёт шароитида тирик мавжудотнинг онги мукаммал кўринишда намоён бўлади; руҳий юксалиш жараёнида туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан иборат бўлган моддий ҳаётнинг 8.400.000 тури орқали ўтгандан кейин тирик мавжудот ниҳоят ана шундай нодир имкониятга эга бўлади. Агар, ана шундай мукаммал онгга эга бўла туриб ҳам инсон ўзининг аслида ким эканини, яъни, Тўла Бутуннинг бир заррачаси бўлган алоҳида комил руҳ эканини англаб етолмаса, у руҳий баркамоллика эришиш имкониятидан маҳрум бўлади ва моддий табиат қонунларига кўра яна эволюцион ривожланишнинг туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тушиб қолади.

Табиатда ҳамманинг тирикчилигини тўла таъминлаш учун ҳамма нарса мукаммал равишда йўлга қўйилганини тушунмаган ҳолда биз табиий бойликлардан ҳиссий "лаззатланишга берилган мукаммал ҳаёт"имизни таъминлаш учун очофатларча фойдаланишга уринамиз. Инсонни ҳақиқат йўлидан адаштирадиган бундай ҳаёт "сароб", "алданиш" деб аталади, чунки, токи тирик мавжудот Тўла Бутун билан ўзаро алоқа ўрната олмас экан, у фақат сезгилари ёрдамида чинакамига лаззатланиб яшай олмайди. Масалан, одамнинг қўли, токи унинг танаси билан боғланган экан, у тўла бутун тананинг тўла бутун бир қисми ҳисобланади. Агар қўл унинг танасидан ажралиб қолса, гарчи, аввалгидай қўлга ўхшаб кўринса ҳам, у ҳақиқий қўлнинг ҳеч қандай хусусиятларига эга бўлмайди. Худди шундай, тирик мавжудотлар ҳам Тўла Бутуннинг ажралмас заррачаларидир, шундай экан токи ана шу ажралмас заррачалар Тўла Бутундан ажралган экан, уларнинг

ўзини "комил инсон" деб юрган тасаввурлари уларга ҳеч қандай мамнуният олиб келолмайди. Токи инсон Тўла Бутун, яъни Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатларини қайта тикламас экан, у ҳеч қачон ўз ҳаётидан тўла мамнуният ҳосил қила олмайди.

Инсон танасини олган тирик мавжудот Тўла Бутунга хизмат қила бошлагандагина инсон ҳаётининг мукаммал поғонасига кўтарилиши мумкин. Хизмат қилишнинг бу дунёдаги бошқа ҳар қандай турлари - ижтимоий, сиёсий, жамият, халқаро, ҳатто сайёралараро хизмат турлари ҳам, то Тўла Бутун билан боғланмагунча мукаммал бўлмай қолаверади. Ҳар қандай амали, хизмати Тўла Бутун билан боғланган ҳолдагина Унинг ажралмас заррачаси бўлган тирик мавжудот, инсон ўзининг мукаммал ҳолатига эришади.

Биринчи мантра

*ишавасйам идам сарвам
йат кинча жагатйам жагат
тена тйактена бхунджитха
ма гридхаҳ касйа свид дханам*

"Оламдаги барча жонли ва жонсиз зотлар Худонинг ҳукми остида бўлиб Унинг мулки ҳисобланади. Шунинг учун ҳар ким фақат ўзига тегишли бўлган ва фақат ўзига ажратилган нарсалардан фойдаланиши, ҳамма нарса кимники эканини эсида сақлаган ҳолда ўзиники бўлмаган бирор нарсага кўз олайтирмаслиги лозим".

Изоҳ: Ведалар илми бенуқсон, чунки бу илм бизга Худо Шахсининг Ўзидан бошланадиган руҳий устозлардан, шогирдлар силсиласининг мукаммал занжири орқали етиб келган. Ведалар илмини ана шу илоҳий манбадан оладилар, Ведалар илмининг биринчи иборасини Худонинг Ўзи айтган. Худонинг Ўзи айтган гапларни *апаурушейа* деб атайдилар, бу ибора аслида бу маълумотлар моддий оламга мансуб бўлмаган Олий Шахсдан чиқиб турганини билдиради. Моддий оламда яшашга маҳкум этилган зотлар тўрт турли нуқсонга эга: 1. Хатолашишга маҳкум; 2. Алданишга маҳкум; 3. Бошқаларни алдаш хусусиятига эга; 4. Сезгилари мукаммал эмас. Ана шу тўрт нуқсонга эга бўлган ҳолда инсон бошқаларга ҳамма нарсани қамраб оладиган мукаммал илм ҳақида мукаммал маълумот беролмайди. Аммо Ведалар ҳақида бундай деб бўлмайди. Ведалар илми энг аввало коинотдаги биринчи тирик мавжудот - Браҳманинг қалбига жойланган эди, Браҳма эса ўз навбатида бу илми ўғилларига ва шогирдларига ўргатди, улар ҳам ўз шогирдларига ўргатдилар - илм ўргатишнинг бу жараёни ҳозиргача узлуксиз давом этиб келяпти.

Худо Шахси *пурнам*, ҳар жиҳатдан мукаммал, шунинг учун У моддий табиат қонунларига бўйсунмайди. Тирик мавжудотларни ва жонсиз жисмларни моддий табиат қонунлари, демак, охиروقибатда Худонинг амри бошқариб туради. "Ишопанишад" асари ҳам "Йаджур-веда"нинг таркибий қисми ҳисобланади, шу боис унда оламдаги ҳамма нарса аслида кимнинг мулки экани ҳақида маълумотлар келтирилган.

«Бхагавад-гита»нинг *пара* ҳамда *апара праकрити* ҳақида гап борадиган еттинчи бобида(7.4-5) ҳам мана

шу маълумот тасдиқланади. Табиатдаги унсурлар: ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик – Парвардигорнинг қуйи, моддий қувватининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Тирик мавжудотлар, органик қувват эса, *пара пракрити*, яъни Парвардигорнинг олий қувватининг таркибига киради. Икки қувват, яъни икки *пракрити* ҳам Парвардигорнинг Ўзидан чиққан, охир-оқибатда бутун борлиқнинг ягона Эгаси Парвардигор ҳисобланади. Бутун борлиқда *пара* ёки *апара* пракритига мансуб бўлмаган бирор нарса йўқ, шундай экан, атрофимиздаги ҳамма нарса Олий Зотнинг, ягона Парвардигорнинг мулки ҳисобланади.

Олий Зот, Худонинг Олий Шахси мукаммал шахс бўлиб, мукаммал тўлиқ тафаккурга эга. Ана шу тафаккури Унга Ўзининг турли қувватлари ёрдамида бутун борлиқни бошқариб туриш имконини беради. Олий Зотни одатда оловга қиёслайдилар, барча жонли ва жонсиз мавжудотларни эса, - оловнинг иссиқлиги ва ёруғлигига ўхшатадилар. Олов ўзининг қувватини иссиқлик ва ёруғлик кўринишида таркатади, худди шундай, Парвардигор ҳам Ўзининг қувватларини турли кўринишларда намоён этади. У ҳамиша бутун борлиқни бошқариб турган ва бутун борлиқдаги ҳамма нарсанинг ягона Эгаси бўлган асосий Хукмдор бўлиб қолаверади. У ҳамма нарсани билади, барча қувватлар соҳиби, ҳар кимга фақат яхшилик қилади, англаб бўлмас барча бойликлар эгаси: бойлик, ҳокимият, шон-шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик.

Шундай экан, аслида Худонинг Ўзидан бошқа ҳеч ким бирор нарсанинг ҳақиқий эгаси эмаслигини англаб етиши учун инсон етарли даражада фаросатли бўлиши керак. Ҳар бир инсон ҳаётда фақат Парвардигор унга улуш сифатида ажратиб қўйган нарсалардан фойдаланиб яшаши лозим. Масалан, сигир сут беради, лекин, ўзи шу сутдан ичмайди. У хашак ва дон маҳсулотлари билан озикланади, унинг сути эса, инсон озикланиши учун мўлжалланган. Парвардигорнинг Ўзи бу дунёда шундай тартиб ўрнатиб қўйган, биз Унинг меҳрибонлик билан бизга ризқ қилиб ажратиб қўйган ана шу эҳсонидан мамнун бўлишимиз лозим. Биз ўзимизга ажратилган нарсалар аслида кимники эканини ҳамиша эсда сақлашимиз лозим.

Масалан, биз яшаётган иморат тупроқдан, ёғочдан, тошдан, темирдан ва бошқа кўплаб унсурлардан қурилган, аммо агар "Шри Ишопанишад" таълимоти бўйича фикр юритиб кўрсак, биз ана шу унсурларнинг бирортасини ўзимиз ярата олмаймиз. Биз фақат уларни бир жойга тўплаб, турли шакллар бера оламиз, холос. Бирор ишчи қандайдир маҳсулот тайёрлаш устида тер тўкиб ишлагани учунгина шу маҳсулотнинг эгаси менман деб даъво қилолмайди-ку.

Ҳозирги жамиятда ишчилар ва мулкдорлар орасида ўзаро жанжаллар сира адо бўлмаяпти. Бу можаролар халқаро миқёсга кўтарилиб, бутун жаҳон катта хавф остида қолган. Одамлар бир-бирлари билан рақобат қилиб, худди ит ва мушукларга ўхшаб бир-бирига қарши қурашиб юрибдилар. Албатта "Шри Ишопанишад" ундай ит-мушукларга бирор маслаҳат беришга қодир эмас, аммо ҳақиқий инсонларга у руҳий устозлар силсиласи орқали Худонинг хабарини етказиши мумкин. "Шри Ишопанишад"да берилган ведавий донишмандлик илмини, яъни, **"ҳеч ким бу дунёда моддий бойлик учун жанжаллашиб**

юриши керак эмас" деган таълимотини фақат ҳақиқий инсонлар қабул қила оладилар. Ҳар бир инсон бу дунёда ўзи учун Парвардигор белгилаб қўйган насибасига қаноат қилиб яшаши лозим. Токи коммунистлар, капиталистлар ёки яна қандайдир бошқа бирор гуруҳ аъзолари аслида ягона Парвардигорнинг мулки бўлган моддий табиат бойликларига эгалик қилишни даъво қилар эканлар, ҳеч қачон жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиб бўлмайди.

Капиталистлар фақат сиёсий алдовлар билан коммунистларни жиловлай олмайдилар, худди шундай коммунистлар ҳам ўғирланган нон учун курашда капиталистларни мағлуб қила олмайдилар. Улар бу дунёдаги ҳамма бойликлар фақат Худониники эканини, улар эгалик қилаётган бойликларнинг ҳаммаси аслида "ўғирланган бойлик" эканини тан олдилари келмайди, шу боис табиат қонунлари бўйича улар албатта жазога маҳкум бўладилар. Атом бомбаси капиталистларда ҳам бор, коммунистларда ҳам, агар улар аслида ҳамма нарса Худониники эканини ўз вақтида тан олмасалар, ишонч билан айтиш мумкинки, ана шу бомбалар бир кун келиб бу икки гуруҳни ҳам ер билан яксон қилади. Шунинг учун ҳеч бўлмаса ўз жонини сақлаб қолиш учун бу икки ғоя тарафдорлари ҳам "Шри Ишопанишад" кўрсатмаларига амал қилишлари лозим, бу билан улар жаҳондаги барча халқларга тинчлик ва осойишталик келтирадилар.

Инсон бу дунёга худди ит-мушукларга ўхшаб бир-бири билан жанжаллашиб, рақобат қилиш учун келган эмас. Инсон ҳаётининг аҳамиятини, мазмунини англаб етиш учун одамлар етарли даражада фаросатга эга бўлишлари лозим. **Ведалар адабиёти, муқаддас китоблар ит ва мушуклар учун эмас, онги ривожланган фаросатли инсонлар учун** нозил қилинган. Ит ва мушуклар бошқа ҳайвонларни ўлдириб, бемалол уларнинг гўшти билан озикланишлари мумкин, бу билан улар бирор гуноҳ иш қилган бўлмайдилар. Лекин инсон ўзининг ҳайвоний иштаҳасини қондириш учун бирор тирик мавжудотни ўлдирса, у табиат қонунларини бузгани учун жавобгар бўлади ва албатта жазоланади.

Инсон ҳаётининг қонун-қоидаларини ҳайвонлар учун қўллаб бўлмайди: йўлбарс гуруч, буғдой емайди, сигирнинг сутини ичмайди, чунки Парвардигор унга озик сифатида ҳайвонлар гўштини бериб қўйган.

Ҳайвон гўшти билан, ўсимликлар билан озикланиб яшайдиган турли-туман ҳайвонлар бор, лекин уларнинг бирортаси Худонинг Ўзи ўрнатиб қўйган табиат қонунларини бузмайди. Ҳайвонлар, қушлар, судралиб юривчилар табиат қонунларига қатъий амал қилиб яшайдилар, бирор гуноҳ қилмайдилар, шу боис уларга муқаддас китобларнинг, Ведалар илмининг умуман кераги йўқ. Фақат инсон ўзининг қилаётган ишларига жавоб беради, қилмишига яраша жазо ёки мукофот олади.

Бу билан: "Фақат гўшт емаса бас, инсон табиат қонунларини бузмай яшаётган бўлади", деб ўйламаслик керак. Ўсимликлар ҳам тирик мавжудот ҳисобланади. "Бир тирик мавжудот иккинчи тирик мавжудот учун озуқа". Табиат қонуни шундай. Инсон шунчаки вегетариан бўлгани билан мағрурланмаслиги керак. Инсоннинг яшашдан олий мақсади Худони англаб етиш бўлиши лозим. Ҳайвонлар Худони англаш имконини берадиган онгга эга эмаслар, аммо, **инсонга** ведавий муқаддас китобларда нозил

килинган илмни ўрганиш, ҳамда моддий табиат қонунлари қандай ҳаракат қилишини билиб олиб, бу илмдан ўз манфаати учун фойдаланиш имконини берадиган **мукамал онг** ато этилган. Агар инсон ўз ҳаётида ведавий муқаддас китобларда берилган кўрсатмаларга эътибор бермаса, у ўзининг ИНСОН сифатида яшаётган ҳаётини катта хавф остига қўйган бўлади. Шунинг учун ҳар бир соғлом фикрли инсон Худонинг Олий Шахсининг ҳақиқий ҳукмдор эканини тан олиши лозим. Фаросатли инсон Худонинг содиқ хизматкори бўлиши, ҳамма нарчасини Худого садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши, фақат аввал Парвардигорга тақдим этилган таом қолдиқлари билан овқатланиб яшаши лозим. Шунда у ҳаётда ўз бурчини тўғри бажариб яшаш имконига эга бўлади. «Бхагавад-гита»(9.26)да Парвардигор айтганки, У содиқ хизматкори муҳаббат билан тақлиф қилган таомни албатта қабул қилади. Шунинг учун фаросатли инсон фақат вегетариан бўлиб қолмасдан, Худонинг содиқ хизматкори бўлиши, пиширган таомларини аввал албатта Худо Шахсига тақлиф қилиши лозим. Фақат шундан кейингина *прасад*, яъни, "Парвардигорнинг марҳамати"дан ейиш мумкин. Худонинг ана шундай содиқ хизматкори инсон учун қўйилган барча талабларга жавоб бериб, ўз бурчини тўлиқ бажариб яшай олади. Аввал Худого тақдим қилмасдан, ўғирлик қилиб овқатланиб юрган худобехабар ғофил, имонсиз одамлар эса, овқат ейиш билан фақат гуноҳга ботадилар. Бу билан улар ўзларини шу гуноҳларининг оқибатлари сифатида келадиغان турли мусибатларга мубтало қиладилар (Б.г.3.13).

Инсоннинг қиладиган барча гуноҳлари унинг ҳамма нарса аслида Худонинг мулки эканини тан олишни истамасдан онгли равишда табиат қонунларига бўйсунмаслиги сабабли содир бўлади. Моддий табиат қонунларига, яъни, Парвардигорнинг Ўзи ўрнатиб қўйган тартибга бўйсунмаслик инсонни ҳалокатга олиб келади. Аксинча, агар инсон соғлом фикр юришиб, табиат қонунларини ўрганиб, уларга бўйсуниб, ортиқча боғланиш ва нафратга берилмасдан яшаса, у албатта Худонинг эътиборини қозонади ва Унинг мангу даргоҳига, ўзининг мангу уйига қайтиб боришга муносиб даъвогар бўлади.

Иккинчи мантра

*курванн эвеха кармани
жидживишеч чхатам самах
эвам твайи нанйатхето "сти
на карма липйате наре*

"Ҳамиша шундай онг билан ҳаракат қилиб, инсон бу дунёда юзлаб йиллар умр кўришни исташи мумкин, чунки бундай фаолият кўрсатиб яшаш уни карма қонунларига бўйсундириб қўймайди. Бу дунёда узок умр кўришнинг бошқа йўли йўқ".

Изоҳ: Ҳеч ким ўлишни истамайди, ҳар бир инсон иложи борича кўпроқ умр кўришни истайди. Бундай интилиш фақат алоҳида бир кишига эмас, ҳатто жамоаларга, жамиятга, миллатга ҳам табиий равишда хос бўлган хусусият. Тирик мавжудотларнинг ҳар хил турларига мансуб хайвонлар ҳаёт учун ўзаро қаттиқ кураш олиб борадилар. Ведаларда бу табиий ҳол экани айтилган. Тирик мавжудот ўзининг азалий

табиатига кўра мангу, аммо моддий оламда тутқун бўлган ҳолда у тирикчилик қилиш учун такрор ва такрор тана алмаштиришга мажбур. Мана шу жараён "руҳнинг бир танадан иккинчи танага кўчиб юриши" ёки "реинкарнация" деб аталади. Буни бошқача тил билан *карма-бандхана*, яъни "ўз фаолиятининг кули бўлиш" деб аташ мумкин. Тирик мавжудот бу дунёда тирикчилик қилиш учун ишлашга мажбур, чунки табиат қонуни шундай, агар у ўз бурчини бажаришдан юз ўгирса, табиат қонунини бузган бўлади, бу билан у туғилиш ва ўлишлар чархпалагига баттарроқ ўралашиб қолади.

Ҳаётнинг инсон танасидан бошқа турларига мансуб тирик мавжудотлар ҳам туғилиш ва ўлишлар чархпалагига юрган бўлади, аммо, инсон танасини олганда тирик мавжудот карма қонунлари чангалидан озодликка чиқиш имконига эга бўлади. *Карма, акарма* ва *викарма*; «Бхагавад-гита»да мана шу қонунлар жуда аниқ таърифлаб берилган. Муқаддас китобларда кўрсатилган қонунларга мувофиқ кўрсатилган фаолият *карма* деб аталади. Инсонни туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка олиб чиқадиган фаолият тури *акарма* деб аталади. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган, инсон ўз мустақиллигини суистеъмол қилиб амалга оширадиган, охир-оқибатда уни қуйи ҳаёт турларига олиб борадиган фаолият *викарма* деб аталади.

Соғлом фикрли киши фаолиятнинг ана шу уч тури ичидан ўзини карма қонунлари чангалидан халос қиладиган фаолиятни танлайди. Оддий одамлар бу дунёда обрў-эътибор қозониш ёки жаннатга эришиш учун эзгу ишлар қилиб яшашга интиладилар. Лекин, руҳий юксалишда юксакроқ поғонага кўтарилган инсонлар ҳар қандай фаолиятдан ҳам, унинг оқибатларидан ҳам бутунлай халос бўлишга интиладилар. Ўткир тафаккурли инсон яхши ишлар ҳам, ёмон ишлар ҳам барибир моддий мусибатларга сабаб бўлишини яхши биладилар. Шунинг учун улар ўзларини яхши ишлари натижасидан ҳам, ёмон ишлари оқибатидан ҳам бутунлай озодликка чиқарадиган фаолиятни излайдилар. "Шри Ишопанишад"нинг мазкур мантрасида тасдиқланганки, инсон ўзининг ҳам яхши, ҳам ёмон ишлари оқибатидан ҳақиқатан ҳам озод бўла олади.

"Шри Ишопанишад"нинг кўрсатмалари одатда "Гитопанишад" деб аталадиган, барча Упанишадаларнинг асл мазмуни, якуний хулосаси (квинтэссенцияси) бўлган «Бхагавад-гита»да батафсил таърифланган. «Бхагавад-гита»(3.9-16)да Худонинг Олий Шахси айтганки, Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган бурчини бажармай туриб, ҳеч ким *наишкарма*, яъни, *акарма* поғонасига кўтарила олмайди. Ведалар инсоннинг ўз фаолияти учун сарфлаётган қувватини шундай бошқариши мумкинки, бунда у аста-секин Олий Зотнинг ҳукмронлигини англаб етишга қодир бўлади. Агар инсон Худо Шахси ҳақиқий ҳукмдор эканини англаб етган бўлса, у ҳақиқий илмга эга бўлган, мукамал илм поғонасига кўтарилган бўлади. Покланишнинг ана шу поғонасида моддий табиат гуналари(эзгулик, эҳтирос ва ғафлат) инсонга ўз таъсирини ўткази олмайди, шунда у *наишкарма* поғонасида фаолият кўрсата олади. Шунда унинг қилаётган ишлари, кўрсатаётган фаолияти уни туғилиш ва ўлишлар чархпалагига маҳкум қилмайди.

Аслида, Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор фаолият билан машғул бўлмаслик керак. Аммо ҳаётнинг қуйи турларида кармали фаолиятни тарк этиб, бирданига фақат Худога хизмат қилиш билан шуғулланишнинг иложи бўлмайди. Шартланган рух тор ёки кенг маънода фақат ўз манфаатини ўйлаб, ўз сезгиларини қаноатлантириш учун ишлашга ўрганиб қолган. Оддий одам ҳиссий лаззат олиш учун ишлайди, унинг қалбидаги ҳиссий лаззатланишга интилиш қоидаси ривожланиб, унинг шахсий манфаати атрофидагиларнинг, миллатининг, инсониятнинг манфаати билан бирлашганида буни альтруизм, социализм, коммунизм, гуманизм сингари ҳар хил жимжимадор иборалар билан атай бошлайдилар. Бундай "изм"ларнинг ҳаммаси албатта *карма-бандхана*, яъни, "инсонни бу дунёда қул қилиб кўядиган фаолият"нинг ажойиб турлари ҳисобланади, аммо, ведавий муқаддас китобларнинг "Шри Ишопанишад"да берилган кўрсатмаси бўйича, агар инсон юқоридаги "изм"ларнинг бирортаси учун хизмат қилишни истаса у албатта ўз фаолиятининг марказига Худо Шахсини қўйиши лозим. Агар инсон ўз фаолиятининг марказига Парвардигорни қўя олса, ҳар бир ишидан мақсад фақат Худони рози қилиш бўлса, оила қуришнинг, альтруист, гуманист, социалист, коммунист ёки миллатпарвар бўлишнинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Мана шу *ишавасйя* деб аталади.

«Бхагавад-гита»(2.40)да айтилганки, Худо учун, Уни рози қилиш учун қилинадиган амаллар шу қадар қудратли илоҳий кучга эгаки, ҳатто бу йўлда қилинган арзимаган амал ҳам инсонни ҳаётда энг катта хавф-хатардан сақлаб қолади. Инсон ҳаётидаги энг катта хавф-хатар - яна туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тушиб қолишдир. Агар инсон танаси берадиган нодир имкониятни қандайдир сабаблар билан қўлдан бой бериб, яна туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тушиб қолса, буни фаросатли инсон ўзи учун "энг оғир кулфат" деб ҳисоблаши лозим. Сезгилари, ақли мукамал ривожланмаган гофил одамлар албатта буни тушунишга қодир бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун "Шри Ишопанишад" бизга бор кучимиздан *ишавасйя* руҳида фойдаланишни тавсия қилади, агар ҳар бир ишимизни фақат Худо учун қилиб яшасак, истаганча узоқ умр кўришни ният қилиш мумкин. Акс ҳолда инсоннинг кўрадиган узоқ умри қандайдир дарахтнинг умридан фарқ қилмайди. Дарахт ҳам тирик мавжудот бўлиб жуда узоқ умр кўриши мумкин. Худди дарахтга ўхшаб узоқ умр кўришнинг, ёки темирчининг мешига ўхшаб нафас олиб юришнинг, ёки чўчка ва итларга ўхшаб болачака қилиб яшашнинг, ёки туядай ҳар қуни фақат қорин тўйғазиш учун яшашнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишланган оддийгина ҳаёт ҳам катта микёсдаги альтруизм, социализм сингари Худонинг розилиги учун қилинмаган энг буюк фаолиятдан афзал ҳисобланади.

Бошқаларнинг бахт-саодати учун қилинадиган фаолият "Шри Ишопанишад" кўрсатмаларига мос равишда бажарилса, у «Бхагавад-гита»да тавсия қилинган карма-йоганинг бир турига айланади(18.5-9). Карма-йога билан шуғулланиб юрган кишининг туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқиши қафолатланган бўлади. Худонинг розилиги учун кўрсатилган ана шундай фаолият ҳатто охирига етказилмай қолса ҳам, шундай фаолият билан

шуғулланиб юрган киши бундан фақат фойда кўради - бу унинг кейинги ҳаётда албатта инсон танасида туғилишига қафолат беради. Шунда у руҳий озодликка чиқиш учун яна бир имкониятга эга бўлади.

Учинчи мантра

*асурйя нама те лока
андхена тамасавритах
тамс те претабхигачханти
йе ке чатма-хано жанух*

"Ким бўлишидан қатъий назар, бу дунёда руҳи(ўзи)ни ўлдириб юрган зотларга ўлимидан кейин "имонсизлар олами" деб аталадиган, зулмат ва ғафлатга ботган сайёралардан жой ҳозирлаб қўйилган".

Изоҳ: Инсон ҳаёти бошқа ҳайвонлар ҳаётидан шуниси билан фарқ қиладики, унга жуда катта маъсулият юкланган. Ўзига юкланган маъсулиятни ҳис қилиб яшайдиган кишилар *суралар*, яъни, имонли, тақводор инсонлар деб, ана шу маъсулиятни билмайдиган ёки билса ҳам ундан юз ўтириб яшайдиган одамлар имонсиз иблислар, *асуралар* деб аталади. Бугун жаҳондаги ҳамма одамларни ана шу икки тоифага бўлиш мумкин. "Риг-веда"да айтилганки, сурлар, яъни, имонли тақводор зотлар ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига интиладилар ва шунга мос равишда яшайдилар. Уларнинг ҳаёт йўли худди қуёшнинг йўлидай порлоқ, ёруғ.

Фаросатли инсон ўзининг ҳозирги ҳаётига, яъни, инсон қиёфасидаги танада яшаш имкониятига руҳнинг эволюцион ривожланиш йўлида миллион йиллар давомида бир танадан иккинчи танага кўчиб юриш натижасида эришганини ҳамиша эсда сақлаши лозим. Одатда бу моддий оламни чексиз уммонга ўхшатадилар, инсон танасини эса, - ана шу уммонни кечиб ўтиш учун мўлжалланган мустаҳкам кемага ўхшатадилар. Ведавий муқаддас китоблар, донишманд-ачарйалар, руҳий устозлар кеманинг тажрибали дарға(бошқарувчи)лари, инсон танасининг қобилиятини эса - кемани манзилга олиб борувчи йўналишда эсаётган шамолга қиёслайдилар. Ана шундай имкониятларга эга бўлиб туриб ҳам, инсон ўзининг бутун ҳаётини руҳий ўзлигини, ҳақиқий "мен"ини англаб етишга бағишламаса, ундай имонсиз асурни *атма-хана*, яъни, "ўзининг руҳини ўлдираётган котил" деб ҳисоблаш керак. "Шри Ишопанишад" очикдан-очик огоҳлантириб айтяптики, ана шундай котиллар учун ғафлатнинг энг қоронғу зулмат жойлари ҳозирлаб қўйилган, улар ўша ерда мангу қолиб кетадилар.

Чўчка, ит, туя, эшак сингари бошқа ҳайвонларнинг моддий эҳтиёжлари ҳам бу дунёда бизникидан кам аҳамиятга эга эмас. Аммо, бу ҳайвонлар ҳаётида юзага келадиган моддий муаммолар жирканч, ачинарли шароитларда ҳал қилинади, лекин, табиат қонунларига кўра инсон учун бундай муаммоларни ҳал қилиш учун энг яхши шароитлар, катта имкониятлар бериб қўйилган, чунки Худонинг олдида инсон ҳаёти ҳайвонларнинг ҳаётидан кўра муҳимроқ. Нима сабабдан чўчка ёки бошқа ҳайвонларга қараганда инсон учун жуда катта имкониятлар бериб қўйилган? Нима сабабдан ҳар

кандай қулайликлар оддий ишчига эмас, юкори лавозимдаги катта амалдор учун яратилади? Бунга жавоб шундан иборатки, юкори лавозимдаги амалдорга жуда катта маъсулият юкланган; худди шундай, инсонга ҳам бу дунёда фақат корин тўйғазиш билан овора бўлиб юрадиган хайвонларга қараганда анча катта бурч, вазифа юклатилган.

Рухни ўлдиришга қаратилган ҳозирги илм-фан тараққиёти жаҳонда очарчилик муаммосини яна ҳам чуқурлаштириб юборди. Агар маданийлашган хайвонлардан, яъни, ҳозирги замонавий одамлардан ҳаётда нимани истагини сўрасак, улар фақат қорни учун ишлашни истагини, ўзининг ким эканини, рухий ўзлигини англаш уни мутлако қизиқтирмаслигини айтади. Лекин, табиат қонунлари шу қадар бешафқатки, у ҳатто ўзининг ким эканини билишдан ҳам юз ўгириб, қорин тўйғазиш учун кеча-кундуз тиним билмай ишлаётганига қарамай, ишсиз қолишдан, оч қолишдан қўрқиб ҳамиша хавотир остида яшайди.

Инсон танасидаги ҳаёт бизга эшак, чўчка ва итларга ўхшаб оғир машаққат билан меҳнат қилиш учун эмас, балки ҳаётда энг юксак рухий баркамолликка эришиш учун берилган. Агар биз ўзимизнинг ким эканимизни, рухий ўзлгимизни англаб етишга интильмасак, ҳатто ўзимиз буни истамасак ҳам табиат қонунлари шафқатсиз равишда бизни кеча-кундуз оғир меҳнат қилиб ишлашга мажбур қилади. Ҳозирги даврда одамлар худди эшак ёки қадимда ер ҳайдайдиган хўкизлардай оғир меҳнат қилишга мажбур. "Шри Ишопанишад"нинг бу шеърисида имонсиз асурларнинг ишлаши учун тайёрлаб қўйилган жойларнинг баъзилари таърифланган. Агар инсон ўзига қўйилган вазифаларни бажармаса, у кейинги ҳаётида *асурйа* деб аталадиган сайёраларда туғилади, ғафлат ва қоронғу зулматга ботиб, оғир меҳнат қилиб яшаш учун қуйи ҳаёт турларида туғилади.

«Бхагавад-гита»(6.41-43)да ҳам тушунтирилганки, рухий ўзликни англаш йўлига кирган, лекин, шунча уринишларига қарамай, Парвардигор билан ўзаро муносабатларини қайта-тиклаш олмаган имонли такводор инсонлар *шучи* ёки *шриматилар* хонадонида туғилиш имкониятига эга бўладилар. *Шучи* ибораси рухий жиҳатдан юксалган браҳманни ифодалайди, *шримат* ибораси эса, - такводор савдогарлар табақасидан бўлган *вайшйани* билдиради. Демак, ҳозирги ҳаётида Парвардигор билан ўзаро муносабатларини қайта тиклашга самимий интилаётган кишига кейинги ҳаётида рухий юксалишга эришиши учун энг яхши шароитларда туғилиш имкони берилади. Агар ҳатто рухий юксалиш йўлидан адашган инсонга ҳам кейинги ҳаётида обрўли, бадавлат хонадонда туғилиш имкони бериладиган бўлса, бу йўлда озгина бўлса ҳам муваффақиятга эришган кишилар эришадиган имкониятларни тасаввур қилиш қийин.

Фақат Худони англаш йўлида қилинган ҳаракатлар, уринишларига инсонга кейинги ҳаётида обрўли, бадавлат хонадонда туғилишга кафолат беради. Аммо, бунга интильмайдиган, алданиш, ғафлат ботқоғига ботиб юраверишни маъкул кўрадиган, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлгани боис ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган одамлар учун дўзахнинг энг даҳшатли зулмат жойлари ҳозирлаб қўйилган. Бу ҳақиқатни барча муқаддас китоблар тасдиқлайди.

Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган ана шундай имонсиз иблислар баъзан ўзларини жуда диндор қилиб кўрсатадилар, аслида эса, уларнинг мақсади моддий бойлик орттириш бўлади. «Бхагавад-гита»(16.17-18)да ана шундай ниятда юрган одамлар қораланган, чунки улар содда одамлар олдида моддий бойлигидан фойдаланиб, ўзида йўқ фазилатларни пеш қилиб, иккиюзламачилик билан, содда одамларнинг овоз бериши натижасида ўзларини буюк инсонлар қилиб кўрсатишга эришганлар. Рухий ўзликни инкор этадиган, Худони рози қилиш, *ишавасйам* нима эканини билмайдиган ана шундай имонсиз одамлар учун коинотнинг энг қоронғу зулматларидан жой ҳозирлаб қўйилган.

Шундай қилиб, инсон ҳаёти ўткинчи иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун эмас, балки бу моддий оламда моддий табиат қонунлари маҳкум этиб қўйган барча муаммолардан бирагўла ва бутунлай озодликка чиқиш учун мўлжалланган.

Тўртинчи мантра

*анеджад экам манасо
жавийо наинад дева
апнуван пурвам аришат
тад дхавато "нйан атйети
тишхат тасминн апо
матаршива дадхати*

“Ўзининг даргоҳида қолган ҳолда Худо Шахси ҳатто ҳаёлдан ҳам, ҳар қандай мавжудотдан ҳам тезроқ ҳаракат қилади. Энг қудратли фаришталар Унга ҳатто яқинлашишга ҳам қодир эмаслар. Бир жойда қўзғалмай туриб, У бир вақтнинг ўзида шамол ва ёмғирларни юбориб турган зотлар устидан ҳукмронлик қилади. Мукамалликда Унга тенглашадиган бирор зот мавжуд эмас”.

Изоҳ: Ҳатто ўзининг юксак тафаккури ёрдамида Худони танишга, билишга уринаётган энг буюк файласуфлар ҳам Худонинг Мутлақ Шахси бўлган ягона Парвардигорни тўлиқ англаб етишга қодир эмаслар. Худо Шахсининг марҳамати билан Уни фақат Унинг содиқлари англаш оладилар. "Брахма-самхита"да ёзилганки, Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган файласуф коинот бўйлаб ҳаёл ёки шамол тезлигида юзлаб йиллар давомида саёҳат қилиши мумкин, лекин шунда ҳам барибир Мутлақ Ҳақиқат ундан аввалгидай чексиз йироқда бўлиб қолаверади. Упанишадларда айтилганидай, Парвардигор, Худонинг Олий Шахси рухий оламда *Кришналока* деб аталадиган Ўзининг мангу даргоҳида турли илохий эрмаклар билан лаззатланиб яшайди. Шунга қарамай, Ўзининг англаб бўлмас қобилиятлари ёрдамида У бир вақтнинг ўзида Ўзининг яратувчи қувватининг истаган қисмида ҳам мавжуд бўла олади. "Вишну-пурана"да Унинг қуввати оловдан чиқиб турадиган иссиқлик ва ёруғликка қиёсланган. Олов маълум бир жойда жойлашган, аммо ундан таралаётган иссиқлик ва ёруғлик ҳамма жойга таралади. Худди шундай Худонинг Мутлақ Шахси ҳам, ҳамиша Ўзининг илохий даргоҳида қолган ҳолда турли хил қувватларини ҳамма жойга таратиб туради.

Парвардигорнинг қувватларининг сон-саногии йўқ, лекин, уларни асосан уч тоифага бўлиш мумкин: ички қувват, оралик қувват ва ташқи қувват. Ҳар бир

тоифага мансуб қувватлар ҳам ўз навбатида миллионлаб турларга бўлинади. Табиат кучлари (ҳаво, ёруғлик, ёмғир ва ҳоказолар)ни бошқариб туриш маъсулияти юкланган қудратли фаришталар Мутлақ Шахснинг оралиқ қувватига мансуб. Тирик мавжудотлар, шу жумладан одамлар ҳам, Парвардигорнинг оралиқ қуввати намоён этган зотлар ҳисобланади. Моддий оламни Парвардигорнинг ташқи қуввати яратади, руҳий олам, яъни Парвардигорнинг даргоҳи эса - Унинг ички қувватига мансуб ҳисобланади.

Шундай қилиб, Парвардигорнинг турли қувватлари ҳамма жойда мавжуд. Парвардигор билан Унинг турли қувватларини бир-биридан ажратиб бўлмайди, лекин, бундан нотўғри хулоса чиқариб: "Худо ҳамма жойда мавжуд бўлса, демак, У фақат шахсиятсиз Брахман кўринишида мавжуд" - деб ўйламаслик керак. Одамлар фақат ўз ақлига, фикрлаш қобилиятига суяниб хулоса чиқаришга ўрганиб қолганлар, лекин, Худо Шахси бизнинг чекланган фикрлаш қобилиятимиз чегарасидан ташқарида мавжуд бўлган Зотдир. Шунинг учун Упанишадларда бизни огоҳлантириб айтилганки, инсон ўзининг чекланган ақли, тафаккури ёрдамида Худо Шахсига яқинлаша олмайди. «Бхагавад-гита»(10.2)да Парвардигор айтадики, Уни ҳатто буюк *риши* (донишманд)лар ва *сура*(фаришта)лар ҳам англай олмайдилар. Шундай экан, ҳали Худонинг бу оламни яратишдан мақсадини тушунишга қодир бўлмаган *асур*, иблислар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Мазкур мантрада очиқдан-очиқ айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат охир-оқибатда мутлақ Шахсдир. Акс ҳолда Унинг шахс сифатларига эга эканини исботлайдиган шунча далилларни келтириб ўтиришнинг умуман ҳожати йўқ эди.

Парвардигорнинг алоҳида заррачалари Унинг барча хусусиятларига эга, аммо уларнинг фаолият кўрсатиш доираси чекланган, демак, уларнинг ўзлари ҳам чекланган. **Бўлак ҳеч қачон бутунга тенг эмас**, шунинг учун улар ҳеч қачон Тўла Бутун Худонинг барча имкониятларини охиригача англаб ета олмайдилар. Ўзлари Парвардигорнинг ажралмас кичик заррачалари бўлган ҳолда, аҳмоқ ва ғофил тирик мавжудотлар моддий табиат таъсири остида Парвардигорнинг илоҳий ҳолатини ўзларича тасаввур қилишга уринадилар. "Шри Ишопанишад" уларни огоҳлантириб, бундай фикрлашлар орқали Худони англашнинг илоҳи йўқлигини айтиб қўйяпти. Илоҳий табиатга эга бўлган Парвардигорни олий манба - Худо ҳақидаги мукамал илмдан иборат бўлган Ведалар таълимоти орқали англаб олишга ҳаракат қилиш лозим.

Тўла Бутуннинг ҳар бир алоҳида заррачасига ҳаракатланиш имконини берадиган маълум бир қувват ато этилган, унинг қандай ҳаракат қилиш лозимлигини эсидан чиқарган ҳолати *майя*, "алданиш" деб аталади. Шунинг учун "Шри Ишопанишад" аввал бошданок бизларни огоҳлантириб айтадики, биз бу дунёда Худо олдидаги бурчимизни, Унинг бизга юклаб қўйган вазифасини бажариб яшашимиз лозим. Лекин бу, "алоҳида руҳ ўз ҳолича бирор ташаббус кўрсата олмайди" дегани эмас. Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлган ҳолда алоҳида руҳ ҳам Парвардигорнинг Ўзига хос бўлган эркинликка, мустакил иродага эга. Ҳамма нарса Худонинг қувватлари эканини тушунган ҳолда ўзининг ана шу эркинлигидан, мустакил иродасидан

тўғри фойдаланиш инсонга *майя*, яъни, ташқи қувват таъсири остида йўқотган ўзининг азалий, бошланғич ҳолатини қайта тиклашга ёрдам беради.

Биз ўзимизнинг бутун куч-қувватимизни Парвардигордан оламиз, шунинг учун уни бошқа бирор ишга сарфламасдан, фақат Худонинг амру-иродасини бажариш учун ишлатишимиз керак. Худонинг амрига тўла бўйсунган, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган кишигина Худони англай олади. **Мукамал илм дегани - Худони Унинг ҳамма кўринишларида, Унинг қувватларини, шу қувватларнинг Худонинг амрига бўйсуниб қандай ҳаракат қилишини англаб етиш** демакдир. Буларнинг ҳаммасини Парвардигор барча Упанишадларнинг квинтэссенцияси(қисқача мазмуни) бўлган «Бхагавад-гита»да батафсил тushунтириб берган.

Бешинчи мантра

*тад эджати тан наиджати
тад дуре тад в антике
тад антар асия сарвасйя
тад у сарвасйасйя бахйатах*

"Парвардигор ҳам юради, ҳам юрмайди. У биздан жуда узокда, айти пайтда жуда яқин ҳам. У ҳар бир мавжудотнинг ичида ҳам мавжуд, шунга қарамай, У ҳамма нарсдан ташқарида жойлашган".

Изоҳ: Бу ерда Олий Худо, Парвардигор Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида амалга оширадиган илоҳий кароматлар тushунтирилган. Бу ердаги бир бирига қарама-қарши бўлган маълумотлар Парвардигорнинг илоҳий қувватларининг англаб бўлмаслигини исботлаш учун келтирилган. У юради, айти пайтда бир жойда қўзғалмай туради. Худо ҳақидаги бу икки маълумот, икки хусусиятнинг мазмуни бир-бирига бутунлай қарама-қарши. Юра оладиган зотни бир жойда қўзғалмай туради, яъни, юра олмайди, деб бўлмайди. Бундай англаб бўлмас зиддиятлар Парвардигорнинг англаб бўлмас илоҳий қудратга эга эканидан далолат беради. Чекланган илмга эга бўлган ҳолда, биз бундай зиддиятларни тасаввуримизга сиғдира олмаймиз, шунинг учун биз одатда Парвардигорни ўзимизнинг чекланган тасаввуримиз қабул қила оладиган кўринишда тасаввур қиламиз. *Майявади* мактабининг имперсоналист-файласуфлари Худонинг шахсий кўринишини инкор этиб, Унинг фақат шахсий сифатлари намоён бўлмайдиган ҳаракатларини қабул қиладилар. Лекин, *бхагавата* мактаби издошлари Худонинг шахсий кўринишларини ҳам, шахсиятсиз Брахман кўринишларини ҳам қабул қиладилар. Бхагаваталар Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари мавжудлигини ҳам қабул қиладилар. Агар англаб бўлмас қувватлари бўлмаса "Олий Худо" ибораси ҳеч қандай маънога эга бўлмасди.

Биз Худони ўз кўзимиз билан бевосита кўра олмаганимиз туфайлигина "Худо йўк!" деган хулосага келмаслигимиз керак. Мана шундай аҳмоқона хулосаларга эътироз билдириш учун "Шри Ишопанишад"да "Худо биздан жуда олисда, айти пайтда У бизга жуда яқин" деб кўрсатилган. Худонинг мангу илоҳий даргоҳи моддий олам

чегараларидан ташқарида жойлашган. Биз ҳатто моддий олам чегараларини ўлчашга қодир эмасмиз. Ҳатто моддий осмон, коинот чегаралари биздан шунча олисда экан, ундан ташқарида жойлашган рухий олам ҳақида нима дейиш мумкин? Рухий олам моддий оламдан чексиз узокда жойлашган, бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»(15.6)да ҳам тасдиқланган. Аммо, биздан шунча олисда бўлишига қарамай, Парвардигор бир пасда, ҳаёл ёки шамол тезлигида бир зумда олдимизда намоён бўлишга қодир. У шунчалик тез ҳаракат қила оладики, ҳеч ким, бирор мавжудот ундан ўтиб кетолмайди. Бу ҳақда аввалги мантрада ҳам айтилган эди.

Шунга қарамай, Худо Шахси кўз олдимизда Ўзини намоён этганида биз Уни инкор этамиз. Парвардигор «Бхагавад-гита»(9.11)да ана шундай аҳмокона эътиборсизликни кескин қоралайди: "Ғофил, нодон одамлар Мени ўзларига ўхшаган оддий инсон сифатида кўриб, устимдан куладилар". У - бизлар сингари ўлимга маҳкум бўлган оддий одамлардан бири эмас, У бизнинг олдимизда моддий табиат яратган моддий танада намоён бўлмайди. Ўзини билимдон олим деб ҳисоблайдиган одамлар "Худо Шахси моддий оламга ташриф буюрганида, У ҳам худди оддий тирик мавжудотлар сингари моддий танага эга бўлади" деб ҳисоблайдилар. Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари мавжудлигидан, Унинг англаб бўлмас, ҳар нарасага қодир қобилиятдан беҳабар ҳолда ана шундай ғофил одамлар Парвардигорни оддий инсонлар билан бир қаторга қўйиб қўядилар.

Парвардигорнинг сон-саноксиз англаб бўлмас қувватлари бор, шу боис У бизларнинг ҳар қандай кўринишдаги хизматимизни қабул қилишга, Ўзининг турли-туман қувватларини Ўзи истаган кўринишда ўзгартиришга қодир. Имонсиз одамлар "Худо Шахси бу моддий оламда намоён бўлишга қодир эмас, агар У бу оламга келганида албатта моддий қувватдан таркиб топган киёфада ташриф буюради" деб ҳисоблайдилар. Агар биз Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари мавжудлигини тан олсак, бундай гапларнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Ҳатто Парвардигор бизнинг олдимизда моддий қувватдан иборат киёфада намоён бўлса ҳам, У ана шу моддий қувватни рухий қувватга айлантира олади. Бу икки қувватнинг ҳам манбаи Ўзи бўлгани учун У бу қувватлардан Ўзи истаган тартибда фойдалана олади. Масалан, Парвардигор бизнинг олдимизда *арча-виграха*, яъни, лой ёки тошдан ясалган Илоҳ киёфасида намоён бўлиши мумкин. Гарчи бу киёфалар ёғоч, лой ёки тошдан қилинган бўлса ҳам, калтафаҳм имонсизлар айтганидай, улар ҳечам "бут", "санам"лар эмас. Биз моддий оламдаги ҳозирги шартланган, мукамал бўлмаган ҳолатимизда, чекланган кўриш қобилиятимиз билан Парвардигорнинг илоҳий жамолини кўришга қодир эмасмиз. Шунга қарамай, Парвардигор, ҳатто моддий кўзлари билан ҳам Уни кўришга интилаётган Ўзининг содиқ хизматкорларига чексиз марҳамат кўрсатиб, содиқларининг хизматини қабул қилиш учун улар олдида Илоҳ кўринишидаги моддий киёфаларда намоён бўлади. Лекин бу: "Ҳали рухий юксалишнинг пастки поғоналарида юрган содиқлар бутларга сиғинадилар" дегани эмас. Аслида улар Ўзини содиқлари хизмат қила оладиган киёфада намоён этишга рози бўлган ягона Парвардигорга сиғинадилар. Парвардигорнинг *арча-виграха* киёфаси

Худого сиғинишни истаётган одамларнинг истаги ёки тасаввури бўйича ясалган моддий киёфалар эмас, *арча-виграха*, яъни, Илоҳлар - Ўзининг барча анжомлари билан мангу мавжуд бўлган илоҳий киёфалардир. Худонинг самимий содиқ хизматкори буни англай олади, албатта, имонсиз дахрийлар учун бу бутунлай қоронғу бўлган ҳақиқат бўлиб қолаверади.

«Бхагавад-гита»(4.11)да Парвардигор айтадики, У Ўзини содиқ хизматкорининг олдида унинг садоқатига мос равишда ошқор этади. Ўз ихтиёрини Унга топширган содиқлардан бошқа одамлар олдида Парвардигор ҳақли равишда Ўзини ошқор этмайди. Шундай қилиб, ўз ихтиёрини Унга топширган содиқ хизматкор Худони ҳаминча кўришга, ҳис қилишга қодир, аксинча, ўзини Унга топширмаган одамдан У жуда олисда бўлиб, Унга ҳатто яқинлашишнинг ҳам иложи йўқ.

Бу борада муқаддас китобларда ишлатиладиган мана бу икки иборага алоҳида эътибор бериш лозим: *сағуна*(сифатларга эга) ва *ниргуна*(сифатларга эга бўлмаган). *Сағуна* ибораси Парвардигор моддий оламга келганида, гарчи ҳар хил сифатларга эга бўлса ва моддий киёфада бўлса ҳам, бу - "У ҳам моддий табиат қонунларига бўйсунди" дегани эмас. Парвардигор учун моддий ва рухий қувватларнинг фарқи йўқ, чунки У - барча қувватлар манбаидир. У барча қувватларнинг ҳукмдори, шу боис бизлардан фарқли равишда ҳеч қачон ана шу қувватларнинг таъсири остига тушиб қолмайди. Моддий қувват Унинг ҳукми остида, шунинг учун У Ўз қувватларининг бирор сифатлари таъсирига тушиб қолмасдан моддий қувватни ҳам бемалол Ўзи истаган мақсадда ишлата олади. Лекин, бундан "Парвардигор Ўзи қандайдир киёфага эга бўлмаган, шакл-шамойилсиз Зот" деган хулоса келиб чиқмайди. Охири-оқибатда У - мангу киёфага эга бўлган, азалий, бошланғич Худо Шахси, ягона Парвардигор. Худди куёш нурлари Куёш фаришасининг танасидан таралаётган нурлар бўлгани сингари, Унинг шахсиятсиз Браҳман кўриниши ҳам - Унинг шахсидан таралиб турган ёғду.

Авлиёсифат ёш содиқ Прахлад Махаражнинг имонсиз отаси ундан: "Қани сенинг Худойинг?" - деб сўраганида, Прахлад Махараж унга: "Худо ҳамма жойда мавжуд" - деб жавоб берганди. Унинг бундай жавобидан қаттиқ ғазабланган отаси: "Демак, сенинг Худойинг ҳатто мана шу устун ичида ҳам борми?" - деб қичқирди. Боласи унга: "Ҳа, албатта!" - деб жавоб берди. Шунда жаҳли чиққан отаси бир зарба билан устунни чил-парчин қилиб ташлади, Парвардигор шу захотиёқ *Нарасимха*(ярим одам-ярим арслон) киёфасида устун ичидан чиқиб келди ва иблисни тилка-пора қилиб ташлади. Шундай қилиб, Парвардигор Ўзининг қувватлари ёрдамида яратган ҳар бир жисм ичида мавжуд. Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида самимий содиқларига марҳамат кўрсатиш учун У истаган жойда пайдо бўлишга қодир. Парвардигор Нарасимха устун ичидан имонсиз иблис шохнинг амри билан пайдо бўлгани йўқ, аксинча, У Ўзининг содиқ хизматкорининг истагини амалга ошириш учун пайдо бўлди. Имонсиз киши Парвардигорни ўзининг олдида келишга мажбур қилолмайди, аммо Ўзининг содиқ хизматкорига ёрдам бериш, унга Ўз марҳаматини кўрсатиш учун Парвардигор истаган жойда пайдо бўлиши мумкин.

«Бхагавад-гита»(4.8)да ҳам айтилганки, Парвардигор бу дунёга имонсиз иблисларни яксон қилиш ҳамда тақводор содиқларни ҳимоя қилиш учун ташриф буюради. Имонсиз иблисларни яксон қилиш учун Парвардигорнинг жуда кўп қувватлари ва ёрдамчилари бор, улар бундай ишларни ўзлари бемалол бажара оладилар, аммо Ўзининг содиқларига ғамхўрлик қилиш Худо Шахсига чексиз лаззат бағишлайди, шунинг учун У ҳар замон ҳар замонда бу моддий оламга ташриф буюриб туради. Шундай қилиб, Парвардигор бу дунёга бошқа бирор мақсадда эмас, фақат Ўзининг содиқларига марҳамат кўрсатиш учун келади.

"Брахма-самхита"да айтилганки, Говинда, азалий Парвардигор, Ўзининг тўла намоён бўлган қисми билан бутун борлиққа сингиб кетган. У бутун борлиққа, ҳар бир атом ичига кирган. У Ўзининг *вират* қиёфасида ҳамма нарсдан ташқарида, *антарйами* қиёфасида эса, ҳар бир нарса, ҳар бир атом ичида мавжуд. *Антарйами* кўринишида У бизларнинг ҳар бир қилган ишимизга гувоҳ бўлиб, қилаётган ҳар бир ишимизнинг натижасини, оқибати(*карма-пхала*)ни белгилаб туради. Бизлар аввалги ҳаётимизда қилган ишларимизни эсдан чиқариб юборишимиз мумкин, аммо Парвардигор ҳар бир қилган ишимизга гувоҳ бўлиб тургани учун, ўша қилган ишларимизнинг натижалари, оқибатлари ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, шу боис биз албатта уларни ўз бошимиздан кечирिशга мажбурмиз.

Аслини олганда, ҳар бир нарсанинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам Парвардигордан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Худди ёруғлик ва иссиқлик оловдан пайдо бўлгани сингари, ҳар бир мавжудот Худонинг турли хил қувватларидан пайдо бўлган. Бу турли-туман қувватларнинг асоси, манбаи битта эканидан далолат беради. Ана шу бирликка қарамай, Парвардигор Ўзининг шахсий қиёфасида тирик мавжудот бўлиб, Унинг ажралмас руҳий заррачалари бўлган мавжудотларнинг сезгиларига лаззат берадиган ҳар бир нарсдан лаззатланади.

Олтинчи мантра

*йас ту сарвани бхутани
атмани эванупайишати
сарва-бхутешу чатманам
тато на виджугунсате*

"Ҳамма нарсани Парвардигор билан боғлиқ равишда кўрадиган, ҳар бир тирик мавжудотни "Худонинг ажралмас руҳий заррачаси" деб биладиган, ҳар бир нарсада Парвардигорни кўра оладиган кишининг қалбида ҳеч қачон бирор мавжудотга ёки бирор кимсага нисбатан нафрат туйғуси уйғонмайди".

Изоҳ: Бу мантрада *маха-бхагавата*, яъни, ҳамма нарсани Худо билан боғлиқ равишда кўришга кодир бўлган буюк шахс таърифланган. Худонинг мавжудлигини англаб етишнинг уч поғонаси бор. *Каништха-адхикари* - Худони англашнинг қуйи поғонасида турган киши ҳисобланади. Ундай одам қайси динга мансублигига мос равишда черковгами, эҳромгами ёки масжидгами бориб, шу ерда муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида Худога сиғиниш маросимларида қатнашиб юради. Ана шундай

тақводор инсон "Худо фақат мана шундай сиғиниш жойларида мавжуд, бошқа жойда Худо йўқ" деб ўйлайди. Ундай одам Худога хизмат қилишда ҳар кимнинг ўз ўрни борлигини, ҳар бир одам Худога хизмат қилишнинг қайси поғонасида турганини, яъни, ҳар бир одамнинг Худони қай даражада англаб етганини аниқлай олмайди. Ундай одамлар шариат ҳукмларига қатъий амал қиладилар, кўпинча "сиғинишнинг бир тури иккинчи туридан, бир дин бошқа диндан яхшироқ" деб, бир-бирлари билан жанжаллашиб юрадилар. Каништха-адхикариларни, яъни, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг пастки поғоналарида турган ана шундай одамларни "Худо ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган содиқлар" деб атайдилар. Бунда уларнинг руҳий поғонага кўтарилиш учун фақат моддий олам тутқунлигидан ҳалос бўлишга қаратилган интилишлари назарда тутилади.

Бундан юқорироқ поғонага кўтарилган одамлар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўрта поғонасидаги одамлар, яъни, *мадхйама-адхикарилар* ҳисобланади. Бундай содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўрт қондасига қатъий амал қиладилар: 1. Улар Парвардигорни(Рух сифатида) англаб етган бўладилар; 2. Улар имонли содиқларни бошқа одамлардан ажрата оладилар; 3. Улар Худо ҳақида илмга эга бўлмаган бегуноҳ одамларни таний оладилар; 4. Улар Худога ишонмайдиган, Худога хизмат қилиб юрган одамлардан нафратланадиган имонсиз атеистларни бошқалардан ажрата оладилар.

Мадхйама-адхикари ана шу тўрт тоифа зотларнинг ҳар бирига алоҳида муносабатда бўлади. Улар Худони ўзлари севиши лозим бўлган Зот сифатида билиб, Унга сажда қилиб сиғинадилар, Унга сиғиниб юрган содиқлар билан дўстлашадилар; Худо ҳақида илмга эга бўлмаган, бегуноҳ ғофил одамларнинг қалбида Худога ишонч туйғусини уйғотишга ҳаракат қиладилар. Худонинг номидан нафратланадиган, имонли кишиларни мазах қиладиган атеистлардан узокроқ юришга ҳаракат қиладилар.

Мадхйама-адхикарилардан уттама-адхикарилар устун турадилар. Улар ҳар бир нарсани Худо билан боғлиқ равишда кўрадилар. Худонинг ана шундай содиқ хизматкори атеистлар ва содиқларни бир-биридан ажратмасдан, ҳар бир тирик мавжудотга "Худонинг ажралмас бир заррачаси" деб қарайди. У билимдон брахман билан дайди ит орасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб билади, чунки, гарчи аввалги ҳаётида олиб борган турли хил моддий фаолияти натижасида ҳозир улар ҳар хил тана ичида бўлсалар ҳам, барибир, иккиси ҳам Парвардигорнинг ажралмас заррачаси ҳисобланади. У кўрадики, Парвардигорнинг брахман танасига эга бўлган заррачаси ўзига Худо томонидан ато этилган чекланган мустақилликни суистеъмол қилмаган, дайди ит танасидаги руҳий заррача эса, ўз мустақиллигидан нотўғри фойдаланган, шу боис моддий табиат уни жазолаб, ғофиллик ботқоғига ботган ит танаси ичида яшашга мажбур қилиб қўйган. Брахман билан итнинг ҳозирги таналарида қиладиган ҳаракатлари орасидаги фарққа эътибор бермасдан, *уттама-адхикари* уларнинг иккаласига ҳам бирдай яхшилик қилишга ҳаракат қилади. Ана шундай мукамал илмга эга бўлган содиқ хизматкорни вақтинчалик моддий таналар - итнинг танасими, брахманнинг танасими - ўзига жалб этиб, тўғри

йўлдан адаштиролмайдди, уни ана шу таналар ичидаги рухий заррача, мангу рух, жон қизиқтиради.

Ўзининг кундалик ҳатти-ҳаракатларида ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга асосланганидан, аммо одамлар орасида умумжаҳон бирдамлик ва қонқардошлик ғояларини тарғиб қилиш билан шундай утгама-адхикарига тақлид қиладиган одамлар аслида сохта, иккиюзламачи (филантроп) “инсонпарвар” одамлардир. Умумжаҳон бирдамлик қоидаларини на алоҳида руҳни, на ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни, на Худонинг тўлиқ намоеън бўлган шахсий киёфасини кўришга қодир бўлмаган ғофил, нодон одамлардан эмас, балки Ҳақиқат илмига мукамал эга бўлган ҳақиқий утгама-адхикаридан ўрганиш керак.

"Шри Ишопанишад"нинг ушбу мантрисида фаросатли инсон аслида тирик мавжудотларда нимани кўра билиши, нимага эътибор бериши лозимлиги очиқдан-очиқ айtilган. Демак, фаросатли инсон ҳаётда ўзидан аввал яшаб ўтган ачарйалардан, яъни, авлиё донишмандлардан, ҳақиқий рухий устозлардан ўрнак олиб яшаши, уларнинг изидан бориши лозим. Бу борада ишлатилган санскритча аниқ ибора - *анупашиятти. Пашиятти* - ибораси "қузатиш" деган маънони билдиради. Ҳаёт ҳақида, мукамал бўлмаган сезгиларимиз орқали олинган тасаввурларни тўғридан-тўғри қабул қилавермаслик керак. Моддий нуқсонлар сабабли қуроқланмаган кўзимиз бизга бирор нарса ҳақида тўғри тасаввур беришга қодир эмас. Ишончли, аниқ манбаларнинг тинглаш орқали аниқ маълумот олмай туриб, бирор нарса ҳақида тўғри, ҳақиқий тасаввурга эга бўлишнинг иложи йўқ. Парвардигорнинг Ўзи нозил қилган ведавий донишмандлик илми энг аниқ ишончли манба ҳисобланади. Ведаларда нозил қилинган Ҳақиқат илми шогирдлар силсиласи орқали Худо Шахсидан Брахмага, Брахмадан Нарада Мунига, Нарада Мунидан Вйасага, Вйасадевадан Унинг кўплаб шогирдларига ўтиб келган. Аввал Ведаларни ёзиб қолдиришга зарурат йўқ эди, чунки қадимда одамлар ҳозиргига қараганда анча кучли тафаккурга, мукамал хотирага эга бўлганлар. Улар ҳақиқий рухий устознинг кўрсатмаларига умр бўйи амал қилиб юришлари учун рухий устоздан уларни бир марта тингласалар кифоя эди.

Ҳозир муқаддас китобларга жуда кўп изоҳлар ёзилган, лекин изоҳ берувчиларнинг кўпчилиги Ведавий донишмандлик илмининг биринчи устози бўлган Шрила Вйасадевадан бошланган шогирдлар силсиласига мансуб бўлмаган ноқобил одамлардир. Шрила Вйасадеванинг охириги, мукамал асари - Унинг "Веданга-сутра"га ёзган изоҳларидан иборат бўлган "Шримад Бхагаватам" асари ҳисобланади. Бундан ташқари Худо Шахсининг бевосита Ўзи айтган муқаддас «Бхагавад-гита» ҳам бор, уни ҳам Вйасадева ёзиб қолдирган. Мана шулар барча муқаддас китоблар ичида ягона Парвардигор ҳақида мукамал маълумот берадиган энг муҳим, энг асосий асарлардир, шу боис Худо ҳақидаги «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам"да кўрсатилган қонун-қоида ва кўрсатмаларга зид бўлган ҳар қандай изоҳ нотўғри ва ишончсиз ҳисобланади. Упанишадларда, "Веданга-сутра"да, Ведаларда, «Бхагавад-гита» ва "Шримад Бхагаватам"да берилган таълимотлар бири-бирига тўла мос келади, шу боис Вйасадева мактабига мансуб силсилада турган инсонлардан, ёки ҳеч бўлмаса Худо Шахсига ва Унинг турли қувватларига

ҳақиқатан ҳам ишонадиган имонли такводор устоздан насихат олмай туриб, ҳеч ким Ведалар ҳақида қандайдир хулоса чиқаришга уринмаслиги керак.

«Бхагавад-гита»(6.9)да ёзилишига кўра, рухий озодликка эришган, ҳаётга рухий назар билан қараб, ҳар бир тирик мавжудотни ўзининг қариндоши деб биладиган инсонгина *утгама-адхикари* поғонасига кўтарилган содиқ бўла олади. Ҳамиша бирор моддий манфаат кўзлаб юрадиган сиёсатчилар ҳаёт ҳақида ана шундай мукамал тасаввурга эга бўлишга қодир эмаслар. Рухий озодликка эришишнинг ана шундай юксак поғонасида турган инсонга тақлид қилиш - рухий табиатга эга бўлган алоҳида рух(жон)га эмас, балки, шон-шухрат ёки сохта обрў қозониш мақсадида ўзининг моддий танасига хизмат қилиш, демакдир. Ана шундай тақлидчилар рухий олам ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар. *Утгама-адхикари* ҳар бир тирик мавжудотнинг руҳини кўради ва унга рух сифатида хизмат қиладди, бу билан унинг моддий танасига ҳам хизмат қилаётган бўлади.

Еттинчи мантра

*йасмин сарвани бхутанй
атмаивабхуд виджанатах
татра ко мохаҳ қах шока
экатвам анупашиятах*

"Ҳамиша барча тирик мавжудотларни сифат жиҳатидан Худо билан бир хил бўлган рухий заррачалар деб қабул қиладиган киши ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлган инсондир. Шундай экан унинг ҳаётда алданишига ёки бирор ташвиш чекишига нима сабаб бўлиши мумкин?"

Изоҳ: Юқорида таърифланган *мадхйама-адхикари* ва *утгама-адхикаридан* бошқа ҳеч ким тирик мавжудотнинг асл рухий ҳолатини кўра олишга қодир эмас. Худди учқунлар ҳам гулҳанда ёниб турган олов билан бир хил табиатга эга бўлгани сингари, тирик мавжудотлар сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир. Шунга қарамай, миқдор жиҳатидан учқун - гулхан эмас, чунки гулхандан тараладиган ёруғлик ва иссиқлик билан учқундан тараладиган ёруғлик ва иссиқлик миқдори бир-бирига тенг эмас. "Буюк содиқ, *маха-бхагавата* ҳамма мавжудотнинг рухий жиҳатдан бирлигини кўради" деганда, у ҳамма нарсани "Парвардигорнинг қувватлари" деб қабул қилишини назарда тутиш керак. Қувват билан қувват манбаи орасида фарқ бўлмагани сабабли улар ҳақиқатан ҳам бир ҳисобланади. Иссиқлик ва ёруғлик бўлмаса, олов бўлиши мумкин эмас, лекин назарий жиҳатдан иссиқлик ҳам, ёруғлик ҳам оловдан фарқ қиладди. Лекин синтез жиҳатидан иссиқлик, ёруғлик ва олов аслида бир нарса.

Бу мантрадаги санскритча *экатвам анупашиятах* ибораси "муқаддас китоблар нуқтаи назаридан қараганда барча тирик мавжудотларнинг бирлигини кўра билиш" деган маънони англатади. Олий Бутуннинг айрим учқунлари Бутуннинг маълум бўлган сифатларининг деярли саксон фоизига эга бўла оладилар, лекин, барибир Худо Шахсига тенг бўлолмайди. Бизлар ҳам арзимаган, жуда ҳам оз миқдорда ана шу сифатларга эгамиз, чунки тирик мавжудот Олий Бутуннинг шунчаки бир кичкина заррачаси ҳисобланади. Буни худди океан ва бир

томчи сув орасидаги фарқ билан таққослаш мумкин: океандан олинган бир томчи сув таркибидаги туз миқдорини бутун океан таркибидаги туз миқдори билан умуман тенглаштириб бўлмайди, лекин шунга қарамай, нисбий шўрлиги жиҳатидан океандан олинган томчининг шўрлик кўрсаткичи(нисбий туз миқдори) океандаги сувнинг шўрлиги билан бир хил.

Агар алоҳида тирик мавжудот Худо Шахсига сифат жиҳатидан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам тенг бўлса, у моддий қувват таъсири остига тушиб қолмаган бўларди. Аввалги мантраларда тушунтирилган эдики, бирор тирик мавжудот - ҳатто қудратли фаришталар ҳам - Олий Зотга, Худога бирор жиҳатдан тенглаша олмайди. Шунинг учун *экатвам* иборасини "ҳар жиҳатдан Худога тенг" деган маънода қабул қилмаслик керак. Худди оилада барча оила аъзоларининг манфаати бир-бирига мос бўлгани сингари, бу ибора шунчаки, кенг маънода қаралганда, уларнинг табиати бир хил эканини билдиради. Барча тирик мавжудотлар - битта олий оиланинг аъзоларидир, шу оила аъзоларининг ҳар бирининг манфаатлари Олий Зотнинг манфаатларига мос келади. Барча тирик мавжудотлар - Олий Зотнинг фарзандларидир. «Бхагавад-гита»(14.3-4)да кўрсатилганидай, коинотдаги барча тирик мавжудотлар, шу жумладан кушлар, судралиб юрувчилар, сувда яшайдиган жониворлар, ўсимликлар – Парвардигорнинг оралик қувватининг маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ҳаммаси ягона Олий Зотнинг оиласига мансуб зотлардир. Рухий ҳаётда ҳар хил манфаатлар орасида ўзаро рақобат, бир-бирига зид бўлган манфаатлар бўлиши умуман мумкин эмас.

Рухий мавжудотлар лаззатланиш учун яратилган. Ўзининг табиатига ва тузилишига кўра ҳар бир тирик мавжудот, шу жумладан Парвардигор ҳам, Унинг истаган бир ажралмас заррачаси ҳам, мангу лаззат учун яратилган. Моддий қобик ичига қамалган тирик мавжудотлар ҳам ҳамиша лаззатланишга интилади-лар, лекин улар адашганидан, ўзига лаззатни бошқа жойдан излаб юрибдилар. Моддий оламдан бошқа рухий олам ҳам мавжуд, рухий оламда Олий Зот Ўзининг сон-саноксиз ҳамроҳлари билан чексиз лаззатланиб яшайди. Ана шу поғонада моддий сифатларнинг изи ҳам йўқ, шу боис бу поғона *ниргуна* деб аталади. *Ниргуна* поғонасида алоҳида руҳлар орасида лаззат келтирадиган нарсалар сабабли рақобат бўлмайди. Бу ерда, моддий оламда ҳар хил алоҳида тирик мавжудотлар орасида ҳамиша ўзаро тўқнашув, рақобат бўлиб туради, чунки бу ерда лаззатнинг ҳақиқий маркази йўқ. Лаззатнинг ҳақиқий маркази, улғувор ва рухий *раса* рақсининг маркази Парвардигор ҳисобланади. Бизлар барчамиз У билан бирга қўшилиб, ҳеч қандай рақобатсиз, ягона илоҳий мақсадга бағишланган ҳаёт билан лаззатланиш учун яратилганмиз. Мана шу рухий фаолиятнинг энг олий поғонаси ҳисобланади, биз ҳақиқий бирдамликнинг ана шу мукаммал шаклини англаб етган заҳоти, ҳар қандай алданиш ва мусибатлардан бутунлай халос бўлаемиз.

Майя, алданиш - фақат мусибат келтирадиган худобехабар маданиятдир. Ҳозирги сиёсатчилар қўллаб-қувватлаётган худобехабар, имонсизлар маданияти ҳамиша турли ташвишларга, хавотирга тўла. Табиат қонуни шундай. «Бхагавад-гита»(7.14)да айтилганидай, ҳеч ким табиат қонунлари ҳукмидан қочиб қутула олмайди. Фақат ўз ихтиёрини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига

топширган кишигина моддий табиатнинг ана шу бешафқат қонунларини енга олади. Шундай қилиб, агар биз алданиш ва ташвишларнинг, хавф-хатарнинг ҳар қандай турларидан бирагўла халос бўлишни ҳамда ҳар хил манфаатларни бир жойга келтиришни истасак, қилаётган ҳар бир ишимизни Худо билан боғлашимиз лозим.

Қилаётган барча амалларимизнинг натижаси бошқа манфаат йўлида сарфланмасдан фақат Худонинг манфаатлари йўлида ишлатилиши лозим, чунки фақат Худонинг манфаатлари йўлида хизмат қилиш билан қалбимизда "Шри Ишопанишад"нинг мантрасида кўрсатилган *атма-бхута*га нисбатан қизиқиш уйғониши мумкин. "Шри Ишопанишад"да кўрсатилган *атма-бхута* манфаати билан «Бхагавад-гита»(18.54)даги *Брахма-бхута* манфаати бир хил маънога эга. Олий *атма*, яъни, Олий руҳ – Парвардигорнинг Ўзи, кичкина *атма* эса - тирик мавжудот. Олий атма, яъни Параматманинг бир ўзи сон-саноксиз атмаларнинг барчасини қўллаб-қувватлаб, таъминлаб туради, чунки Худо Шахси уларнинг Ўзига қаттиқ боғланишидан лаззатланишни истайди. Ота ўзини ўз фарзандлари кўринишида кўпайтиради ва ўзи лаззатланиш учун уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик қилиб туради. Агар фарзандлари отасининг амрига қулоқ соладиган бўлсалар, оилада ҳамма ишлар яхши бўлади, оиланинг барча аъзоларининг манфаатлари бир бўлади, оилада лаззатли муҳит яратилади. Илоҳий Браҳманда, Парабрахманнинг, Олий Рухнинг мутлак оиласида ҳам худди шунга ўхшаган ҳолат бўлади.

Парабраҳман ҳам худди бошқа тирик мавжудотлар сингари шахс. Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам шахсиятсиз эмас. Бу илоҳий табиатли шахслар илоҳий лаззатга, мукаммал илмга тўла мангу зотлардир. Рухий борлиқнинг ҳақиқий ҳолати ана шундай, ана шу илоҳий ҳолатни тўла англаб етган заҳоти инсон ўз ихтиёрини Олий Зот, Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига топширади. Лекин, ундай буюк зотлар, махатмалар бу дунёда жуда кам учрайдилар, чунки бундай илоҳий тушунчага фақат жуда кўп умрлар давомида илм ўрганиш орқали эришиш мумкин(Б.г.7.19). Аммо, бир марта ана шундай онгга эришган киши бизлар барчамиз бу дунёда мубтало бўлиб юрган алданиш, мусибат, туғилиш, ўлим сингари, азоб-уқубатларнинг барчасидан бутунлай халос бўлади. "Шри Ишопанишад"нинг ушбу мантрасининг мазмуни шундан иборат.

Саккизинчи мантра

*са парйагач чхуқрам акайам авранам
аснавирам шуддхам апапа-виддхам
кавир маниши парибхух свайамбхур
йатхататхйато "ртхан вйададхач
чхаиватибхйах самабхйах*

"Шундай инсон, албатта, ҳаммадан буюк, ҳар нарсага қодир, танасиз, ҳар нарсани билувчи Зотни, бенуқсон, қон томир(вена)лари бўлмаган, бўлганмаган, пок, ўзига тўла бутун файласуфни, қадим замонлардан бери ҳамманинг истакларини амалга ошириб келаётган Зотни ҳақиқатан ҳам билиши лозим".

Изоҳ: Бу мантрада Парвардигорнинг Мутлак Шахсининг илохий ва мангу киёфаси таърифланган. Парвардигор шакл-шамойлсиз эмас. Унинг илохий киёфаси бор, Унинг киёфаси бу моддий оламдаги киёфаларга умуман ўхшамайди. Бу оламдаги тирик мавжудотларнинг киёфаларини моддий табиат яратган бўлиб, улар худди моддий механизмларга ўхшаб ҳаракат қилади. Тананинг физиологик ва анатомик тузилиши, албатта, қандайдир механик-(жисмоний) қурилмага, қон томирларига ва бошқа нарсаларга эга бўлиши лозим, аммо Парвардигорнинг илохий танасида қон томирлари ҳам, шунга ўхшаган бошқа бирор моддий нарсалар ҳам йўқ. Бу мантрада очикдан-очик айтилганки, Худонинг моддий танаси мавжуд эмас. Демак, Унинг танаси билан руҳи бир-биридан фарқ қилмайди. Бизлардан фарқли равишда У Ўзининг танасини моддий табиат қонунлари асосида олмаган. Тананинг ҳаёти ҳақидаги моддий тасаввурга асосан шахс, яъни, руҳ қўпол моддий танадан ва нафис ақлдан фарқ қилади. Лекин, Худо Шахси ҳақида бундай деб бўлмайди. Унинг танаси ва ақли бир-биридан фарқ қилмайди. У - Тўла Бутун, Унинг ақли, танаси ва Унинг Ўзи - аслида бир хил табиатли бир бутун.

"Брахма-самхита"да ҳам Парвардигор шунга ўхшаб таърифланган. У *сач-чид-ананда-виграха* деб таърифланган. Демак, У - илм, лаззат ва мангуликни Ўзида тўлиқ мужассам қилган илохий киёфа. Ведавий битикларда аниқ айтилганки, Унинг моддий таналардан бутунлай фарқ қиладиган илохий танаси бор, шунинг учун, баъзан Уни "киёфага, яъни танага эга бўлмаган Зот" деб таърифлайдилар. Бунда Унинг бизникига ўхшаган, яъни, бизнинг сезгиларимиз сеза оладиган танаси, киёфаси йўқлиги назарда тутилади. "Брахма-самхита"да яна айтилганки, У Ўзининг танасининг истаган бир қисми ёрдамида ҳар қандай ишни амалга ошира олади. Демак, У Ўзининг танасининг истаган бир аъзоси, масалан, қўли билан, танасининг бошқа барча аъзоларининг вазифасини бажара олади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор қўллари билан юра олади, оёқлари билан бирор нарсани ушлай олади, қўли ёки оёқлари билан қўра олади, қўзлари билан овқатлана олади ва ҳоказо. Шрути-мантраларда ҳам айтилганки, гарчи Парвардигорнинг бизникига ўхшаган қўллари ва оёқлари бўлмаса ҳам, Унинг бошқача қўллари бор, шулар ёрдамида У бизларнинг таклиф этган нарсаларимизни қабул қилади, Унинг бошқача оёқлари бор, шулар ёрдамида У ҳаммадан тез югуради. Буларнинг ҳаммаси "Шри Ишопанишад"нинг мана шу мантрасидаги *чхукрам*, яъни "ҳар нарсага қодир" ибораси билан тасдиқланади.

Эҳромларда, Парвардигорнинг инсонлар сифиниши учун мўлжалланган киёфаси (*шири-виграха*) бўлган, еттинчи мантрада қандай таърифланган бўлса Худони шундай англаб етган ишончли ачарйалар томонидан ўрнатилган Илоҳ ҳам Парвардигорнинг азалий бошланғич киёфасидан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг азалий, бошланғич киёфаси - Шри Кришнанинг киёфасидир. Шри Кришна Ўзини Баладева, Рама, Присимха, Вараха сингари, сон-саноксиз киёфаларда намоён этади. Бу киёфаларнинг ҳаммаси ҳам ана шу ягона Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади.

Худди шундай, эҳромларда одамлар сифинадиган *арча-виграха* ҳам Парвардигорнинг экспансия-киёфаларининг бири ҳисобланади. Арча-виграхага

сажда қилиш орқали ҳар қандай инсон ҳам Ўзининг ҳар нарсага қодир қувватлари ёрдамида содиқларининг хизматини албатта қабул қиладиган Худо Шахси, ягона Парвардигорга осонлик билан яқинлашиши мумкин. Парвардигорнинг *арча-виграха* киёфаси бу дунёга ачарйаларнинг, авлиё зотларнинг, руҳий устозларнинг илтимоси билан келади ва худди Ўзининг ҳар нарсага қодир қуввати ёрдамида ҳаракат қиладиган ягона Парвардигордай ҳаракат қилади.

"Шри Ишопанишад"нинг мана шу мантраси ҳақида ёки бошқа шрути-мантралар ҳақида ҳеч нарса билмайдиган ғофил, аҳмоқ одамлар Худонинг асл содиқлари сифиниб юрган арча-виграхани моддий унсурлардан ясалган бутлар деб ҳисоблайдилар. Бу киёфалар нодон одамларнинг, шунингдек, ҳаёт ва Худо ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлмаган каништва-адҳикариларнинг кўзига моддий нарсалар бўлиб кўринади. Лекин бундай онгсиз, ғофил одамлар билмайдиларки, Парвардигор ҳар нарсага қодир, ҳамма нарсани биладиган илохий қудратли Зот, шу боис, истаган пайтида моддани руҳга, руҳни эса, моддага айлантира олади.

«Бхагавад-гита»(9.11-12)да Худо Шахси афсусланиб айтадики, бу дунёдаги ғофил одамлар шунчалик тубанликка юз тутганларки, Парвардигор бу дунёга инсон киёфасида келгани учун улар Худо Шахсининг танасини ҳам худди ўзларининг танаси сингари моддий тана деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқий илмдан маҳрум бўлган бу нодонлар Парвардигорнинг ҳар нарсага қодир илохий Зот эканидан беҳабардирлар. Ана шундай сафсатабоз файласуфларга Парвардигор ҳеч қачон Ўзини тўлиқ ошкор этмайди. Инсон Унга ўз ихтиёрини қай даражада топширса, Уни фақат шу даражада англай олади. Тирик мавжудотларнинг тубанликка юз тутишига, бунчалик жаҳолатга ботиб кетишига сабаб уларнинг Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини унутиб қўйганида.

Бошқа қўлаб ведавий мантралардаги сингари "Шри Ишопанишад"нинг бу мантрасида ҳам очикдан-очик айтилганки, Парвардигор қадим замонлардан бери барча тирик мавжудотларнинг барча эҳтиёжларини қондириб келяпти. Аввалига тирик мавжудот бирор нарсани истайди, тирик мавжудотнинг қобилиятига қараб Парвардигор унинг истагини бажаради. Агар инсон олий ҳакам(судья) бўлишни истаса, у бунинг учун зарур бўлган олий маълумотга, айна пайтда, ҳукуматнинг руҳсатига ҳам эга бўлиши керак - фақат ҳукумат уни олий ҳакам(судья) қилиб тайинлай олади. Бу лавозимни эгаллаш учун шунчаки маълумотга, қобилиятга эга бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Олий мартабали кишигина уни бу лавозимга тайинлай олади. Худди шундай, Парвардигор ҳам бу дунёда ҳар бир тирик мавжудотнинг қобилиятига, сифатларига қараб, бошқача қилиб айтганда, карма қонуни асосида, лаззатланиш имкониятини беради. Бирор нарсага эришиш учун фақат сифатнинг, қобилиятнинг ўзи кифоя қилмайди, бунга албатта Худонинг марҳамати керак бўлади.

Одатда тирик мавжудотлар Худодан нима сўраш кераклигини, қандай лавозимга эга бўлишни тилашни билмайдилар. Лекин тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий, асл ҳолатини англаб еганида у Худодан ҳамиша Парвардигор билан ҳамсуҳбат бўлиш, Унга садоқат билан хизмат қилиш имконини сўрайди. Афсуски, моддий табиат таъсири остида тирик мавжудотлар Худодан бутунлай керак бўлмаган

нарсаларни тилайдилар, шу боис «Бхагавад-гита»(2.41)да уларнинг фикрлари "тарқок", "паришон" деб таърифланган. Рухий табиатли тафаккур ягона, ўзгармас бўлади; моддий, дунёвий тафаккур эса - турли-туман, ўзгарувчан. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, ташқи кувватнинг жимжимадорлигидан мафтун бўлган киши **"инсон ҳаётининг ҳақиқий мақсади - Худонинг даргоҳига қайтиш"** эканини эсидан чиқариб юборади. Шуни эсдан чиқарган ҳолда у ҳар хил режалар, дастурлар тузиб, ўзининг бу дунёдаги ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилади. Буларнинг ҳаммаси чайналган нарсани қайтадан чайнашдан бошқа нарса эмас. Аммо Парвардигор шунчалик марҳаматлики, У тирик мавжудотларга шу йўлда давом этавериш имконини беради. Агар тирик мавжудот дўзахга боришни истаса, Парвардигор бунга рози бўлиб, унинг режаларига ҳалакит бермайди, агар тирик мавжудот ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишни истаса, Парвардигор унинг шу ниятига етишида ёрдам беради.

Бу мантрада Парвардигор *парибхух*, яъни "ҳаммадан буюк" деб таърифланган. Ундан буюкроқ ва Унга тенг бўлган бошқа бирор зот мавжуд эмас. Бошқа тирик мавжудотлар бу ерда худди Худодан ҳамиша бирор нарса тилаб юрадиган гадойларга ўхшатиб таърифланган, Парвардигор эса, уларнинг истакларини амалга оширадиган Зотдир. Агар тирик мавжудотлар Парвардигор билан бир хил қудратга эга бўлсалар, ёки улар ҳам ҳар нарсага қодир ёки ҳамма нарсани биладиган бўлсалар, улар Худодан ҳеч нарса, ҳатто озодликка чиқишни ҳам тиламаган, сўрамаган бўлардилар. Тирик мавжудот учун ҳақиқий озодлик - Худонинг даргоҳига қайтишдан иборат. Имперсоналистлар тасаввур қиладиган озодлик – шунчаки, сароб, алданишдир. Гадой ҳолатидаги тирик мавжудот то рухий ўзлигини, ҳақиқий ҳолатини англаб етмагунча ҳиссий лаззатланиш имкониятини излаб бу дунёда тиланчилик қилиб юришда давом этаверади.

Худо Шахси, Парвардигор Ўзига Тўла Бутун, ҳеч нарсага муҳтож эмас. Парвардигор Кришна 5000 йил олдин Ер сайёрасига ташриф буюрганида ҳар хил ғайритабиий илоҳий кароматлар кўрсатиб, Ўзининг Худонинг Олий Шахси эканини тўлиқ намоён этди. Ҳали чақалоқ бола пайтида бир неча қудратли иблисларни ўлдирди, У ана шундай қудратга Ўзининг қандайдир уринишлари билан эришган деб ўйламаслик керак. У Говардхана тепалигини кўтариш учун кўп вақт мобайнида оғирлик кўтаришни машқ қилиб юргани йўқ. У жамиятда ўрнатилган урф-одатларга эътибор ҳам бериб ўтирмасдан гопилар билан раса-раксига тушди, бунинг учун Унга ҳеч ким дашном беролмади. Гарчи гопилар қалбида Унга нисбатан шахвоний муҳаббат туйғусини ҳис қилган бўлсалар ҳам, Кришна билан гопиларнинг ўзаро яқин муносабатларига, ҳатто саннийаси турмуш тарзининг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшаган Парвардигор Чайтаняннинг Ўзи ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром билан сажда қилган. Ана шундай ҳолатларни тасдиқлаб, "Шри Ишопанишад"нинг бу мантрасида Парвардигор *шуддхам* ва *апана-виддхам*, яъни "поклайдиган", "ҳимоя қиладиган" деган маънони англадиган сўзлар билан таърифланган, бошқача қилиб айтганда, Парвардигор пок ва булганмаган. Парвардигорнинг покловчи сифатини шу маънода тушуниш лозимки, ҳатто дунёвий нуктаи-назардан нопок бўлган нарсалар ҳам У билан боғлиқ бўлганда

покланиб кетади. "Ҳимоя қиладиган" ибораси У билан ҳамсухбат бўлишга тааллуқли. «Бхагавад-гита»(9.30-31)да айтилганки, самимий содиқ хизматкор *дурачара*, яъни, одоб-ахлоқ жиҳатидан "гуноҳкор одам" ҳам бўлиши мумкин, шунга қарамай, уни пок инсон деб ҳисоблаш керак, чунки у Худога садоқат билан хизмат қилиб тўғри йўлдан бораётган инсондир. Парвардигор билан ҳамсухбат бўлишнинг содиқни ҳар қандай иллатдан ҳимояловчи хусусияти шундай.

Парвардигор *апана-видхим*. Бу дегани Унга бирор гуноҳ яқинлаша олмайди. Гарчи Унинг қиляётган ишлари баъзан гуноҳдай бўлиб кўринса ҳам, барибир улар пок, ҳаммага саодат келтирадиган ишлардир, чунки Парвардигорга ҳеч қандай гуноҳ яқинлаша олмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам У - *шуддхам*, "энг пок Зот" бўлиб қолаверади. Уни одатда куёшга ўхшатадилар. Куёш ер юзидаги ҳар хил ифлос жойлардаги намликни буғлантиради, лекин барибир ўзи ҳамиша пок бўлиб қолаверади. Куёшнинг куввати поклаш хусусиятига эга бўлиб, у ҳатто энг нопок нарсаларни ҳам поклайди. Моддий нарса бўлган ҳолда куёш шунчалик поклаш қудратига эга экан, ҳар нарсага қодир бўлган Худо Шахсининг поклиги ва поклаш қудрати қанчалик кучли эканини тасаввур қилиш ҳам қийин.

Тўққизинчи мантра

*андхам тамаҳ правийантти
йе "видйам упасате
тато бхуйа ива те тамо
йа у видйайам ратах*

"Ғофилликка асосланган фаолиятни тақомиллаштираётган одамлар ғофиллик оламининг энг қоронғу зулмат қоплаган жойларига равона бўладилар. Аммо, зўр бериб сохта(дунёвий, моддий) илмни ривожлантираётган одамлар улардан ҳам баттар бўладилар".

Изоҳ: Бу мантрада икки ибора: *видйа* ҳамда *авидйа* иборалари таққосланган. *Авидйа*, яъни "ғофиллик", шубҳасиз жуда хатарли, лекин *видйа*, яъни "илм", агар у сохта ёки нотўғри, одамни адаштирадиган илм бўлса, ғофилликдан ҳам ёмонроқдир. "Шри Ишопанишад"нинг бу мантраси айниқса ҳозирги даврда ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ мавзу ҳисобланади. Ҳозирги даврда дунёвий илм-фан соҳаси одамларга оммавий равишда маълумот бериш борасида жуда катта ютуқларга эришган, лекин бунинг натижасида **одамлар аввалгига қараганда баттарроқ бахтиқаро бўлиб боряптилар**, чунки улар эндиликда **инсон ҳаётининг энг муҳим соҳаси бўлган рухий юксалишдан юз ўгириб, кўпроқ моддий фаровонликка катта эътибор берадиган бўлиб кетдилар.**

Авидйа, яъни "ғофиллик" иборасига келсак, "Шри Ишопанишад"нинг биринчи мантрасида аниқ айтилган эдики, оламдаги мавжуд ҳамма нарсанинг ягона эгаси - Худо Шахси, ягона Парвардигор бўлади, ана шуни эсдан чиқариш - ғофиллик ҳисобланади. Инсон мана шу ҳақиқатни қанчалик эсидан чиқарган бўлса, у ғофиллик зулматида, ғафлат ботқоғига шунчалик ботиб кетган бўлади, ана шу жиҳатдан олиб қараганда, илм-фан ривожланган, одамларга оммавий

равишда билим бераётган **ҳозирги** имонсиз, худобеҳабар **жамият**, одамларнинг аксарият кўпчилиги саводсиз бўлган **аввалги жамиятга қараганда бир неча марта хавфлироқ** ҳисобланади.

Одамлар турли тоифаларга бўлинадилар: *кармилар*, *гйанилар* ва *йоглар*. *Кармилар* - ҳаётда сезгиларининг лаззатланишга бўлган талабини кондириш, яъни лаззатланиш учун яшаб юрган одамлардир. Ҳозирги даврда жамиятдаги одамларнинг 99.9 фоизи иктисодий ривожланиш, индустриализация, альтруизм (инсонпарварлик), сиёсат ва бошқа атамалар ниқоби остида ҳаётдан лаззатланишга интилиб юрган одамлардан иборат. Мана шу фаолиятларнинг ҳаммаси турли кўринишларда фақат моддий лаззатланишга қаратилган бўлиб, **инсон ҳаётининг асосий мазмунини** тушунишга, "Шри Ишопанишад"нинг биринчи мантрасида айтилган **Худони англашга** ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлган ишлардир.

Ана шундай кўпол равишда ҳиссий лаззатланишга интилиб юрган одамлар «Бхагавад-гита» тили билан айтганда *мудха* деб аталади. Бу ибора шуни билдирадики, шундай ҳаёт кечириб юрган одамлар ҳам, худди нодонлик тимсоли бўлган эшаклар сингари, ғофил ва нодон мавжудотлардир. Моддий лаззатланиш, сезгиларини лаззатлантириш сингари бемаъни фаолият билан шуғулланиб юрган одамлар "Шри Ишопанишад" ибораси билан айтганда *авидйага*, яъни "ғофиллик"ка, "ғафлат"га сажда қилиб юрган одамлардир. Бундай фаолиятни "илм-фан тараккиёти" деб атаб, ана шундай маданиятни кўллаб-қувватлаб юрган одамлар инсониятга ҳатто фақат моддий лаззатланиш учун яшаб юрган одамлардан ҳам кўпроқ зарар етказадилар. Имонсиз одамларнинг ривожланган дунёвий илм-фани, худди захарли кобра илонининг бошига кўйилган қимматбаҳо гавҳартош сингари хатарлидир. Бошига гавҳартош кўйилган кобра илонининг захри шундай гавҳари бўлмаган илоникидан бехатарроқ эмас.

"Хари-бхакти-судходайа"да имонсиз иблисларнинг илм-фанни ривожлантириши худди ўлик танани безатиш жараёнига ўхшатишган. Бошқа кўпчилик давлатларда бўлгани сингари Ҳиндистонда ҳам, баъзи бир одамлар ўлган одамнинг қариндошларини мамнун қилиш учун тобут олиб бораётган жамоа ортидан анча жойгача юриб борадилар. Худди шундай, ҳозирги замонавий одамлар жамияти ҳам, бу дунёдаги тирикчиликка хос бўлган ҳар хил мусибатларни биров бўлса ҳам енгиллаштириш ниятида турли нарсалар ўйлаб топадилар. Уларнинг барча уринишлари ягона мақсадга - сезги аъзоларини лаззатлантиришга қаратилган. Лекин, **сезгилардан устун турадиган ақл** бор, ақлдан устун турадиган **тафаккур** (интеллект) бор, тафаккурдан устун турадиган **руҳ** бор. **Сезгиларни ақл, ақлни - тафаккур, тафаккурни - руҳ**, яъни инсоннинг ўзлиги, ҳақиқий "мен"и **бошқариб туради**. Шунинг учун ҳар қандай илм ўрганишдан мақсад - ўзликни англаш, инсон ҳаётининг ҳақиқий, руҳий кадриятларини англаб етишдан иборат бўлиши лозим. Ҳақиқий "мен"ни, руҳий ўзликни англашга қаратилмаган ҳар қандай таълим, ҳар қандай илм-фан *авидйа*, яъни "ғофиллик" деб аталади.

Ведалар таълимотига кўра, одамларни ана шундай ғофилликка ўргатиб юрган ўқитувчилар тўрт тоифага бўлинади: 1. *Веда-вада-рата*; 2. *Майайа-пахрита-гйана*; 3. *Асурам-бхавам*; 4. *Нарадхама*.

Веда-вада-рата тоифасига кирадиган одамлар ўзларини муқаддас китобларни мукамал биладиган одамлар қилиб кўрсатадилар, лекин, афсуски аслида ўзлари муқаддас китобларнинг, Ведаларнинг асосий мақсади нима эканини билмайдилар. «Бхагавад-гита»да айтилганки, **Ведаларнинг мақсади - Худо Шахсини танишдан** иборат. Лекин, бу гаплар ундай димоғдор одамларни мутлақо қизиқтирмайди. Аксинча, улар ҳар хил кармали фаолият натижаларига, жаннатга эришиш имкониятига махлиё бўлиб қолганлар.

"Шри Ишопанишад"нинг биринчи мантрасида айтилганидай, биз бу дунёдаги ҳамма нарса Худо Шахсининг мулки эканини билишимиз ва бизга тирикчилик учун насиба қилиб ажратилган улушимиз билан қаноатланиб, ҳаётимиздан мамнун бўлиб яшашимиз лозим. Барча Ведавий адабиётларнинг, муқаддас китобларнинг мақсади - унутувчан тирик мавжудотларнинг қалбида Худо онгини, Худони англаш қобилиятини уйғотишдан иборат. Ғофил одамлар буни яхши англаб олишлари учун мана шу қоида турли кўринишларда жаҳондаги барча динларнинг муқаддас китобларида акс этган. Шундай қилиб, **барча динларнинг ягона мақсади - одамларнинг Худони англашига**, Худонинг даргоҳига қайтишига **ёрдам беришдан** иборат. Аммо ўзларини *веда-вада-рата*, яъни "муқаддас китоблар билимдони" деб юрган одамлар, Ведаларнинг ҳақиқий мақсадини тушуниб олиш ўрнига, "Ведаларнинг якуний мақсади - жаннатдагидай ҳиссий лаззатларга эришиш имкониятига эга бўлиш экани ўзидан-ўзи кўриниб турибди" деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки, бизнинг мусибатларга тўла бу моддий оламда тутқун бўлиб қолишимизга асосий сабаб ҳам айнан ана шу "лаззатларга интилиш" туйғуси ҳисобланади. Ана шундай чаласавод диндорлар Ведавий муқаддас китобларни нотўғри талкин қилиш билан одамларни тўғри йўлдан адаштирадилар. Баъзида улар Ведаларнинг маъносини дунёвий одамларга содда қилиб тушунтирадиган ишончли манбалар бўлган Пураналарни инкор этадилар. Веда-вада-раталар **аввал ўтган буюк устозлар, авлиё донишмандларнинг фикрини инкор этиб, муқаддас китобларни ўз билганларича талкин қиладилар**. Бунинг устига улар ўзларининг орасидан бирор виждонсиз чаласаводни "ведавий донишмандлик илмининг билимдони" деб кўкларга кўтариб олқишлайдилар.

Ана шундай одамлар "Шри Ишопанишад"нинг мана шу мантрасида кескин қораланган бўлиб, жуда аниқ *видйа-рата* ибораси билан ифодаланган. *Видйа* ибораси "Веда" деганни билдиради, чунки, Ведалар ҳар қандай илм манбаидир, *рата* ибораси эса, "шуғулланиш" деган маънони англатади. Шундай қилиб, *видйа-рата* ибораси "Ведаларни ўрганиш билан шуғулланадиган киши" деган маънони билдиради. Бу мантрада ана шундай *видйа-раталар* қораланган, чунки аввалги ўтган руҳий устозларни, ачарйаларни инкор этгани сабабли, улар Ведаларнинг асосий мақсадини билмайдилар. Ана шундай *веда-вада-раталар* Ведаларнинг ҳар бир иборасига ўзларига керак бўлган, ўзларига ёқадиган маънони бериб талкин қилишга одатланиб қолганлар. Ведалар шунчаки оддий асарлар тўплами эмаслиги, уларнинг аниқ мазмунини фақат шогирдлар силсиласи орқалигина англаб етиш мумкинлигини улар билмайдилар.

Ведаларнинг илоҳий мазмунини англаб етиш учун ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш лозим. "Шри Ишопанишад"нинг аниқ кўрсатмаси шундай. Лекин веда-вада-раталарнинг ҳеч қандай илоҳий шогирдлар силсиласига мансуб бўлмаган ўзларининг устозлари бор. Шу боис, улар шунчаки муқаддас китобларни билмайдиган одамлардан ҳам баттар бўлиб, Ведавий муқаддас китобларни нотўғри талқин қилиб, одамларни йўлдан адаштирганлари сабабли улар ғафлат оламининг энг қоронғу жойларига равона бўладилар.

Маййапахрита-гйана тоифасига бу дунёда ўзларини "Худо" деб эълон қилиб юрган одамлар қирадилар. Уларнинг фикрича уларнинг ўзлари Худо, шу боис бошқа бир Худога сиғиниб юришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ. Улар бу дунёдаги бирор бой-бадавлат одамга сажда қилиб сиғинишлари мумкин, лекин, ҳеч қачон Худога сажда қилиб сиғинмайдилар. Ҳатто ўзларининг қанчалик ғофил эканини тан олишга қодир бўлмаган ана шундай нодон одамлар ҳақиқий Худо ҳеч қачон алданиш домига тушиб қолмаслиги кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Агар Худо ҳам алданиш(*майя*) домига тушиб қоладиган бўлса, *майя*(шайтон) Худодан ҳам кудратлироқ бўлиб чиқади. Шундай одамлар Парвардигор ҳар нарсага қодир эканини тан оладилар, агар шундай бўлса, Парвардигор қандай қилиб алданиш тузоғига илиниб юрибди? Ўзларини Худо деб юрган ана шундай ғофил одамлар бундай саволларга бирор аниқ жавоб бера олмайдилар, лекин ўзларининг Худо эканини билиб олганидан хурсанд бўлиб юраверадилар.

Ўнинчи мантра

*анйад эвахур видйайа
анйад ахур авидйайа
ити шушрума дхиранам
йе нас тад вичачакишре*

"Донишмандлар бизга тушунтирганларки, ҳақиқий илмни ривожлантириш жараёни ғофилликни ривожлантириш жараёнига қараганда бутунлай бошқа натижаларга олиб келади".

Изоҳ: «Бхагавад-гита»нинг ўн учинчи бобида(8-12) тавсия қилингандай, ҳақиқий илмни ривожлантириш жараёнини куйидаги йўл билан амалга ошириш мумкин:

1. Бенуксон инсон бўлиб, бошқаларга нисбатан муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўрганиш лозим;
2. Шунчаки, яхши ном қолдириш ёки шон-шухрат қозониш учунгина бошқаларга ўзини тақводор қилиб кўрсатишга уринмаслик керак;
3. Инсон ўзининг гаплари, фикрлари ва ҳаракатлари билан бошқаларга ташвиш келтирмаслиги керак;
4. Сабр-тоқатли бўлишга, бошқалар сабабли келаётган ҳар хил ташвишларга чидам билан сабр қилишга ўрганиш лозим;
5. Бошқалар билан бўладиган муносабатларда иккиюзламачилик қилмаслик керак;
6. Инсон ҳақиқий ўзлигини, яъни, "мен"ини англаб етишга ёрдам бера оладиган ҳақиқий руҳий устоз топиши, ана шундай руҳий устозга ўз ихтиёрини топшириб, унга хизмат қилиши, ҳар хил саволлар

билан мурожаат қилиб ундан ҳақиқий илм ўрганиши лозим;

7. Инсон руҳий ўзликни англаш поғонасига кўтарилиш учун кундалик турмушда руҳий ҳаётнинг муқаддас китобларда кўрсатилган шартларини бажариб яшаши лозим;

8. Муқаддас китобларда кўрсатилган ўзгармас қонунларга ҳамиша риоя қилиб яшаш керак.

9. Руҳий ўзликни англаш жараёнига ҳалақит берадиган ҳар қандай ишларни тарк этиш лозим;

10. Танасининг соғлом ҳолатини таъминлаб туриш учун кифоя бўлганидан ортиқча бирор нарса истеъмол қилмаслик керак;

11. Қўпол моддий танани "мен ўзим" деб, шу тана билан боғлиқ бўлган нарсаларни "меники" деб ҳисобламаслик керак;

12. Ҳамиша шунга эътибор қилиш лозимки, токи моддий танамиз бор экан, биз тақдорланиб турадиган туғилиш, кексайиш, касалланиш ва ўлиш билан боғлиқ бўлган мусибатлардан азоб чекишга мажбурмиз. Моддий тана келтирадиган ана шундай муқаррар мусибатлардан ҳалос бўлишга уринишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Бундан кўра, инсон ўзининг руҳий ўзлигини, мангу руҳий ҳолатини қайта тиклаб олиш йўлини излагани маъқул.

13. Руҳий юксалиш учун зарур бўлган нарсалардан бошқа бирор нарсага боғланиб қолмаслик керак;

14. Инсон ўзининг хотини, бола-чақаси ва уйига муқаддас китобларда кўрсатилганидан ортиқча боғланиб қолмаслиги лозим;

15. Ақлига ёқимли ёки ёқимсиз бўлиб кўринган нарсалар сабабли қувониш ёки азият чекмасликни ўрганиш лозим;

16. Инсон Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг асл содиқ хизматкори бўлиши, Унга бутун вужуди билан самимий хизмат қилиши лозим;

17. Руҳий фаолият билан шуғулланиш имконини берадиган хилват жойда яшашга интилиш, аксинча, имонсиз, худобехабар одамлар тўпланадиган гавжум жойлардан илоҳи борича узоқ юришга одатланиш лозим;

18. Ажалимиз етиб, танамизни тарк этганда ўрганган барча дунёвий илмлар мана шу тана билан бирга қолиб кетишини, руҳий илм эса, мангу ва ўзгармас эканини англаган ҳолда, руҳий илм, донишмандлик илмини ўрганишга, ҳақиқий файласуф бўлишга интилиб яшаш лозим.

Бу ўн саккиз қоида аста-секин ҳақиқий илмга эга бўлиш жараёнини белгилайди. Мана шу нарсалардан бошқа амалларнинг ҳаммаси ғофиллик тоифасига қиради. Буюк ачарйа Шрила Бхактивинода Тхакур айтган эдики, дунёвий илмнинг барча турлари алдамчи ташқи қувватнинг турли хил кўринишларидир, шу боис бундай илмни ривожлантириб юрган одамлар қанча тиришсалар ҳам нодонлик рамзи бўлган эшакдан ақлли бўлолмайдилар. "Шри Ишопанишад"нинг мазкур мантрасида ҳам мана шу ҳақиқат тасдиқланган. Дунёвий илмни юксалтириш билан инсон тубанликка юз тутиб, эшаксифат нодон одамлар қаторига қўшилиб қолади. Баъзи бир имонсиз сиёсатчилар одамларга ўзларини диндор, тақводор қилиб кўрсатиб, ҳозирги замонавий маданий тараққиётни, илм-фан ривожланишини танқид қилиб, уни "шайтонийликнинг ривожланиши" деб атайдилар, лекин афсуски, уларни "Бхагавад-гита"да таърифланган ҳақиқий илм ўрганиш маданияти қизиқтирмайди, шу боис улар инсониятнинг ҳозирги

иблассифат табиатини ижобий тарафга ўзгартиришга қодир эмаслар.

Ҳозирги замонавий худобехабар маданиятга асосланган жамиятда ҳатто ёш бола ҳам ўзини мустақил шахс деб ҳисоблаб, катталарни ҳурмат қилиш нималигини билмайди. Илм масканларидаги таълим-тарбия ишлари нотўғрилиги, нуқсонлилиги сабабли бутун жаҳон бўйлаб ёшлар каттаёшдаги одамларга жуда кўп ташвиш келтиряптилар. Шунинг учун "Шри Ишопанишад"да таъкидлаб айтилганки, ғофилликни ривожлантириш ҳақиқий илм ўрганишдан бутунлай фарқ қилади. Барча илм масканлари, университетлар аслида ҳақиқий ғофиллик манбаларидир, улардаги олимлар эса, бошқа давлат халқларига қирон келтириш учун инсониятга ажал уруғини сепадиган оммавий қирғин қуролларини кашф қилиш билан шуғулланадилар.

Илм масканларида ҳозирги талабаларга *браҳмачарий*, яъни, руҳий ҳаёт кечириш қонун-қоидалари ўргатилмайди. Уларда руҳий ҳаёт ҳақида илм берадиган муқаддас китобларга ишонч ҳам йўқ. Одамлар кундалик турмушда қўлланиш учун эмас, балки фақат сохта обрў орттириш ёки шон-шухрат қозониш учунгина қандайдир диний амалларни ўрганадилар. Шундай қилиб, фақат ижтимоий ёки сиёсий соҳаларда эмас, ҳатто диний соҳаларда ҳам одамлар орасида рақобат, бир-бирига душманлик туйғулари юзага келади.

Мана шундай нотўғри таълим-тарбия сабабли жаҳоннинг турли жойларида миллатчиликнинг турли кўринишлари юзага келган. Бизнинг бу сайёрамиз аслида бошқа сайёралар қатори, бепоён осмон ичра сузиб юрган жуда кичкина моддий жисм экани ҳақида одамлар ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Чексиз коинот ичида бу сайёралар худди кичкина чанг заррачаларига ўхшайди. Лекин Парвардигор шунчалик марҳаматлики, осмонда мустақил сузиб юриши, мавжуд бўлиб туриши учун ана шу кичкина заррачаларни зарур бўлган ҳамма нарса билан етарлича таъминлаб қўйибди. Космик кемаларнинг ихтирочилари ўзлари эришган ютуқлар билан шунча мағрурланадилар, лекин "сайёралар" деб аталадиган катта ҳаво кемаларини ихтиро қилиб қўйган Олий Кашфиётчини назар-писанд қилмайдилар.

Моддий оламда сон-саноксиз қуёшлар ва сайёралар тизими мавжуд. Бизлар Худонинг ажралмас жуда кичик заррачалари бўлган ҳолда, такрор ва такрор туғилиб-ўлиб, ана шу сон-саноксиз сайёраларда ҳукмронлик қилишга ҳаракат қиламиз, лекин одатда бизларнинг барча уринишларимизни, барча режаларимизни касаллик ва кексалик чиппақка чиқаради. Инсон умри аслида юз йилга тенг бўлиши керак, лекин у тобора қисқариб, йигирма-ўттиз йилга тенглашиб қолади. Таълим-тарбия ишлари нотўғри йўлга қўйилгани сабабли йўлдан адашган одамлар ўзларининг йигирма-ўттиз йиллик умрида иложи борича кўпроқ ҳиссий лаззатга берилиш учун ана шу сайёраларда ўз миллатини, халқини яратиб олганлар. Ана шундай нодон одамлар ер юзида ўзлари яшаётган жойни мустаҳкам чегара билан ўраб олиб, уни ҳиссий лаззатланиш учун ҳар томонлама мукамал қилиш мақсадида турли режалар тузадилар, бундай уринишлар, албатта, жуда кулгили. Ана шундай кулгили мақсадга интилиб, ҳар бир давлат атрофидаги бошқа давлатлар учун турли ташвишлар манбаига айланади. Давлатлар, миллатлар бутун куч-қудратининг, миллий даромадининг 50 фоизидан

кўпроғини мудофаа ишларига сарфлайдилар, одамларнинг руҳий юксалиши, уларга руҳий илм ўргатиш эса, ҳеч кимни қизиқтирмайди. Мағрурланишга арзигулик бирор натижа йўқлигига қарамай одамлар ўзларининг моддий ва маънавий, руҳий юксалишда эришган муваффақиятлари билан гердаядилар.

"Шри Ишопанишад" бизни таълим-тарбиянинг ана шу нуқсонлари ҳақида огоҳлантиради, «Бҳагавад-гита»да эса, ҳақиқий илмни қандай ривожлантириш кераклиги кўрсатилган. Бу мантрада ҳақиқий илм - *видйани дхира* сифатига эга бўлган руҳий устоздан ўрганиш лозимлиги кўрсатилган. *Дхира* ибораси "ўзгармас", "вазмин", "хотиржам" деган маънони англатади. Ундай инсонга моддий оламнинг алдамчи, ўткинчи нарсалари ташвиш келтиролмайди. Токи инсон руҳий ўзлигини англаб етмас экан, у ҳеч қачон ҳаммаша "хотиржам" қололмайди. Руҳий ўзликни англашнинг юқори поғонасига кўтарилганда бирор нарсага эга бўлишга интилиш ёки йўқотган нарсасига ачиниш, қайғуриш туйғулари инсон қалбини бутунлай тарк этади. *Дхира* аниқ биладик, модда билан тасодифан аралашиб қолгани туфайли эга бўлган бу **моддий танаси, акли** – аслида, **унинг ҳақиқий руҳий ўзлигига ёт** бўлган вақтинчалик нарсалардир. Шунинг учун *дхира* ўзи тушиб қолган мана шу ноқулай ҳолатдан иложи борича кўпроқ руҳий манфаат олиб яшашга ҳаракат қилади.

Табиатан руҳий зот бўлган тирик мавжудот учун моддий тана ва ақл жуда ноқулай, фойдасиз битим ҳисобланади. Тирик мавжудотнинг вазифаси - ҳақиқатан ҳам тирик бўлган руҳий оламда турли илоҳий фаолият билан машғул бўлишдан иборат, бу **моддий олам эса, – ўлик макондир**. Токи тирик руҳий заррачалар ўлик моддаларни ҳаракатга келтириб турар экан, бу ўлик олам худди тирикка ўхшаб кўринади. Олий тирик мавжудотнинг ажралмас заррачалари бўлган тирик мавжудотлар бу ўлик моддий оламни ҳаракатга келтириб турадилар. Бу ҳақда аниқ манбалардан билиб олган, руҳий ҳаёт қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда ана шундай ҳақиқий илмни ривожлантириб юрган кишиларни *дхира* деб атайдилар.

Руҳий ҳаёт қонун-қоидаларига риоя қилиш учун инсон ҳақиқий руҳий устоз паноҳи остига кириши лозим. Инсон илоҳий Ҳақиқат илмини ғофилликка асосланган замонавий таълим-тарбиянинг хатарли йўли орқали эмас, балки руҳий ҳаёт қонун-қоидаларига риоя қилиб яшаган ҳолда ҳақиқий руҳий устоздан ўрганади. Фақат камтарин, мискин ҳолатда Худо Шахсининг насиҳатларини тинглаш орқалигина инсон *дхира* бўлиб етишиши мумкин. Ҳақиқий шогирд Аржунга ўхшаган бўлиши, руҳий устоз эса, – Парвардигор Кришнадай бўлиши лозим. *Дхира*, яъни "хотиржам" руҳий устоздан ҳақиқий илм - *видйа* ўрганиш йўли ана шундай.

Адхира, яъни ҳали *дхира* поғонасига кўтарилмаган кишининг руҳий устоз бўлишга, шогирдлар орттиришга, уларга руҳий насиҳатлар беришга ҳаққи йўқ. Ўзларини *дхира* деб эълон қиладиган замонавий сиёсатчилар, аслида ҳақиқий адхиралардир, улардан мукамал ҳақиқий илм ўрганишнинг иложи йўқ. Уларни фақат кўпроқ моддий бойлик орттириш қизиқтиради. Шундай устозлар одамларни руҳий ўзликни англаш йўлига, Ҳақиқатни англаш йўлига бошлашга қодир бўла оладиларми? Шундай қилиб, ҳақиқий илм ўрганиш, Ҳақиқат илмини англаш учун

инсон камтарин ҳолда *дхира* сифатига эга бўлган ҳақиқий руҳий устознинг насиҳатларига кулоқ солиши лозим.

Ўн биринчи мантра

*видйам чавидйам ча йас
тад ведобхайам саха
авидйайа мритйум тиртва
видйайамрита аинуте*

"Ғофилликка асосланган фаолиятга ғарқ бўлиш жараёнини ҳам, айни пайтда, илоҳий Ҳақиқат илмини ўрганиш жараёнини ҳам тушунишга қодир бўлган кишигина бетиним туғилиш ва ўлишлар чархпалагини енгиб ўтиб, мангулик инъомидан лаззатлана олади".

Изоҳ: Моддий олам яратилгандан бери ҳар бир инсон мангу ҳаётга эришишга интилиб келади, аммо, моддий табиат қонунлари шу қадар шафқатсизки, бирор киши муқаррар ўлим чангалидан қутула олмайди. Ҳеч ким ўлишни истамайди, бу аниқ ҳақиқат, ҳеч ким кексайишни ҳам, касал бўлишни ҳам истамайди. Лекин, табиат қонунлари ҳеч кимнинг ўлимдан, касалликдан ва кексаликдан қутулиб кетишига йўл қўймайди. Моддий илм-фан қанчалик ривожланмасин, инсон ҳаётининг мана шу муаммоларини ҳалигача ҳал қила олгани йўқ. Моддий илм-фан ёрдамида атом бомбаси яратиш орқали одамларнинг ўлимини тезлаштириш мумкин, аммо, бундай илм-фан инсонни муқаррар ўлим, касаллик ва кексаликнинг бешафқат чангалидан ҳимоя қилишга қодир бўлган бирор нарса кашф этолмайди.

Пураналардан биз Хиранийакашипу деган иблиснинг фаолиятини биламиз. Ана шу шох ҳам моддий тараққиётнинг энг юқори поғонасига кўтарилган зот эди, у ўзининг ғофилликка асосланган илми қудрати билан ажални енгишга уринган эди. У қаттиқ риёзатларга берилиб, шунчалик чуқур муруқаб қила бошладики, ҳатто коинотдаги бошқа сайёраларнинг аҳолиси ҳам унинг эришган сеҳр қудратидан ташвишга туша бошлади. У коинотни яратган фаришта Браҳмани ўз олдига тушишга мажбур қилди ва ундан ўзига *амара*, яъни мангу барҳаётлик ато этишни тилади. Аммо Браҳмаунга бундай фотиҳа бера олмаслигини, чунки коинотдаги барча сайёралар ҳукмдори бўлишига қарамай, ҳатто унинг ўзи ҳам *амара* хусусиятига эга эмаслигини айтди. «Бхагавад-гита»(8.17)да айтилганидай, Браҳма жуда узоқ умр кўради, лекин бу ҳали у "ҳеч қачон ўлмайди", мангу барҳаёт дегани эмас.

Хиранийа ибораси "олтин", *кашипу* ибораси эса, - "юмшоқ тўшак" деган маъноларни англатади. Бу одамни ҳаётда икки нарса: мол-дунё ва аёллар қизиқтирарди. У сунъий равишда мангуликка эришиб, ана шундай ҳаёт билан мангу лаззатланиб яшашни орзу қилган эди. Браҳмадан рад жавобини олгандан кейин, ўзининг *амара*(мангу яшаш) ниятига эришиш учун у Браҳмадан шу ниятига эришишга ёрдам берадиган бошқа кўплаб фотиҳалар тилади. Браҳмадан олган дуоси бўйича уни на бирор инсон, на бирор ҳайвон, на бирор фаришта, на ҳаётнинг 8.400.000 туридан бирортасига мансуб бўлган бошқа бирор тирик мавжудот ўлдиролмаслиги керак эди. У яна шуни сўрадики, уни ҳеч ким на ер юзидан, на

осмонда, на сув ичида, на бирор мавжуд қуролдан фойдаланиб ўлдиролмасин. Хиранийакашипу шу йўл билан муқаррар ўлимдан қутулиб қоламан деб ўйлаган эди. Лекин, Браҳма унга ана шундай қудратли дуоларни ато этганига қарамай, у барибир Нарасимха, ярим одам, ярим арслон қиёфасида келган Парвардигор қўлидан ҳалок бўлди. Уни ўлдириш учун Парвардигорнинг панжаларидан бошқа бирор қуролнинг ҳожати йўқ эди. Хиранийакашипу ерда ҳам эмас, осмонда ҳам эмас, ана шу ғаройиб жонзот қиёфасидаги Парвардигорнинг тиззалари устида ўлдирилди.

Бундан кўриниб турибдики, имонсиз материалистларнинг энг қудратлиси бўлган шох Хиранийакашипунинг шунча режалари, уринишлари ҳам унга ажалдан қутулиб, мангуликка эришиш имконини беролмади. Шундай экан, барча режалари соат сайин барбод бўлаётган ҳозирги кўримсиз митти "хиранийакашипуча"лар нимага ҳам эриша олардилар?

"Шри Ишопанишад" бизга тирикчилик учун курашда ёлғиз ҳаракат қилмасликни маслаҳат беради. Ҳар бир инсон тирикчилик учун қаттиқ кураш олиб боради, аммо моддий табиат қонунлари шу қадар қудратли ва бешафқатки, ҳеч ким уларни четлаб ўта олмайди. Мангу ҳаётга эришиш учун инсон Худонинг даргоҳига қайтишга тайёрланиши лозим.

Худонинг даргоҳига қайтиш жараёни - Упанишадалар, "Веданта-сутра", «Бхагавад-гита», "Шримад Бхагаватам" ва ҳоказо сингари муқаддас китоблардан ўрганиладиган илоҳий илмнинг алоҳида бир бўлими ҳисобланади. Шу боис, ҳозирги ҳаётда бахтли яшаш, ҳамда моддий танани тарқ этгандан кейин лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиш учун инсон ана шу муқаддас китобларга мурожаат қилиши ва улардан илоҳий илм ўрганиши лозим. Шаргланган тирик мавжудот Парвардигор билан ўзининг мангу муносабатларини эсидан чиқариб қўйган ва адашганидан мана шу вақтинчалик туғилиш жойидан бошқа бирор жой йўқ деб ҳисоблайди. Парвардигор чексиз марҳамат кўрсатиб, унутувчан тирик мавжудотларга уларнинг ҳақиқий уйи аслида бу ерда, яъни моддий оламда эмаслигини эслатиб туриш мақсадида юқорида санаб ўтилган муқаддас китобларни Ҳиндистон халқига, бошқа халқларга бошқа муқаддас китобларни нозил қилиб қўйган. Тирик мавжудот - руҳий табиатга эга бўлган шахс, шунинг учун у фақат ўзининг руҳий ватанига, Худонинг даргоҳига қайтиб боргандагина ҳақиқий бахтга эриша олади.

Ана шу вазифани - тирик мавжудотларни Худонинг даргоҳига қайтариш бурчини амалга ошириш учун Парвардигор Ўз даргоҳидан бу оламга содиқ хизматкорларини юбориб туради, баъзан бунинг учун шахсан Ўзи ҳам ташриф буюради. Барча тирик мавжудотлар Унинг севимли фарзандлари, Унинг ажралмас заррачалари ҳисобланади, шу боис бизнинг бу моддий оламда чекаётган мусибатларимизни кўриб, Парвардигор бизлардан кўра қаттиқроқ азият чекади. Бу дунёда чекаётган мусибатларимиз бизга бу ўлик моддалар макони бизнинг асл маконимиз эмаслигини эслатиб туради, одатда фаросатли тирик мавжудотлар ана шу эслатмага эътибор берадилар ва ҳаётини *видйа*, илоҳий илм ўрганишга бағишлайдилар. Инсон танасидаги ҳаёт тирик мавжудотга руҳий илм ўрганиш учун жуда кенг имкониятлар яратиш беради, шунинг учун ана шундай нодир имкониятни қўлдан бой берган одамлар

нарадхама, "одамлар орасида энг пасткаши" деб аталади.

Авидйа(ғофиллик) йўли, яъни, ҳиссий лаззатларни ошириш ниятида моддий билимларини ошириш йўли - бетиним туғилиш ва ўлишларга мубтало бўлиш йўлидир. Тирик мавжудот руҳий табиатга эга, шунинг учун у туғилмайди ва ўлмайди. Туғилиш ва ўлиш руҳнинг ташқи қобиғи бўлган танага хос бўлган хусусиятлардир. Бу жараёни бирор либосни кийиш ва ечишга ўхшатадилар. *Авидйа*ни ривожлантиришга муккасидан кетган нодон тирик мавжудотлар ана шу бешафқат жараёнга эътибор бермайдилар. Улар алдамчи қувватнинг ранг-баранг гўзаллигига мафтун бўлган ҳолда, табиат қонунлари бераётган сабоқлардан ўзига ҳеч қандай хулоса чиқариб олмасдан, такрор ва такрор ана шу оғрикли жараён орқали ўтиб юраверадилар.

Фаросатли инсон ўзида *видйа*, илоҳий илмни ривожлантириши лозим. Ҳозирги мусибатга тўла моддий тана ичидаги ҳаёт давомида ҳиссий лаззатларни иложи борича камайтириш лозим. Моддий олам шароитида чекланмаган **ҳиссий лаззатларга берилиб яшаш инсонни ғофилликка, ҳалокатга олиб келади.** Тирик мавжудотлар руҳий сезгилардан маҳрум эмаслар. Ҳар бир тирик мавжудот ўзининг азалий руҳий киёфасида барча руҳий сезгиларга эга, улар ҳозир моддий тана ва ақл қобиқлари остида моддий сезгиларга айланиб қолган. Моддий сезгиларнинг фаолияти аслида руҳий эрмакларнинг бузилган аксидир. Руҳий табиатга эга бўлган, лекин ҳозир модда билан қопланган жон, яъни руҳнинг фаолияти - унинг ночор, касал ҳолатидир. Фақат ана шу касалдан соғайганда, моддий иллатлардан поклангандагина ҳақиқий ҳиссий лаззат хис қилиш мумкин. Модда билан булганмаган, ўзининг ҳақиқий, соф руҳий ҳолатидагина тирик мавжудот соф ҳиссий лаззат нималигини билиб олади. Шунинг учун **инсон ҳаётининг мазмуни** муккасидан кетиб ана шундай бузилган ҳиссий лаззатларга интилиш эмас, балки моддий иллатлардан бутунлай **покланиш** истагини кучайтириш бўлиши лозим. Моддий лаззатланишга интилишда намоён бўладиган моддий касалликнинг хуруж олиши ҳақиқий илм(*видйа*)нинг эмас, балки *авидйа*(ғофиллик) аломати ҳисобланади.

Одам соғая бошлаганида унинг тана ҳарорати 40-42 градусга кўтарилиши эмас, аксинча, нормал ҳолатга қайтиши - 36.6 градусга тушиши лозим. Инсон ҳаётининг мазмуни, мақсади айнан шунга қаратилган бўлиши лозим. Ҳозирги замонавий жамиятда моддий лаззатланиш учун барча шароитларни яратишга интилишнинг кучайишидан яққол кўриниб турибди, бундай моддий касаллик ҳарорати атом қуввати кўринишида аллақачон 42 градусдан ўтиб кетган. Шунга қарамай, бу жараён узокни кўра олмайдиган баъзи сиёсатчиларнинг "бутун ер юзи истаган вақтда бир зумда яқсон бўлиб кетиши мумкин" - деган башоратлари билан бирга тобора ривожланиб борапти. Инсон ҳаётининг энг муҳим соҳаси бўлган руҳий илмни эътиборсиз қолдириб, моддий илм-фанни ривожлантиришга зўр бериш жараёнининг натижаси ана шундай бўлади. "Шри Ишопанишад"нинг мазкур мантрасида бизни оғоҳлантириб айтилганки, биз ҳалокатга олиб келадиган ана шундай хатарли йўлдан бормаслигимиз лозим. Аксинча, ажалнинг бешафқат чангалидан биратўла қутулиб кетиш учун ҳамиша, мунтазам

равишда руҳий илмни ривожлантириб боришимиз лозим.

Бу - моддий танамиз ҳақида умуман ўйламаслигимиз лозим, дегани эмас, албатта. Ҳар қандай моддий фаолиятни бутунлай тарк этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу худди касални даволаш ниятида унинг тана ҳароратини пасайтириб, умуман 0 градусга тушириб ташлаш сингари аҳмоқона иш бўларди. Биз юқорида, ҳозирги тушиб қолган ноқулай вазиятимиздан иложи борича кўпроқ руҳий фойда олишга интилиш лозимлигини айтиб, буни тушунтиришга ҳаракат қилган эдик. Руҳий илмни ривожлантириш учун бизга тана ва ақлимизнинг ёрдами керак, демак, мақсадга эришиш учун биз танамизга ҳам, ақлимизга ҳам ғамхўрлик қилишимиз лозим. Ўйламасдан тана ҳароратини 42 градусга кўтармасдан, уни ҳамиша 36.6 градусда ушлаб туриш керак. Ҳиндистоннинг буюк донишманд ва авлиё зотлари **руҳий ва моддий илмни биргаликда ривожлантириш** орқали тананинг нормал ҳароратини сақлаб туришга интилганлар. Улар, инсон ўзининг чуқур тафаккуридан фойдаланиш ҳуқуқини суистеъмол қилиб, ундан охир-окибатда мусибатларга олиб келадиган ҳиссий лаззатланиш йўлида фойдаланишига йўл қўймаганлар.

Ведавий муқаддас китобларда инсоннинг ҳиссий лаззатланишга интилиш туйғуси билан булганган фаолияти руҳий озодликка чиқиш қонун-қоидалари тизими билан чеклаб қўйилган. Бу тизим дин(*дхарма*), иқтисодий тараққиёт(*армха*), ҳиссий лаззатланиш (*кама*) ва руҳий озодликка эришиш(*мокша*) қонунларидан иборат. Лекин ҳозирги даврда ғофил одамлар дин ва руҳий озодлик қонунлари билан умуман қизиқмай қўйганлар. Улар ҳозир ҳаётда фақат бир нарсага - ҳиссий лаззатларга интиладилар, ана шу мақсад йўлида улар иқтисодий ривожланишга қаратилган турли-туман режалар тузадилар.

Тўғри йўлдан адашган ғофил одамларнинг фикрига кўра, динни ривожлантириш керак, чунки дин ҳиссий лаззатланиш учун жуда муҳим бўлган иқтисодий ривожланишни таъминлайди. Инсон ўлганидан кейин ҳам унинг жаннатда ҳиссий лаззатланиб яшашини таъминлайдиган диний маросимлар тизими мавжуд. Лекин руҳий озодликка чиқишнинг ҳақиқий мақсади бу эмас. Аслида ҳар қандай диний илм инсонни ўзининг руҳий ўзлигини англаб етишига олиб келиши лозим. Иқтисодий ривожланиш фақат моддий тананинг соғлом ҳолатини таъминлаб туриш учунгина зарур. Ҳар бир фаросатли инсон ҳаётда фақат инсон ҳаётининг ягона мақсади бўлган *видйа*, ҳақиқий руҳий илмга эга бўлиш учунгина соғлом турмуш тарзи билан яшаши, соғлом фикрга эга бўлиши лозим. Инсон ҳаёти эшакдай оғир меҳнат қилиш учун, *авидйа*(ғофиллик)ни ривожлантириш учун, ҳиссий лаззатларга муккасидан кетиш учун мўлжалланмаган.

Видйа, Ҳақиқат илмини ўрганиш йўли "Шримад Бхагаватам"да мукамал таърифланган. Бу асар инсонни ўз умрини Мутлак Ҳақиқатни англаб етишга бағишлашга ундайди. Мутлак Ҳақиқатни аста-секин, поғонама-поғона англаб етадилар - аввалига Брахман кўринишида, кейин Параматма кўринишида, ниҳоят Бхагаван(Худо Шахси) кўринишида. Дунёқараши етарлича кенг, ҳақиқий илмга эга, ўнинчи мантрада таърифланган «Бхагавад-гита»нинг ўн саккиз қондасига риоя қилиб яшаш билан моддий

боғланишлардан халос бўлган кишигина Мутлак Ҳақиқатни англаб етишга қодир бўлади. Ана шу ўн саккиз қонданинг энг асосийси Парвардигорга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга эришиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай тоифадаги одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш санъатини ўрганиш тавсия қилинади.

"Шри Ишопанишад"нинг кейинги мантраларидан билиб оламизки, агар дин(*дхарма*), иқтисодий ривожланиш(*артха*), ҳиссий лаззатланиш(*кама*) билан боғлиқ амалларнинг мақсади Худога садоқат билан хизмат қилиш бўлмаса, улар ҳам шунчаки ғофилликнинг турли кўринишлари бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, айниқса биз яшаётган ҳозирги даврда ҳақиқий илми ривожлантириш учун ҳар бир фаросатли инсон бутун фикру хаёлини Худо Шахсида мужассам қилиб, хамиша Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаши, Уни шарафлаб қуйлаши, олқишлаши, Унга, илоҳий зотларнинг ягона Парвардигорига сажда қилиб сиғиниши лозим.

Ўн иккинчи мантра

*андхам тамаҳ правшианти
йе "самбхутим упасате
тато бхуйа ива те тамо
йа у самбхутйам ратаҳ*

"Фаришталарга сиғиниб юрганлар ғафлат оламининг энг қоронғу жойларига равона бўладилар. Мутлак табиатга сиғиниб юрганлар эса, улардан ҳам қаттиқроқ жазоланадилар".

Изоҳ: Санскритча *асамбхути* ибораси мустақил бўлмаган зотларни билдиради. Мутлак Худо Шахси *самбхута*, яъни, тўлиқ мустақил Зот. «Бхагавад-гита»да Мутлак Худо Шахси Ўзини шундай таърифлайди:

*на ме видух сура-ганаҳ прабхавам на махаршайаҳ
ахам адир хи деванам махаршинам ча сарвашаҳ*

"Фаришталар, буюк донишмандлар ва сеҳргарлар эга бўлган барча қудратларнинг олий сабабчиси - Менман. Уларга ато этилган қудрат чекланган бўлгани сабабли, Мен қандай қилиб ички қувватим ёрдамида бу дунёда инсон қиёфасида намоён бўлишимни улар тушуна олмайдилар".

Барча файласуфлар ва буюк донишмандлар, сеҳргарлар ўзларининг арзимас, чекланган ақлий қобилиятлари ёрдамида Мутлак Зот бу оламдаги нисбий мавжудликдан қандай фарқ қилишини англаб етишга интиладилар. Лекин бу йўл билан улар шунчаки нисбийликни инкор қилишдан юқори кўтарилма олмайдилар ва Мутлак Зотнинг бирор ижобий кўринишини англаб етишга қодир эмаслар. Инкор этиш орқали Мутлак Зотни аниқлаш мукаммал усул эмас. Илм олишнинг инкор қилиш усули ёрдамида инсон Мутлак Зот ҳақида фақат ўзининг шахсий тасаввурига эга бўлади ва "Мутлак Ҳақиқат шакл-шамоилсиз, ҳеч қандай сифатсиз бир Зот бўлиши керак" деб тасаввур қилади. Лекин бундай инкор қилишлар - шунчаки манфий даражада олинган нисбий шакл ва сифатлардир, холос, шу боис бу йўлнинг ўзи ҳам нисбий ҳисобланади. Мутлак Зот ҳақида бундай тасаввур қилиш инсонни, ошиб борса, Парвардигорнинг Брахман деб аталадиган шахсиятсиз нуруни англаш поғонасига олиб чиқиши мумкин,

лекин бундай йўл билан Бхагаванни, яъни Худо Шахсини англаб етишнинг иложи йўқ.

Ана шундай сафсатабоз мутафаккирлар билмайдиларки, Кришна - Худонинг Мутлак Олий Шахси, шахсиятсиз Брахман эса, - Унинг илоҳий танасидан таралиб турган нур, Параматма, Олий Рух - Унинг ҳамма жойга сингиб кетган ҳолда намоён бўлган кўриниши. Улар Кришнанинг илм ва лаззатга тўла мангу қиёфаси борлигини ҳам билмайдилар. Унга тобе, бўйсунган фаришталар ва буюк донишмандлар адашганидан Уни қудратли фаришталардан биттаси деб ҳисоблайдилар, Брахманнинг нуруни эса, Мутлак Ҳақиқат деб қабул қиладилар. Аммо ўз ихтиёрини бутунлай Унга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Кришнанинг содиқлари Уни бутун Борлиқнинг манбаи бўлган Мутлак Шахс сифатида англай оладилар.

«Бхагавад-гита»(7.20)да ҳам айтилганки, фақат тўғри йўлдан адашган, ҳиссий лаззатланишга жон-жаҳди билан интилиб юрган одамларгина ўзларининг ўткинчи дунёвий муаммоларини ҳал қилиш учун фаришталарга сиғинадилар. Фақат узокни кўра олмайдиган калтафаҳм одамларгина қандайдир фариштанинг ёрдами билан ўзининг арзимас, ўткинчи муаммоларидан халос бўлишга ҳаракат қилиши мумкин. Тирик мавжудот бу дунёда моддий тирикчиликнинг чигал тўрларига ўралиб қолган, шу боис, руҳий оламда чексиз илм, мангу лаззат ва мангу руҳий озодликка эришиш учун у моддий олам тутқунлигидан бутунлай озодликка чиқиши лозим.

«Бхагавад-гита»(7.23)да айтилганки, фаришталарга сиғиниб юрган киши ана шу фаришталарнинг сайёраларига борадилар, Ойга сиғиниб юрган одам - Ойга, Куёшга сиғиниб юрган одам - Куёшга ва ҳоказо. Ҳозирги замонда олимлар ракета, космик кемалар ёрдамида Ойга чиқишга уриниб юрибдилар, лекин бундай уринишлар қадимда ҳам бўлган. Табиатан юксак онга эга бўлган инсон коинот бўйлаб саёҳат қилишни, космик кемалар ёрдамида ёки қандайдир сеҳр қудрати билан, у ёки бу сайёрани бошқарувчи фариштага сиғиниш орқали ўзга сайёраларга боришни орзу қилади. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, инсон ана шу уч усулнинг ҳар бири ёрдамида бошқа сайёраларга бора олади, аммо бу мақсадда энг кўп қўлланиладиган самарали усул - ана шу сайёрани бошқариб турган фариштага сиғиниш ҳисобланади. Лекин, шуни эсда тутиш лозимки, моддий оламнинг барча сайёралари ҳам шунчаки вақтинчалик яшаш маконлари ҳисобланади. Фақат руҳий оламда жойлашган Ваикунтхалока сайёралари мангу бўлиб, уларда Худо Шахсининг Ўзи ҳукмронлик қилади. «Бхагавад-гита»да бу ҳақиқат қуйидаги шеър билан тасдиқланган(8.16):

*абраҳма-бхуванал локаҳ
пунар авартино "ржуна
мам упетйа ту каунтейа
пунар жанма на видйате*

"Ҳатто инсон коинотдаги энг олий сайёра Брахмалокага кўтарилса ҳам, барибир яна орқага қайтиб келишга мажбур бўлади. Аммо, руҳий оламдаги Менинг мангу даргоҳимга эришган киши ҳеч қачон бу оламда туғилмайди, эй Аржун".

"Шри Ишопанишад" таъкидлаб айтяптики, қандай усуллардан фойдаланган бўлишига қарамай, токи инсон моддий оламдаги сайёраларда юрар экан, борлиқнинг энг қоронғу жойларида юраверади.

Коинот моддий унсурлардан иборат жуда калин кобиқлар билан копланган бўлиб, худди ярмигача сув билан тўлган кокос ёнғоғини эслатади. Ана шу кобиқлар ҳеч нарса ўтказмайдиган даражада зич, шу боис коинот ичидаги қоронғу зулматни ёритиш учун Куёш ва Ой сингари, ўзидан нур таратиб турадиган ёритгич сайёралар керак. Ташқаридан коинотни сонсаноксиз Ваикунтхалока сайёраларига тўла бепоён рухий осмон - *Брахмажйоти* ўраб турибди.

Брахмажйотидаги энг олий ва катта сайёра Кришналока – Парвардигорнинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг Ўзи яшайдиган Голока Вриндаван. Парвардигор Кришна ҳеч қачон Кришналоқани тарк этмайди. У ҳамиша ўша сайёрада Ўзининг мангу ҳамроҳлари билан бирга, айна пайтда, У намоён бўлган бутун моддий ва рухий оламнинг ҳамма жойида мавжуд. Бу ҳақиқат "Шри Ишопанишад"нинг тўртинчи мантрасида тушунтирилган эди. Парвардигор худди куёш сингари ҳамма жойда мавжуд. Агар инсон ҳатто энг катта тезлик билан коинотда сайр қилса ҳам, барибир Куёш ўз орбитасидан четга чиқмаган ҳолда ҳаммиша унинг кўзи олдида тураверади.

Ойга чиқиш билан инсон ҳаётининг ҳақиқий муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Жуда кўп одамлар фақат шон-шухрат қозониш, обрў орттириш мақсадида диндорлик, такводдорлик йўлига кирадилар. Ана шундай сохта диндорлар, сохта такводдорлар бу оламни тарк этишни, рухий оламга қайтиб боришни истамайдилар. Худога сиғиниш ниқоби остида улар бошқа мақсадга - ўзларининг бу дунёдаги обрўсини, мартабасини сақлаб қолишга интиладилар. Атеист ва имперсоналистлар дахрийлик, атеизм ғояларини тарғибот қилиш билан ана шундай ғофил ақидапарастларни, имонсиз сохта диндорларни коинотнинг энг қоронғу жойларига бошлайдилар. Атеистлар Худонинг Олий Шахсининг мавжудлигини очикдан-очик инкор этадилар, имперсоналистлар эса, Худонинг шахсиятсиз Браҳман кўринишига сиғинишни тарғибот қилиш билан уларни қўллаб-қувватлайдилар. "Шри Ишопанишад"да Худонинг Олий Шахси мавжудлигини инкор этадиган бирор мантра йўқ. "У ҳаммадан ҳам тезроқ ҳаракат қилади" деб айтилган. Албатта, бошқа сайёраларга интилиб юрган одамлар ҳам шахс ҳисобланадилар, агар Парвардигор улардан ҳам тезроқ ҳаракат қила оладиган бўлса, қандай қилиб У шахсиятсиз бўлиб қолиши мумкин? Парвардигорни шахс эмас, "шахсиятсиз Зот" деб тасаввур қилиш ҳам ғофилликнинг бир тури бўлиб, инсон Мутлак Ҳақиқатнинг табиатини тўлиқ англаб етмагани сабабли шундай тасаввурга эга бўлади.

Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини очикдан-очик бузган ҳолда Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган сохта *аватара*(қиёфа)ларини ўйлаб чиқариб юрган, ғофиллик иллатига ботган дин арбоблари ўзларининг издошларини тўғри йўлдан адаштирадилар, шу боис улар учун коинотнинг энг қоронғу жойларидан макон тайёрлаб қўйилган. Одатда ана шундай имперсоналистлар Ведавий донишмандлик илмидан умуман беҳабар бўлган ғофил одамларга ўзларини Худонинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси, *аватараси* деб эълон қиладилар. Агар ана шундай нодон одамлар қандайдир илмга эга бўлсалар, уларнинг қўлидаги илм ҳатто ғофилликдан ҳам хатарлироқ бўлади. Ана шундай имперсоналистлар ҳатто муқаддас китобларда

кўрсатилган фаришталарга сиғиниш маросимларини ҳам ўтказмайдилар.

Муқаддас китобларда маълум бир вазиятларда фаришталарга сиғиниш тавсия қилинган, айна пайтда уларда бундай сиғинишнинг ҳождати йўқлиги ҳам айтилган. «Бхагавад-гита»(7.23)да очик айтилганки, фаришталарга сиғиниш орқали эришиладиган натижалар вақтинчалик ва ўткинчи табиатга эга. Бутун моддий олам ўткинчи, вақтинчалик, демак, моддий олам зулматида эришилган ҳар қандай натижа ҳам ўткинчи бўлади. Ҳақиқий, мангу давом этадиган натижага, мангу давом этадиган лаззатли ҳаётга эришишни "**инсон ҳаётининг ҳақиқий мақсади**", ҳақиқий муаммо деса бўлади.

Парвардигор аниқ айтиптики, Худонинг даргоҳига, Худо Шахсига эриштирадиган ягона йўл - Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Унга эришган киши туғилиш ва ўлишлар чангалидан бирданига ва бутунлай озодликка чиқади. Бошқача қилиб айтганда, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш тўлалигича ҳақиқий илмга ва боғланмасликка асосланган. Сохта диндорларда эса, на ҳақиқий илм бор, на моддий фаолиятга боғланмаслик. Уларнинг аксарият кўпчилиги ўз амалларини "диний қонунларга амал қилиш" деб эълон қилиб, алтруистик ва филантропик фаолиятни ниқоб қилиб олиб, моддий оламнинг олтин занжирларига боғланиб яшашни истайдилар. Сохта диний ҳис-ғуйғуларни намоёиш этиб, улар фақат бошқаларга кўз-кўз қилиш учунгина Худога хизмат қиладилар ва ўзлари ҳар хил гуноҳ ишлар билан машғул бўладилар. Шунга қарамай, содда одамлар уларни "буюк даҳолар", "ҳақиқий дин пешволари" деб ҳисоблайдилар. Худонинг қонунларини бузувчи ана шундай сохта диндорлар буюк ачарйаларнинг, ишончли шогирдлар силсиласида турган ҳақиқий рухий устозларнинг мартабасини тан олмайдилар. Ўзлари ҳатто ҳақиқий ачарйаларнинг турмуш-тарзи тақозо этадиган қонун-қоидаларнинг бирортасига риоя қилмай юрган бўлсалар ҳам, ғофил одамларни йўлдан уриб, ўзларини "ачарйа", "рухий устоз" деб эълон қиладилар.

Ана шундай ярамас фирибгар-қаллоблар - жамиятдаги энг хатарли унсурлардир, жамиятни бошқариб турган ҳокимият таркиби ҳам имонсиз, худобехабар одамлардан иборат бўлгани сабабли, улар жамиятда ҳеч қандай тўсиққа, қаршилиққа учрамайдилар. Лекин барибир, улар Парвардигорнинг адолатли қонунлари четлаб ўтолмайдилар. Худонинг қонунлари «Бхагавад-гита»(16.19-20)да эълон қилинган: **сохта диндорлар қиёфасидаги ҳасадгўй иблислар дўзахнинг энг даҳшатли жойларига равона бўладилар.** "Шри Ишопанишад"да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланиб айтилганки, шунчаки ҳиссий лаззатланиш мақсадида рухий устозлик қилиб диний фаолият билан шуғулланиб бўлгандан кейин ана шундай сохта рухий устозлар коинотнинг энг жирканч жойларига равона бўладилар.

Ўн учинчи мантра

*анйад эвахуҳ самбхавад
анйад ахур асамбхават
ити шушрума дхиранам
йе нас тад вичачақишре*

"Олий бўлмаган Зотга сиғинишга қараганда барча сабабларнинг Олий Сабабчисига сиғиниш бутунлай бошқа натижа беради, дейилган. Буларнинг ҳаммаси шу мавзунни батафсил тушунтира оладиган ишончли, қатъий фикрга эга бўлган, ишончли донишманд зотлардан тинглаб олинган аниқ ҳақиқатдир".

Изоҳ: Бу мантрада ўзгармас қатъий фикрга эга ишончли донишманд (*дхира*)ларни тинглаш тавсия қилинган. Токи инсон бу моддий оламнинг ҳар хил ўзгаришларидан безовта бўлмайдиган ҳақиқий руҳий устоздан таълим олмас экан, унинг учун илоҳий илм эшиклари ёпиқлигича қолаверади. Бу оламнинг ишларидан ташвишга тушиб безовта бўлмайдиган ҳақиқий руҳий устозидан таълим олган, яъни, *шрути-мантра* тинглаган ҳақиқий руҳий устоз ҳеч қачон ведавий муқаддас китобларда ёзилмаган гапларни ўйлаб топишга ёки шундай бемаъни гапларни тасдиқлашга уринмайди. «Бхагавад-гита»(9.25)да аниқ айтилганки, ўтган аждодлари руҳи (*нута*)га сиғиниб юрган одамлар ўша аждодлари яшаётган сайёраларга борадилар. Худди шундай, бу дунёда қолишни истайдиган имонсиз одамлар ўлимидан кейин яна шу оламда туғиладилар, барча сабабларнинг олий сабабчиси Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч кимга сиғинмайдиган Худонинг содиқлари эса, руҳий оламдаги Худонинг мангу даргоҳида Кришнага эришадилар.

"Шри Ишопанишад"нинг бу мантрасида ҳам айтилганки, сиғинишнинг ҳар хил турлари турли хил натижаларга олиб келади. Агар биз ягона Парвардигорга сиғиниб яшасак, албатта Худонинг руҳий оламдаги мангу даргоҳида Унга эришамиз, агар фаришталарга, масалан, Қуёш фариштасига ёки Ой фариштасига сиғиниб юрсак, шубҳасиз уларнинг сайёраларига эришамиз. Агар биз ўзимизнинг "режалаштириш қўмитаси" ва "фавқулодда вазиятлар вазири" сингари сиёсатимиз билан мана шу ачинарли сайёрада қолишни истасак, ҳеч қийналмасдан ўз мақсадимизга эриша оламиз.

Бирор ишончли муқаддас китобда бу дунёда қандай ишлар қилиб, кимга сиғиниб юрганига қарамасдан, барибир ҳамма бир хил мақсадга эришади, деб ёзилмаган. *Парампара* - ҳақиқий шогирдлар силсиласига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган сохта руҳий устозларгина ғофил одамларга ана шундай аҳмоқона ғояларни тарғиб қилиши мумкин. Ҳақиқий руҳий устоз ҳеч қачон "турли йўлларнинг ҳаммаси инсонни ягона мақсадга олиб боради, шунинг учун одамларнинг кимга сиғинишининг – фаришталаргами, ягона Парвардигоргами - сиғинишининг аҳамияти йўқ" - деб айтмайди. Соғлом фикрлай оладиган киши яхши биладикки, Бомбейда поездга ўтирган киши қайси бекатгача чипта олган бўлса, фақат ўша бекатгача бора олади. Калькуттагача чипта сотиб олган киши Калькуттадан бошқа жойга боролмайди. Лекин ҳозирги сохта устозлар руҳий фаолият билан шуғулланишда ҳар қандай чипта ҳам инсонни энг олий мақсадга олиб боради, деган ғояни тарғибот қиладилар. Ана шундай тутуруқсиз дунёвий ваъдалар, арзон-гаров муқофотлар руҳий юксалишда ўзлари ўйлаб топган осон усул билан гердаийб юрган кўп сонли ғофил одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Лекин Ведавий муқаддас китобларда уларнинг бу амаллари мутлақо қўллаб-қувватланмаган. Ишончли шогирдлар силсиласига

мансуб бўлган ҳақиқий руҳий устоздан таълим олмай туриб, инсон руҳий юксалишда бирор сезиларли натижага эриша олмайди. «Бхагавад-гита»(4.2)да Кришна Аржунга шундай дейди:

*эвам парампара-прапта
имам раджаршайо видух
са каленеха махата
його наштах парантани*

"Шундай қилиб, эй душманлар ғолиби, йога илми ("Бхагавад-гита")нинг мазкур қонунлари шогирдлар силсиласи орқали авлоддан авлодга ўтиб келяпти, буюк шохлар бу илми шу йўл билан ўрганганлар. Ана шу парампара узилиб қолгани сабабли ҳозир бу қонунларнинг мазмуни ўзгаргандай бўлиб туюляпти".

Парвардигор Кришна бу оламда намоён бўлган пайтда "Бхагавад-гита"да айтилган *бхакти-йога* қонун-қоидалари бузилиб кетган эди. Шунинг учун Парвардигор Ўзининг яқин дўсти ва содиқ хизматкори бўлган Аржундан бошлаб янги шогирдлар силсиласини ўрнатиши лозим эди. Парвардигор Аржунга очиқ айтяптики, фақат яқин дўсти ва содиқ хизматкори бўлгани учунгина у "Бхагавад-гита"да айтилган қонун-қоидаларни ўзлаштира олади. Бошқача қилиб айтганда, **Худонинг дўсти ва содиқ хизматкори бўлмай туриб "Бхагавад-гита" таълимотини тушунишнинг иложи йўқ.** Бундан яна шундай хулоса чиқариш мумкинки, фақат Аржундан ўрнак олиб, унинг изидан бораётган шогирдларгина "Бхагавад-гита" таълимотини англай оладилар.

Ҳозирги даврда на Кришна билан, на Аржун билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигига қарамай, кўпчилик одамлар "Бхагавад-гита"да нозил қилинган ана шу улғувор илоҳий суҳбат мазмунини ўзларича талқин қилишга уринадилар. Улар "Бхагавад-гита"нинг шеърларига ўзларича изоҳ берадилар, ана шу буюк муқаддас китобнинг мартабасини, обрўсини ниқоб қилиб олган ҳолда ўзларининг ҳар хил аҳмоқона ғояларини илгари сурадилар. Ана шундай шарҳловчилар қалбида на Шри Кришнага, на Унинг мангу даргоҳига ишонч, имон йўқ. Шундай экан, қандай қилиб улар одамларга "Бхагавад-гита"нинг маъносини тушунтира оладилар?

"Бхагавад-гита"(7.20)да аниқ айтилганки, фақат калтафаҳм, бефаросат одамларгина фаришталарга сиғинадилар. "Бхагавад-гита"нинг охирида Кришна ҳар бир инсонга, сиғинишнинг ҳар қандай йўл ва усулларини тарқ этиб, ўз ихтиёрини фақат Унга топширишни маслаҳат беради. Фақат барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлган кишининг қалбида Худо Шахсига, ягона Парвардигорга ана шундай ўзгармас, чуқур иймон ҳосил бўлади. Бошқа одамлар эса, ҳар хил бемаъни диний урф-одатларга, ақидаларга амал қилиб, моддий оламда саргардон бўлиб юраверадилар, шу боис сиғиниш йўлларининг ҳаммаси, ҳар қандай диний амаллар ҳам инсонни ягона бир мақсадга - Худонинг даргоҳига олиб боради, деб тўғри йўлдан адашадилар.

Ушбу мантрада олий сабабчига сиғинишни англадиган *самбхават* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Кришна азалий, бошланғич Худонинг Олий Шахси, бутун борлиқ Ундан тарқалган. "Бхагавад-гита"(10.8)да Парвардигор "Бутун борлиқнинг, шу жумладан Браҳма, Вишну ва Шиванинг ҳам яратувчиси - Менман" деб айтган. Моддий оламдаги ана шу уч асосий Илоҳни яратган ягона Парвардигор

Кришна бўлгани учун У бутун борлиқнинг - ҳам моддий, ҳам рухий оламнинг яратувчиси ҳисобланади.

"Атхарва-веда"да ҳам шундай дейилган: "Маъбуд Брахма пайдо бўлмасдан олдин айнан Шри Кришна мавжуд эди ва У Брахмага Ведалар илмини ўргатди. Худонинг Олий Шахси тирик мавжудотларни яратишни истади, Нарайана барча тирик мавжудотларни дунёга келтирди. Нарайанадан Брахма туғилди. Нарайана барча Праджапатиларни яратди. Нарайана Индрани яратди. Нарайана саккиз Васуни яратди. Нарайана ўн бир Рудрани яратди, Нарайана ўн икки Адитйани яратди". Нарайана - Парвардигор Кришнанинг тўла намоён бўлган киёфаси, шунинг учун Кришна билан Нарайана иккиси бир Зот. Бошқа бир муқаддас китобларда ягона Парвардигор - Деваки билан Васудеванинг ўғли, деб кўрсатилган. Гарчи вайшнавлар сампрадайасига мансуб бўлмаса ҳам, Шрипада Шанкарачарйа ҳам Кришнанинг бу оламда Деваки билан Васудеванинг ўғли бўлиб туғилганини ва У аслида Нарайана билан бир Зот эканини тасдиқлайди. "Атхарва-веда"да шундай гаплар бор: "Аввалига Брахма ҳам, Шива ҳам, Агни(олов) ҳам, сув ҳам, юлдузлар ҳам, Қуёш ҳам, Ой ҳам йўқ эди, фақат Нарайана бор эди. Парвардигор ёлғиз бўлиб қолмайди. У Ўз истаги билан оламни яратади".

"Мокша-дхарма"да шундай дейилган: "Мен барча Праджапати ва Рудраларни яратдим, улар Мени тўла англай олмайдилар, чунки улар ҳам Менинг алдамчи қувватим билан қопланганлар".

"Вараха-пурана"да шундай дейилган: "Нарайана Худонинг Олий Шахсидир. Ундан тўрт каллали Брахма, кейин эса, ҳамма нарсани биладиган зот бўлган Рудра дунёга келган".

Шундай қилиб, барча муқаддас китобларда тасдиқланганки, Нарайана, яъни Кришна - барча сабабларнинг олий сабабчиси. "Брахма-самхита"да ҳам айтилганки, Шри Кришна - ягона Парвардигор. У - *Говинда*, яъни "барча тирик мавжудотларга қувонч бағишлайдиган ва барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган Зот". Ҳақиқий илмга эга бўлган одамлар бу маълумотларни буюк донишмандлардан тинглаб ва Ведалар орқали билиб олганлар, шу боис бутун борлиқнинг манбаи бўлган Парвардигор Кришнага сиғинишга қарор қилганлар.

Фақат Шри Кришнага сиғинишга боғланган кишини *будха*, яъни "ҳақиқий илмга эга бўлган билимдон киши" деб атайдилар. Моддий оламнинг қарама-қаршиликлари безовта қилолмайдиган вазмин, хотиржам ачарйанинг, ҳақиқий рухий устознинг илохий хабарини чуқур иймон ва муҳаббат билан тинглаш орқали инсон ана шундай *будха* поғонасига кўтарила олади. Қалбида Кришнага ишонч, иймон, муҳаббат бўлмаган киши мана шу оддий ҳақиқатни тушунишга қодир эмас. "Бҳагавад-гита"(9.11)да имонсиз одамлар *мудха*, яъни "эшакдай аҳмоқ одам"лар деб аталган. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, мудхалар(эшаксифат одамлар) Худо Шахсининг устидан куладилар, чунки улар фақат хотиржам, вазмин *дхира* табиатли рухий устоз беришга қодир бўлган мукамал илмга эга эмаслар. Моддий қувватнинг намоён этган ҳар хил кўринишлари ўз таъсирини ўтказиб, хотиржамлигини буза оладиган киши *ачарйа*, яъни, ҳақиқий рухий устоз бўла олмайд.

"Бҳагавад-гита" илмини тингламасдан аввал Аржунни моддий қувватнинг таъсири остида оиласига, табақасига, жамиятга боғланиш туйғуси мувозанатдан чиқариб юборган эди. Шунинг учун у филантроп(инсонпарвар) бўлишни, яъни, бирор тирик мавжудотга зарар етказмаслик қондасига амал қилиб яшайдиган оддий инсон бўлишни истаган эди. Аммо, Олий Шахсдан "Бҳагавад-гита"да нозил қилинган Ведалар илмини тинглаб, *будха* даражасига эришиб, у ўз қарорини ўзгартирди ва Кришна онгига эга бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қила бошлади. Кришнанинг режаси бўйича Курукшетрада қирғинбарот жанг бўлиши керак эди. Ўз қариндошларига қарши жанг қилиш билан Аржун Худо Шахсига сиғина бошлаган, шу тарзда Парвардигорнинг асл содиғи бўлган эди. Инсон "Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам"да нозил қилинган Кришна ҳақидаги илм сирларидан беҳабар ғофил одамлар ўйлаб топган сохта, хаёлий "Кришна"га эмас, балки, фақат ҳақиқий Кришнага сиғингандагина ана шундай юксак рухий поғонага кўтарила олади.

"Веданта-сутра"га асосан *самбхута* - бутун борлиқнинг пайдо бўлишининг ва мавжуд бўлиб туришининг манбаи ҳамда яқсон бўлгандан кейин бутун борлиқ макон топадиган Зотдир. "Шримад Бҳагаватам" - "Веданта-сутра"нинг муаллифининг бевосита ўзи яратган, "Шримад Бҳагаватам"га ёзилган изох сифатида яратилган асар. Унда айтилганки, бугун борлиқнинг манбаи жонсиз бир тош бўлиши мумкин эмас. У - *абхиджнах*, мукамал онгга эга бўлган Зот. Шунинг учун ҳам бошланғич Парвардигор, Шри Кришна "Бҳагавад-гита"(7.26)да айтадики, У ўтмиш, ҳозир ва келажак ҳақида мукамал илмга эга ва ҳеч ким, шу жумладан Шива, Брахма сингари фаришталар ҳам Уни тўлиқ билмайдилар. Моддий ҳаётнинг ўткинчи ташвишлари безовта қилиб, мувозанатдан чиқариб юборадиган ғофил одамлар Худони тўла англаб етолмайдилар. Ана шундай чаласавод рухий устозлар "ҳалқ ёки бугун инсоният - одамлар сиғиниши лозим бўлган зотдир" деб эълон қилиш билан ўзларига таскин беришга уринадилар. Улар бундай сиғинишнинг бўлиши мумкин эмаслигини ҳам, одамларнинг аксарият кўпчилиги баркамоллик даражасига етмаган гуноҳкор зотлар эканини ҳам тушунмайдилар. Бундай қилишга уриниш худди дарахтни суғориш учун унинг илдизига сув қуйиш ўрнига шоха ва барглари ювишдай бир гап, холос. Дарахтни суғоришнинг табиий усули - шоха ва барглари ўсиб турган дарахтнинг илдизига сув қуйишдан иборат, аммо ҳозирги даврдаги ҳамиша хавотир остида юрадиган йўлбошчилар кўпроқ дарахт баргларига боғланиб қолганлар, шу боис баргларга қуйилаётган шунча сувларга қарамай, сув етишмаганидан бутун дарахт қуриб боряпти.

"Шри Ишопанишад"да ана шу дарахтнинг илдизига, барча шохалар манбаига сув қуйиш тавсия қилинган. Тана эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлган "инсониятга сиғиниш усули" мукамал сиғиниш усули бўлолмайди ва у руҳга сиғинишчалик муҳим эмас. Рух - карма қонунлари, яъни, моддий сабаб ва оқибатлар асосида турли кўринишдаги таналарни белгилайдиган илдиз ҳисобланади. Агар биз тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, таълим олиш учун ҳар хил имкониятлар яратиш сингари амалларни бажариш орқали одамларга хизмат қилсагу, айна пайтда минглаб кушхоналарда

шафкатсизлик билан бахтиқаро беозор жониворларнинг қонини оммавий равишда тўкиб юрсак, буни барча тирик мавжудотлар учун ҳақиқатан ҳам фойдали бўлган сиғиниш усули деб бўлмайди.

Тирик мавжудот ҳамшиша ҳар хил кўринишдаги таналарда туғилиш, кексалик, касаллик ва ўлим келтирадиган мусибатлардан азоб чекиб юради. Инсон ҳаёти - моддий тирикчилик чангалидан кутулиш имконини берадиган нодир имконият ҳисобланади. Бунинг учун инсон ўзининг Худо Шахси билан бўлган ўзаро мангу, бошланғич муносабатларини қайта тиклаб олса, бас. Ўз ихтиёрини Худога топшириш (*самбхута*) таълимотини ўргатиш учун Парвардигорнинг Ўзи бу оламга таширф буюради. **Инсониятга ҳақиқий хизмат қилиш** - одамларга ўз ихтиёрини Худога топширишни, бутун куч-қувватини ишга солиб, муҳаббат билан фақат Унга сиғиниш лозимлигини тарғибот қилишдан иборат. "Шри Ишопанишад"нинг ўн учинчи мантрасида берилган насихатнинг маъноси шундан иборат.

Худо Шахсининг буюк кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, уларни шарафлаб куйлаш - Худога сиғинишнинг энг осон тури бўлиб, атайлаб ҳозир биз яшаб турган даврда яшайдиган одамлар учун тавсия қилинган. Лекин сафсатабоз файласуфларнинг фикрига кўра, Худо Шахсининг кўрсатган кароматлари - шунчаки ҳаёлан тўкиб чиқарилган афсоналардир, шу боис улар бу илохий ҳикояларни тинглашдан бош тортиб, содда одамларнинг эътиборини қозониш учун ўзларича кўплаб бемаъни, лекин жимжимадор жумлаларни ўйлаб топадилар. Парвардигор Кришнанинг кўрсатган илохий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ўрнига улар содда одамлар олдида ўзларининг билимдонлигини кўз-кўз қилиб, ғофил издошларини ўзларининг чаласавод рухий устозларини кўкларга кўтариб олқишлашга мажбур қиладилар. Охириги пайтларда ана шундай иккиюзламачилар жуда кўпайиб кетган, шу боис Худонинг асл содиқлари учун ғофил одамларни ана шундай иккиюзламачи чаласавод диндорларнинг худобехабар, нотўғри, сохта ғояларидан ҳимоя қилиш тобора қийинлашиб борапти.

Упанишадалар бизларнинг эътиборимизни билвосита бошланғич, азалий Парвардигорга, Шри Кришнага қаратади, барча Упанишадаларнинг квинтэссенцияси (қаймоғи) бўлган "Бхагавад-гита" эса, бизга бевосита Кришнанинг Ўзини кўрсатади. Шунинг учун фаросатли инсон "Бхагавад-гита" ва "Шримад Бхагаватам"да берилган Кришна ҳақидаги маълумотларни диққат билан тинглаши лозим, шунда унинг ақли аста-секин барча иллатлардан поклана боради. Жумладан "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: "Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш билан Худонинг содиқ хизматкори Унинг эътиборини ўзига жалб этади. Шундай қилиб, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор унга ҳар хил кўрсатмалар бериб, унинг Худони англаб етишига ёрдам беради". Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"(10.10)да ҳам тасдиқланган.

Содиқнинг ичдан Парвардигордан олган кўрсатмалари унинг қалбини моддий эҳтирос ва ғафлат гуналари иллатидан поклайди. Имонсиз атеист, даҳрийлар бутунлай эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида юрган одамлардир. Эҳтирос

инсоннинг дунёвий нарсаларга бўлган моддий боғланиш туйғусидан халос бўлишига тўсқинлик қилади, ғофиллик эса, унинг рухий ўзлигини ҳамда Худони ҳақиқатан ҳам англаб етишига имкон бермайди. Шундай қилиб, ўзини диндор, буюк такводор инсон қилиб кўрсатишга қанчалик зўр бериб уринмасин, эҳтиросга берилган киши ҳеч қачон рухий ўзлигини, ҳақиқий "мен"ини англаб етишга кодир бўлолмайди. Ўз ихтиёрини Худога топширган содиққа эса, Худонинг марҳамати билан эҳтирос ва ғафлат гуналари ўз таъсирини ўтказмай кўяди, шунда унинг ҳаёти бутунлай эзгулик гунасига кўтарилади, бу эса, мукамал *браҳман* ҳолатидир. Агар ҳақиқий рухий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан борса, ҳар қандай инсон ҳам ана шундай юксак поғонага, *браҳман* поғонасига кўтарилса олади. "Шримад Бхагаватам"(2.4.18)да айтилганки, Худонинг асл содиқ хизматкори раҳбарлиги остида ҳар қандай паст табақага мансуб мавжудот ҳам поклана олади, чунки Парвардигор ҳар нарсага кодир қудратли Зотдир.

Инсон браҳманларга хос бўлган фазилатларга эга бўлганида ўз ҳаётидан тўла мамнун бўлиб, ихлос ва иштиёқ билан Худога садоқат билан хизмат қилиб бахтиёр яшайди. Худо ҳақидаги илм унга ўзидан-ўзи очила бошлайди. Худо ҳақида мукамал илмга эга бўлиб, у аста-секин дунёвий боғланишлардан халос бўла боради, Худонинг марҳамати билан унинг беҳаловат, нотинч ақли кристаллдай мусаффо, беғубор бўлиб покланади. Ана шундай поғонага кўтарилган содиқ хизматкор рухий озодликка чиққан руҳ бўлиб, ҳамшиша ҳамма жойда, ҳамма нарсада ягона Парвардигорни кўриб юради. Бу мантрада мукамал *самбхавата* ана шундай таърифланган.

Ўн тўртинчи мантра

*самбхутим ча винашам ча
йас тад ведобхайам саха
винашена мритийум тиртва
самбхутийамритама ашнута*

"Инсон Худо Шахсини ва Унинг илохий номини, шунингдек, ўткинчи фаришталари, одамлари ва ҳайвонлари билан бирга вақтинча намоён бўлиб турган бу моддий оламни мукамал билиши лозим. Шунини билиб олгандан кейин у ажал балосини четлаб ўтади ва Худонинг мангу даргоҳида илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётдан мангу лаззатланиб яшаш учун бу ўткинчи дунёдан юқори кўтарилади".

Изоҳ: Моддий илм-фан тараққиёти шарофати билан ҳозирги даврда атом қуввати ва космик кемалар сингари жуда кўп замонавий моддий кашфиётлар яратилган. Лекин бу кашфиётлар инсонни, одамларни ўлишдан, яна туғилишдан, кексайишдан ёки касалликлар сабабли юзага келадиган мусибатлардан халос эта олгани йўқ. Ҳар гал бирор фаросатли инсон замонавий олимларга ҳаётнинг ана шу ҳақиқий муаммолари ҳақида савол берганида, улар усталлик билан аравани қуруқ олиб қочиб, дунёвий илм-фан жуда тез ривожланиб бораётгани, вақти келиб келажакда инсонни ўлимдан, кексайишдан халос қилиш имконияти албатта туғилиши ҳақида гапирадилар. Бундай жавоблари билан олимлар

аслида ўзлари моддий табиат қонунларидан мутлақо беҳабар бўлган ғофил одамлар эканини фош этадилар. Моддий оламда ҳамма нарса табиатнинг муқаррар қонунига бўйсунмишга маҳкум, шу боис мавжудликнинг олти поғонасидан албатта ўтиши шарт: туғилиш, ўсиш, мавжуд бўлиб туриш, ўзгариш, сўлиш ва ўлиш. Моддий табиат билан боғлиқ бўлган бирор мавжудот моддий табиатнинг мана шу олти қонунини четлаб ўта олмайди. Шунинг учун ҳеч ким - на бирор фаришта, на бирор инсон, на бирор ҳайвон, на бирор ўсимлик - бу моддий оламда мангу яшай олмайди.

Ҳар хил ҳаёт турларида тирик мавжудот умрининг узунлиги турлича бўлиши мумкин. Бу коинотдаги бош фаришта бўлган маъбуд Браҳма кўп миллион йиллар, кўзга кўринмас кичкина микроб эса - бир неча соат умр кўради, лекин гап бунда эмас. Моддий оламда ҳеч ким мангу яшай олмайди. Бу ердаги ҳамма нарса маълум бир шароитларда туғилади ёки яратилади, қандайдир вақт давомида мавжуд бўлиб туради, агар бирор тирик мавжудот бўлса, у ўсиб-улғаяди, ўздан насл қолдиради, аста-секин сўла бошлади ва ниҳоят яқсон бўлади. Ана шу қонун асосида ҳатто Браҳмалар ҳам (моддий оламда коинотнинг ўлчамларига қараб, бир-биридан фарқ қиладиган миллионлаб Браҳмалар бор) эртами-кечми барибир ўлимга маҳкум. Шу боис бутун моддий олам *мартйалока*, яъни "ажал макони" деб аталади.

Дунёвий олимлар ва қалтафаҳм сиёсатчилар коинотни ўлмайдиغان, мангу барҳаёт қилишга уриниб юрибдилар, чунки, етук илоҳий тажрибага асосланган донишмандлик илми бўлган Ведалар адабиётидан беҳабар бўлгани сабабли, улар мангу руҳий олам ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Ҳозирги даврдаги одамлар муқаддас Ведаларда, Пураналарда ва бошқа муқаддас китобларда берилган илмни ўрганишни истамайдилар.

"Вишну-пурана"(6.7.61)дан биз биламизки, Худо Шахси, Парвардигор Вишну *пара*(олий) ва *апара*(қуйи) деб аталадиган ҳар хил қувватларга эга. Ҳозирги ҳолатимизда бизга ўз таъсирини кўрсатиб турган моддий қувват *авидйа*, "қуйи қувват" деб аталади. Мана шу қувват моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Лекин бошқа, *пара-шакти* деб аталадиган олий қувват ҳам мавжуд, у қуйи, моддий қувватдан бутунлай фарқ қилади. Ана шу олий қувват "Парвардигорнинг туғилиш ва ўлим бўлмаган мангу мавжуд руҳий олами" деб аталади (Б.г.8.20).

Барча моддий сайёралар - қуйи, ўрта ва олий сайёралар, шу жумладан Қуёш, Ой ва Венера сайёралари ҳам, - бутун коинот бўйлаб жойлашган. Уларнинг ҳаммаси фақат маъбуд Браҳманинг умри давомида мавжуд бўлиб туради. Баъзи бир қуйи сайёралар Браҳманинг ҳар бир қунининг охирида яқсон бўлиб туради, Браҳманинг қундузи бошланганида эса, яна қайтадан яратилади. Олий сайёраларда вақт ҳисоби Ердагидан бошқача ҳисоб билан ўлчанади. Бизларнинг бир йилимиз кўпчилик олий сайёраларда бир суткага тенг. Ер юзида ўтадиган тўрт *юга* - Сатя, Трета, Двапара ва Кали-юга даврига тенг вақт(4.320.000йил) - олий сайёралардаги вақт ўлчови бўйича атиги 22.000 йилу 5 ой давом этади. Ана шу вақтни мингга кўпайтирсак – маъбуд Браҳманинг бир қунига тенг бўлади, унинг туни ҳам шунча вақт давом этади. Ана шундай қун ва тунлардан иборат бўлган ойлар, йиллар ўтади.

Шундай ҳисоб билан маъбуд Браҳма юз йил умр кўради. Унинг умрининг охирида эса, намоён бўлган коинот бутунлай яқсон бўлади.

Браҳманинг туни кирганда Қуёш ва Ой сайёрасида яшайдиган тирик мавжудотлар, шунингдек *мартйалока* сайёралар тизими(Ер ва ундан қуйида турган сайёралар)даги тирик мавжудотларнинг ҳаммаси коинот уммонига фарқ бўладилар. Ана шу вақт давомида бирор тирик мавжудот, бирор ҳаёт шаклида намоён бўлган ҳолда мавжуд бўлмайди, лекин уларнинг руҳий мавжудлиги давом этаверади. Ана шу моддий жиҳатдан намоён бўлмаган ҳолат *авйакта* деб аталади. Браҳманинг умрининг охирида бутун коинот яқсон бўлганида ҳам *авйакта* ҳолати юзага келади. Лекин ана шу намоён бўлмаган ҳолатнинг икки тури билан бир вақтда бошқа, мангу мавжуд бўлган сон-саноксиз сайёралардан иборат руҳий олам ҳам мавжуд бўлиб, у мангу, ҳатто коинотдаги барча сайёралар яқсон бўлганда ҳам мавжуд бўлиб тураверади.

Ҳар хил Браҳмалар ҳукмронлик қиладиган космик моддий олам Парвардигорнинг қувватининг атиги тўртдан бир қисмини ташкил этади ва бу қувват "қуйи қувват" деб аталади. Маъбуд Браҳма ҳукми остида бўлмаган руҳий табиат *три-пада-вибхута* (Парвардигорнинг қувватининг тўртдан уч қисми) деб аталади. Ана шу - олий қувват, *пара-пракрити* деб аталади.

Рухий оламда ҳукмронлик қилувчи Олий Шахс Шри Кришна ҳисобланади. "Бҳагавад-гита"(8.22)да тасдиқланганидай, Унга фақат Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида яқинлашиш мумкин, бошқа бирор усул - на *гйани*(Худони фалсафий йўл билан излаш), на *йога*(сеҳр қудратига эга бўлиш усули), на *карма*(натижасидан лаззатланиш учун фаолият кўрсатиш усули) - бу мақсадга эришишда ёрдам бера олмайди.

Кармилар, яъни, ўз меҳнатидан бирор манфаат кўриш учун ишлайдиган одамлар Сварғалока сайёраларигача, шу жумладан, Қуёш ва Ой сайёраларигача кўтарилишлари мумкин. Гйанилар ва йоглар Браҳмалока сингари олий сайёраларгача кўтарила оладилар, лекин, агар улар Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали ўз илмини, тажрибасини оширсалар - руҳий оламга киришга, руҳий оламнинг ёруғ нури(Браҳман)га ёки эришган руҳий даражасига мос равишда Ваикунтха сайёраларига кўтарилишлари мумкин. Лекин, шубҳа йўқки, Худога садоқат билан хизмат қилиш тажрибасига эга бўлмай туриб, ҳеч ким Ваикунтҳанинг мангу руҳий сайёраларига кўтарила олмайди.

Моддий оламдаги сайёраларда ҳамма – маъбуд Браҳмадан бошлаб, то энг кичик ҳашаротгача, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилади. Мана шу истак - "моддий иллат", "моддийлик касали" деб аталади. Токи тирик мавжудот ана шу иллатга чалинган нопок, касал ҳолатда экан, у гоҳида инсон, гоҳида фаришта, гоҳо ҳайвон танасига эга бўлиб, бу дунёда такрор ва такрор тана алмашлаб юришга мажбур бўлади ва охир-оқибатда коинотнинг **икки турли яқсон бўлиш жараёни**да - ҳар гал Браҳманинг туни кирганида(1) ва Браҳманинг умри тугаганида(2) - намоён бўлмаган мавҳум ҳолат орқали ўтиши керак бўлади. Агар биз туғилиш ва ўлишларнинг ана шу жараёнини биратўла тўхтатишни ҳамда бу жараён билан боғлиқ бўлган кексалик ва касалликлар азобидан биратўла халос бўлишни истасак, ҳар

бирида Кришна Ўзининг тўла намоён бўлган кийфалари орқали ҳукмронлик қилаётган мангу рухий сайёраларга кўтарилишимиз лозим.

Ҳеч ким Кришнага ҳукмронлик қила олмайди. Моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилиб юрган зотни моддий табиат қонунларига бўйсуниб яшайдиган ва бетиним туғилиш ва ўлишлар азобига мубтало бўлган "шартланган рух" деб атайдилар. Парвардигор бу оламга ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш учун келади, уларнинг энг асосийси - инсон қалбида ўз ихтиёрини Кришнага топшириш истагини ривожлантиришдан иборат. Парвардигорнинг "Бхагавад-гита"нинг якуни(18.66)да инсониятга берган насиҳати шундан иборат. Аммо, нодон одамлар усталик билан бу насиҳатни ўзларига маъқул келадиган кўринишда талқин қилиб, ҳар хил йўллар билан ғофил одамларни тўғри йўлдан адаштирадилар. Улар одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали мангу рухий оламга эришиш ҳақида ўйламаслик, бунинг ўрнига ҳар хил шифохоналар очиш лозимлиги ҳақида гапирдилар. Улар одамларни фақат вақтинчалик энгиллик келтирадиган дунёвий фаолият билан қизиқишга ўргатяптилар, маълумки бундай фаолият ҳам, вақтинчалик энгилликлар ҳам, ҳеч қачон инсонга мангу, ҳақиқий бахт келтира олмайди. Табиатнинг ҳамма нарсани яқсон қилувчи бешафқат кучларини жиловлаб олиш учун одамлар ҳар хил ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар тузадилар. Лекин улар табиатнинг энгилмас қудратли кучларини қандай қилиб тинчлантириш йўлини билмайдилар.

Ҳозирги даврда жуда кўп сафсатабоз одамларни "Бхагавад-гита билимдонлари" деб кўкларга кўтариб мактайдилар, аммо ана шу билимдон одамлар "Бхагавад-гита"да берилган, моддий табиат ҳукмронлиги остидан қутулиш учун тавсия қилинган ҳақиқий самарали усулни кўра олмайдилар. "Бхагавад-гита"(7.14)да аниқ айтилганки, қудратли моддий табиат ҳукмронлигидан халос бўлишнинг ягона усули - инсон қалбида Кришна онгини уйғотишдан, қайта-тиклашдан иборат.

Лекин, "Шри Ишопанишад"нинг ушбу мантрасида айтилганки, ҳар бир инсон бир вақтнинг ўзида ҳам *самбхутини*, ҳам *винашани* яхши билиб олиши лозим. Фақат *винаша*, яъни "вақтинчалик намоён бўлган моддий олам"ни билиб олиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, чунки табиатда ҳамма нарса ҳамиша яқсон бўлиб, емирилиб туради. Шифохоналар қуриш билан ҳеч кимни табиатнинг ана шу яқсон қилувчи кучлари таъсиридан химоя қилиб бўлмайди. Инсон фақат илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳақидаги илоҳий илмга эга бўлгандагина моддий олам тутқунлигидан мангу озодликка эриша олади. Ведалар маданиятига асосланган жамият тизими одамларга ана шу мангу ҳаётга эришиш санъатини ўргатишга қаратилган. Одатда одамларни турли кўринишдаги ҳиссий лаззатлар ваъда қиладиган жисмларнинг вақтинчалик жилвалари йўлдан адаштириб кўяди. Лекин, инсониятга хизмат қилишнинг одамларни мангу саодатга элтувчи тўғри йўлдан адаштирадиган бундай турлари аслида уларнинг тубанликка юз тутишига сабаб бўлади.

Биз қалбимизга **яқин одамларга ҳақиқий озодликка, мангу бахтга эришиш йўлини кўрсатишимиз лозим.** Ҳақиқат йўли кимгадир ёқиши ёки ёқмаслиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизга ёқадими, ёқмайдими - Ҳақиқат ҳамиша

мавжуд бўлиб қолаверади. **Агар биз бу дунёдаги бетиним туғилиш ва ўлишлар азобидан биратўла қутулишни истасак - Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб яшашимиз лозим.** Бу ерда қандайдир иккиланиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, чунки бу - инсон ҳаётидаги энг муҳим ва асосий муаммодир.

Ўн бешинчи мантра

*хиранмайена патрена
сатйасйапихитам мукхам
тат твам пушанн апаврину
сатйа-дхармайа дриштайе*

"Эй барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб турган азиз Парвардигор! Сенинг ҳақиқий жамолинг Ўзингдан таралиб турган кўзни қамаштирувчи ёғду билан тўсиб қўйилган. Ана шу тўсикни олиб ташлаб, содиқ хизматкорингга Ўз(жамол)ингни намоён қил!"

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(14.27)да Парвардигор Ўзининг танасидан таралаётган, *браҳмажйоти* деб аталадиган кўзни қамаштирувчи ёғдуни шундай таърифлайди: *браҳmano хи пратиштхахам амритасйавйайасйа ча шашватасйа ча дхармасйа сукхасйаикантикасйа ча* "Ўлмас, емирилмас, мангу, олий бахтнинг бошланғич ҳолати бўлган шахсиятсиз **Брахманнинг асоси - Мен бўламан**".

Брахман, Параматма ва Бхагаван - ягона Мутлақ Ҳақиқатнинг уч кўринишидир. Рухий юксалиш йўлига энди кирган одамлар Браҳманни осон тушуна оладилар. Мутлақ Ҳақиқатнинг Параматма кўринишини - рухий юксалиш йўлида анча тажрибага эга бўлган кишилар англай оладилар. Бхагаван, Худонинг Олий Шахсини англаш - Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг энг олий поғонаси ҳисобланади. Бу ҳақиқат «Бхагавад-гита»да тасдиқланган, унда Парвардигор: **"Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий даражада намоён бўлган Бхагаван кўриниши ҳам, браҳмажйотининг манбаи ҳам, ҳамма ерда мавжуд Параматманинг манбаи ҳам Мен бўламан"** - дейди.

«Бхагавад-гита»(10.42)да Кришна Браҳмажйотининг, яъни, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишининг манбаи эканини айтади. Шу ерда У айтадики, Ўзининг чексиз имкониятларини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ: Ўзининг тўлиқ намоён бўлган кўринишларидан бири - ҳамма жойга сингиб кетган Параматма ёрдамида У бутун моддий оламни қўллаб-қувватлаб туришини билишнинг ўзи кифоя. Парвардигор бутун рухий оламнинг ҳам мавжудлигини таъминлаб туради. Шунинг учун "Шри Ишопанишад"нинг *шрути-мантр*асида Парвардигорга *пушанам*, яъни "барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб турувчи Зот" деб мурожаат қиладилар.

Шри Кришна, Худо Шахси ҳамиша илоҳий лаззат(*анандамайо "бхйасат"*) ҳолатида бўлади. 5000 йил аввал Ҳиндистонда, Вриндаванда бўлган пайтида У Ўзининг болаликдаги эрмакларининг бошиданоқ ҳамиша илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб юрганди. Ҳар хил иблисларни, масалан, Агха, Бака, Пугана ва Праламбасураларни ўлдириш - Унинг учун шунчаки лаззатли эрмаклар эди. У Ўзининг онаси, акаси, қишлоқдаги дўстлари даврасида лаззатланиб яшарди,

У шўх, ўйинқарок қаймоқ ўғриси ролини ўйнаганида эса, Вриндаванликларнинг ҳаммаси У билан бирга Унинг илоҳий ўғирликларидан чексиз лаззат олардилар. Вриндаванликлар ҳаммаси Уни эркалаб "қаймоқ ўғриси" деб атардилар, улардан бирортаси бу сўзларни қандайдир ёқимсиз, ёмон маънода ишлатмасди. Уни "қаймоқ ўғриси" деб атаганда содиқлар Унинг шундай эрмаклари билан Ўзининг асл содиқларига бахш этаётган чексиз илоҳий лаззатларини назарда тутардилар. Парвардигор Вриндаванда қандай кароматлар кўрсатган бўлса ҳаммасини атрофидаги содиқларига лаззат бағишлаш учун қилган эди. Мутлақ Ҳақиқатни излаб топишга уриниб юрган хатха-йогларнинг, сафсатабоз файласуфларнинг эътиборини Ўзига қаратиш учун Парвардигор бу дунёда Ўзининг ана шундай илоҳий эрмакларини намоеён этган.

Парвардигорнинг болаликдаги эрмаклари ва Унинг подачи-дўстлари ҳақида Шукадева Госвами "Шримад Бҳагаватам"да шундай деган(10.12.11):

*иттхам сатам Браҳма-сукханубхутйя
дасйам гатанам пара-даиватена
майашританам нара-даракена
сакам виджахрух крита-пунйя-пунджах*

"Шахсиятсиз, лаззатга тўла Браҳман сифатида англаш мумкин бўлган, содиқлар "ягона Парвардигор" деб сиғинадиган, ғофил одамлар "оддий одам" деб ҳисоблайдиган Худонинг Олий Шахси ҳозир аввалги ҳаётларида қилган жуда кўп эзгу ишлари шарофати билан бу ҳаётида ана шундай юксак руҳий поғонага эришган подачи болалар билан бирга ўйнаб юрарди".

Шундай қилиб, Парвардигор Ўзи билан турли хил илоҳий муносабатларда бўлган мангу ҳамроҳлари билан биргаликда ҳамиша илоҳий муҳаббатга тўла лаззатли фаолият билан машғул бўлиб юради. Парвардигор билан тирик мавжудотларнинг ўзаро муносабатлари беш тоифага бўлинади: *шанти* (нейтрал, дахлиз, бетараф); *дасйя*(хўжайин ва хизматкор); *сахйя*(дўстлик); *ватсалйя*(ота-она ва фарзанд); *мадхурйя*(ошиқ-маъшуклар).

Муқаддас китобларда: **"Парвардигор ҳеч қачон Вриндавана-дхамани ташлаб кетмайди"** дейилган экан, албатта: "Ундай бўлса, қандай қилиб У бутун борлиқ ишларини бошқариб туради?" - деган ўринли савол туғилади. Бу саволга жавоб «Бҳагавад-гита»(13.14)да берилган: *пуруша* деб аталадиган Ўзининг тўла намоеён бўлган кўринишидаги киёфасида Парвардигор бутун борлиққа сингиб кетган. Моддий оламнинг яратиш, мавжуд бўлиб туриш ва яқсон бўлиш жараёнларида Парвардигорнинг Ўзи иштирок этмайди, аммо Ўзининг тўлиқ экспансияси бўлган Параматма, Олий Рух кўринишида У мана шу жараёнларнинг ҳаммасининг олий сабабчиси бўлади. Ҳар бир тирик мавжудот - *атма*, яъни, алоҳида рух, барча рухларни бошқариб турган олий *атма* эса, - Параматма, Олий Рух деб аталади.

Худони англаш жараёни - улуғвор илмий жараён, буюк санъатдир. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган ғофил олимлар фақат моддий оламни ташкил этган 24 унсурни тахлил қилишлари, улар устида бош қотиришлари мумкин. Улар *пуруша*, яъни Худо ҳақида ҳеч қандай илмга эга эмаслар. Илоҳиётчи-имперсоналистларни эса, *Браҳмажйоти* ёғдуси алдаб, йўлдан адаштириб қўйган. Мутлақ Ҳақиқатни мукамал тўлиқ ҳолда англаб етишни истаган киши

эса, аввало 24 моддий унсурдан юқори кўтарилиши, кейин Браҳмажйотининг кўзни қамаштирадиган ёруғлигидан ҳам ўтиши лозим. "Шри Ишопанишад"даги *хиранмайя-патрани*, яъни, ана шу кўзни қамаштирадиган қобиқ, ёғдуни олиб ташлаш ҳақидаги илтижода ана шунга ишора қилинган. Токи ана шу қобиқ олиб ташланмас экан, токи инсон Худонинг Олий Шахсини асл ҳолида яққол кўрмас экан, у Мутлақ Ҳақиқатни мукамал англаб етолмайди.

Худо Шахсининг бир кўриниши бўлган Параматма - Унинг *вишну-таттва* деб аталадиган уч турли тўла намоеён бўлган экспансияларидан биридир. Парвардигорнинг Коинот ичида жойлашган *вишну-таттва* киёфаси *Киширодакашайи Вишну* деб аталади(коинотдаги асосий уч Илоҳ - Браҳма, Вишну ва Шиванинг биттаси). У - ҳар бир тирик мавжудот қалбда мавжуд бўлган Параматма. *Гарбходакашайи Вишну* - барча тирик мавжудотларнинг ягона Олий Рухи, Сабаблар уммонида ястаниб ётадиган *Каранадакашайи Вишну* эса, Улардан устун туради. У барча моддий коинотларнинг яратувчиси ҳисобланади. Йога тизимида жиддий шуғулланиб юрган сеҳргар-йоглар моддий оламни ташкил этган 24 унсур таъсирини енгиб ўтиб, сеҳрли йога қудрати билан ана шу вишну-таттваларни яққол кўра оладилар. Амалий фалсафани ўрганиш бизга Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий танасидан таралиб турган ёғду бўлган шахсиятсиз браҳмажйотини англаб етишга ёрдам беради. Бу ҳақиқат «Бҳагавад-гита»(14.27)да ва "Браҳма-самхита"(5.40)да ҳам тасдиқланган:

йасйя прабха прабхавато жагад-анда-коти-котийив ашеша-васудхади вибхути-бхиннам тад Браҳма нишкалам анантам ашеша-бхутам говиндам ади-пурушам там ахам бхаджамйи

"Миллион-миллион коинотларда сон-саноксиз сайёра-лар бор, коинотлар ичида уларнинг ҳар бирининг ўзига хос ажойиб тузилиши ва турган ҳолати мавжуд. Ана шу коинотларнинг ҳаммаси чексиз Браҳмажйоти-нинг бир бурчагида жойлашган. Ана шу Браҳмажйоти мен сажда қилиб сиғинадиган Худонинг Олий Шахсининг илоҳий танасидан таралиб турадиган, кўзни қамаштирадиган илоҳий ёғдудир".

"Браҳма-самхита"нинг мана шу мантрасида Мутлақ Ҳақиқатни мукамал билиш акс эттирилган. Биз муҳокама қилаётган "Шри Ишопанишад"нинг *ирути-мантраси* ҳам Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг тўғри йўлини кўрсатиб, бундаги ҳақиқатни тасдиқлапти. Парвардигорга қилинаётган бу оддий илтижода содиқ Ундан *Браҳмажйоти* пардасини кўтариб, унга Ўзининг ҳақиқий сиймосини кўрсатишни илтимос қилапти.

Мукамал илм - Браҳманнинг бошланғич сабабчиси нима эканини англаб етишдир. Браҳманнинг бошланғич сабабчиси - Шри Кришна, У ҳақидаги илм "Шримад Бҳагаватам" сингари муқаддас китобларда мукамал равишда баён этилган. "Шримад Бҳагаватам"нинг муаллифи Шрила Вйасадева Ўзи буни тўлиқ англаб етгандан кейин "Мутлақ Ҳақиқатни Браҳман, Параматма ёки Бҳагаван сифатида таърифлаш лозим" деган қарорга келган. Шрила Вйасадева бирор жойда Олий Ҳақиқатни *жива*, яъни, оддий тирик мавжудот деб атамаган. Ҳеч қачон оддий тирик мавжудотни ҳар нарсага кодир бўлган Олий Ҳақиқат деб қабул қилмаслик керак. Агар шундай бўлса, оддий тирик

мавжудот Парвардигорга илтижо қилиб, Ундан кўзни камаштирадиган ёруғлик - Брахмажйоти пардасини олиб ташлаб, ҳақиқий жамолини кўрсатишни сўраб ўтиришининг ҳожати бўлмасди.

Демак, шундай хулосага келиш мумкин: шахсиятсиз Брахманни англаб етган инсон Олий Ҳақиқатнинг қувватлари қандай намоён бўлишини англай олмайди. Рухий қувват ҳақида илмга эга бўлмай туриб, Худонинг моддий қувватларини англаб етиш - "Параматмани англаб етиш" деб аталади. Демак, шахсиятсиз Брахманни, Параматмани англаб етиш - Мутлақ Ҳақиқатни қисман англаб етишдир. Аммо бу мантрада айтилган *хиранмайя* пардаси кўтарилганда ва инсон Шри Кришнани, Худонинг Олий Шахсини, Унинг барча қувватларини англаб етганида, у, ҳамма Васудева деб юрган Шри Кришна аслида тўла бутун Мутлақ Ҳақиқат, яъни шахсиятсиз Брахманни, Параматмани ва Бхагаванни Ўзида мужассам қилган Зот эканини тушунади: *васудевах сарвам ити*. Ана шу Бхагаван - дарахтнинг илдизи, шахсиятсиз Брахман ва Параматма эса - Унинг шохалари.

«Бхагавад-гита»(6.46-47)да илоҳиётчиларнинг уч гуруҳи бир-бирига таққослаб таҳлил қилинади: Шахсиятсиз Брахманга сиғинадиганлар(ғйанилар), Параматмага сиғинадиганлар(йоглар) ва Шри Кришнанинг содиқлари(бхакталар). Унда, илоҳиётчиларнинг барча турлари ичида энг аълоси ведавий илмларни ўрганиб юрган донишманд ғйанилар деб айтилган. Лекин йоглар, моддий манфаат кўзлаб меҳнат қилиб юрган қармилардан, ҳатто ғйанилардан ҳам устун туради. Бор кучи билан ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши эса, йоглар ичида энг аълоси деб айтилган.

Буларнинг ҳаммасини умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин: билимдон файласуф киши ҳаётда фақат ўз манфаатини кўзлаб меҳнат қилиб юрган қармидан устун туради, йог эса - файласуфдан устун туради, барча сеҳргар-йоглар ичида эса, *бхакти-йога* йўлидан бориб, ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши энг буюк ҳисобланади. "Шри Ишопанишад" бизга ана шундай баркамоллик чўққисига эришиш йўлини кўрсатади.

Ўн олтинчи мантра

*пушанн экарше йама сурйа праджапатйа
вйуха рашмин самуха теджо
йат те рупам калйанатамам тат те паийаами
йо "сав асау пурушаҳ со "хам асми*

"Эй азиз Худойим, эй оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган азалий файласуф, эй буюк қонун-қоидалар тимсоли, эй асл содиқларнинг охирги мақсади, эй инсоният бобокалонларининг саодатманди! Илтимос, лаззатга тўла қиёфангни кўра олишим учун кўзни қамаштирадиган илоҳий нурларинг пардасини олиб ташла. Сен ҳам мен сингари, қуёшдай порлаган Худонинг мангу Олий Шахсисан".

Изоҳ: Куёш ва унинг нурлари сифат жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилмайди. Парвардигор ва тирик мавжудотлар ҳам сифат жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилмайдилар. Куёш битта, аммо унинг нурларидаги

заррачаларнинг сон-саногии йўқ. Қуёшнинг нурлари куёшнинг бир қисмини ташкил этади, куёш эса - ўзининг нурлари билан биргаликда куёш бўлиб турибди. Куёш сайёраси - куёш фариштаси яшайдиган даргоҳ ҳисобланади, худди шундай, олий руҳий сайёра, бутун борлиққа *Брахмажйоти* нурларини таратиб турган Голока Вриндаванада мангу Парвардигорнинг Ўзи яшайди. Бу ҳақиқат "Брахма-самхита"(5.29)да ҳам тасдиқланган:

*чинтамани-пракараса-садмасу калпа-врикша-
лакшавритешу сурабхир абхипалайантам
лакшми-сахасра-шата-самбхрама-севйаманам
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

"Парвардигор Кришнанинг илоҳий даргоҳи - ҳамма иморатлар фалсафа тошларидан ясалган, уйлар атрофини қўлаб орзулар дарахтлари ўраб олган даргоҳдир. Парвардигор у жойда сурабхи деб аталадиган сигирларини боқиб юради, минглаб равнақ фаришталари муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб Унинг атрофида парвона бўладилар. Мен ана шу азалий Парвардигорга сажда қилиб сиғинаман".

Кришнанинг илоҳий даргоҳи "Брахма-самхита"да батафсил таърифланган, шу асарда худди куёш сайёрасидан таралиб турган нурлар сингари, *Брахмажйоти* ҳам, Голока Вриндавандан таралиб турган илоҳий ёғду экани айтилган. Токи инсон кўзни қамаштирадиган Брахмажйоти нурларидан юқори кўтарилмас экан, у Худонинг даргоҳи ҳақида ҳеч қандай илмга эга бўлолмайди. Брахмажйотининг кучли ёғдуси кўзларини кўр қилиб қўйгани сабабли имперсоналист-файласуфлар на Парвардигорнинг илоҳий даргоҳини, на Унинг илоҳий қиёфасини англай олмайдилар. Илоҳий илми саёзлиги уларнинг Кришнанинг лаззатга тўла илоҳий сиймосини, илоҳий танасини тушунишларига тўсқинлик қилади. Шу боис "Шри Ишопанишад"нинг Парвардигорга мурожаат қилинган бу мантрасида, асл содиқ хизматкор Парвардигорнинг лаззатга тўла қиёфасини кўра олиш учун Худо Шахсидан кўзни қамаштирадиган *Брахмажйоти* пардасини олиб қўйишни илтимос қилган.

Шахсиятсиз Брахмажйотини англаб етар экан, инсон Парвардигорнинг энг саодатли, лаззатли кўринишини англаб етади. Параматмани, яъни Парвардигорнинг ҳамма жойда мавжуд қиёфасини англаш жараёнида йог бундан ҳам лаззатлироқ ҳолатга кўтарилади. Лекин, Худонинг Олий Шахси билан юзма-юз учрашганда, содиқ хизматкор Парвардигорнинг энг лаззатли кўринишини англаб етади. Бу мантрада содиқ Худонинг Олий Шахсига "азалий файласуф", "оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган Зот" сингари сифатларини эслаб мурожаат қилади, демак, Парвардигорни шахс эмас деб ҳисоблаш умуман мумкин эмас. "Шри Ишопанишад"нинг чиқарган хулосаси шундай. Айниқса *пушан* ибораси жуда муҳим, чунки барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб турар экан, Парвардигор Ўзининг содиқларига алоҳида ғамхўрлик қилади. Шахсиятсиз Брахмажйотидан юқори кўтарилиб, Парвардигорнинг шахсий кўринишини, Унинг лаззатга тўла мангу қиёфасини англаб етганида содиқ хизматкор Мутлақ Ҳақиқатни мукамал, тўлиқ англаб етган бўлади. "Бхагават-сандарбха"да Шрила Жива Госвами шундай дейди: "Худо Шахсини таниш билан киши Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англаб етган бўлади, чунки Худо

Шахси ҳар нарсага қодир ва барча илоҳий қувватлар ҳукмдоридир. Брахмажйотини англаб етиш ҳали Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англаб етиш эмас, демак, Брахманни англаш - Худо Шахсини қисман англаб етишдир. Эй билимдон донишмандлар, *Бхагаван* иборасининг биринчи бўғини икки маънони англатади: биринчиси - "ҳамма нарса билан таъминловчи Зот", иккинчиси - "қўллаб-қувватловчи Зот". иккинчи бўғин *га* - "раҳбар", "йўлбошчи" ёки "яратувчи" деган маънони англатади. *ва* бўғини - бутун борлиқдаги ҳамма нарса Унинг ичида, У эса ҳар бир мавжудот ичида эканини англатади. Бошқача қилиб айтганда, илоҳий *бхагаван* ибораси - таркибида бирор моддий иллат бўлмаган пок, чексиз илм, ҳокимият, қувват, бойлик, куч ва ҳокимликни билдиради".

Парвардигор Ўз содиқларини ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан тўлиқ таъминлаб туради ва уларнинг қалбида аста-секин Худога нисбатан мукаммал муҳаббат туйғусини ривожлантиради. Ўз содиқларининг меҳрибон йўлбошчиси сифатида У содиқларининг Худога садоқат билан хизмат қилишдан орзиқиб кутаётган орзуларини - шахсан Ўзини инъом этиб, уларни муносиб мукофотлайди. Парвардигорнинг бесабаб марҳамати билан Худонинг содиқлари Унинг жамолини кўришга муяссар бўладилар. Шундай қилиб, Парвардигор Ўзининг асл содиқларининг руҳий оламнинг энг юксак сайёраси бўлган мангу Голока Вриндаванга кўтарилишига ёрдам беради. Оламни яратувчи бўлган ҳолда Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкори охири-оқибатда Худонинг даргоҳига эриша олиши учун унга зарур бўлган барча сифатларни ато этади. Парвардигор ҳамма сабабларнинг бошланғич сабабчиси, Унинг Ўзининг мавжудлигининг бошқа бирор сабабчиси мавжуд эмас, чунки Унинг Ўзи бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси. Демак, Ўзининг шахсий қувватидан фойдаланиб, У Ўзи билан Ўзи лаззатланади.

Ташқи қувват Унинг бевосита намоён бўлган қуввати эмас, чунки У Ўзини *пуруша* экспансияларида намоён этиб кўпайтиради ва ана шу киёфалари ёрдамида моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Ана шу экспансиялари орқали У бутун моддий оламни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради, вақти келганда эса, яқсон қилади.

Тирик мавжудотлар ҳам Парвардигорнинг алоҳида экспансияларидир, уларнинг баъзилари Худонинг Ўзига тақлид қилиб хумронлик қилишни истаганлари сабабли, шу истақларини тўлиқ амалга ошира олишлари учун Парвардигор уларга моддий олам ичига кириш имконини беради. Парвардигорнинг ажралмас бўлаклари бўлган тирик мавжудотларнинг иштирок этиши намоён бўлган бу моддий оламни "*карма*(сабаб ва оқибатлар) қонуни" бўйича ҳаракатга келтиради. Шундай қилиб, тирик мавжудотларга моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш учун барча имкониятлар берилган, лекин барибир Ўзининг тўла намоён бўлган киёфаси, пурушалардан биттаси бўлган Параматма(Олий Рух) кўринишида Парвардигор ҳақиқий, олий ҳукмдор бўлиб қолаверади.

Шундай қилиб, тирик мавжудот(*жива*) ва бошқарувчи Парвардигор(*Параматма*) орасида, яъни, *атма* билан *Параматма* орасида жуда катта фарқ бор. Параматма - ҳамиша ҳукмрон, *атма* эса, ҳамиша бўйсунган ҳолатда, демак, улар ҳеч қачон бир

поғонада туролмайдилар. Параматма билан *атма* бири-бирига мос равишда, ўзаро мувофиқлашган ҳолда ҳаракат қиладилар, шунинг учун Параматма - "тирик мавжудотнинг мангу ҳамроҳи" деб аталади.

Жива-шакти(хаётий куч)нинг шартланган ва озод руҳлар кўринишида юзага келишига сабаб бўладиган Парвардигорнинг ҳамма жойда, ҳар қандай ҳолатда: сергаклик, уйку ва намоён бўлмаган(мавҳум) ҳолатларда мавжуд бўлган ҳолда намоён бўлиши - Брахман деб аталади.

Парвардигор Параматманинг ҳам, Брахманнинг ҳам манбаи ҳисобланади, шунинг учун ўзидан-ўзи маълумки, У барча тирик мавжудотларнинг ҳам, бутун борлиқнинг ҳам манбаидир. Ана шу ҳақиқатни англаб етган киши шу заҳотиёқ Худога садоқат билан хизмат қилишга киришади. Парвардигорнинг мукаммал илмга эга бўлган ана шундай асл содиқ хизматкори Унга бутун қалби билан боғланиб қолади, ана шундай содиқлар қачон бир жойга тўплансалар Парвардигорнинг илоҳий кароматларини олқишлаб куйлашдан бошқа бирор иш билан шуғулланмайдилар. Рухий баркамолликнинг асл содиқлар турган ана шундай юксак поғонасига кўтарила олмаган, ҳали Мутлақ Ҳақиқатни фақат Брахман ва Параматма кўринишида англаб етган одамлар асл содиқларнинг қилаётган ишларини тушунишга қодир эмаслар. Лекин Парвардигор Ўзининг самимий содиқларининг қалбида туриб, уларни зарур бўлган илм билан таъминлаб, ҳамиша Ўзининг асл содиқларига ёрдам бериб юради. Шундай қилиб, Ўзининг алоҳида марҳамати билан У содиқлари қалбидаги ғофиллик зулматини ёритади. Сафсатабоз файласуфлар ва сеҳргар йоглар буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар, чунки улар асосан фақат ўзларининг қобилият ва уринишларига ишонадилар. "Катхупанишад"да айтилганидай, Парвардигорни фақат Унинг марҳаматига эришган кишиларгина англаб ета оладилар, бошқа ҳеч ким бунга қодир эмас. Ана шундай алоҳида марҳаматга фақат Худонинг асл содиқларигина сазовор бўладилар. Шундай қилиб, "Шри Ишопанишад"нинг бу мантрасида гап Парвардигорнинг алоҳида марҳамати ҳақида боради, *Брахмажйоти* содиққа бундай марҳамат кўрсата олмайди.

Ўн егтинчи мантра

*вайур анилам амритам
атхедам бхасмантам шарирам
ом крато смара критам смара
крато смара критам смара*

"Майли, бу ўткинчи танам ёниб кул бўлсин, майли, ҳаёт нафасим ҳавога қўшилиб кетсин. Эй азиз Худойим, менинг Сен учун қилган барча қурбонликларимни, барча эҳсонларимни эсла, охир-оқибатда ҳамма нарса фақат Сен лаззатланишинг учун мавжудлиги сабабли, илтимос, умрим бўйи Сен учун қилган барча хизматларимни эсла!"

Изоҳ: Ҳеч қандай шубҳа йўқки, бу ўткинчи моддий тана худди устки кийимдай бир гап. «Бхагавад-гита»(2.13, 18.30)да аниқ айтилганки, моддий тана ҳалок бўлгандан кейин тирик мавжудот ўлмайди, у ўзининг алоҳида мавжудлигини йўқотмайди. Алоҳида

тирик мавжудот шахсиятсиз эмас, шакл-шамойилсиз, кифасиз ҳам эмас. Аксинча, бу моддий тананинг шакли йўқ, чунки у фақат мангу барҳаёт тирик мавжудотнинг шаклига, кифасига мос равишдагина вақтинча бирор шаклга кириб туради. Ҳеч бир тирик мавжудот ўзининг бошланғич азалий ҳолатида шаклсиз, кифасиз эмас, фақат илмсиз, ғофил одамларгина шундай деб ўйлашлари мумкин. Бу мантрада ҳам тасдиқланганки, ҳозирги танаси ҳалок бўлгандан кейин ҳам тирик мавжудот мавжуд бўлиб қолаверади, яъни, унинг ҳаёти давом этаверади.

Тирик мавжудотларни таъминлаш учун уларнинг ҳиссий лаззатланишга қай тарзда интилаётганига мос келадиган турли кўринишдаги моддий таналарни яратиш, моддий табиат бу моддий оламда ўзининг кишини ҳайратга соладиган тенгсиз санъатини намоён этади. Ҳар хил сассиқ ахлатлар билан озикланиб яшашни истаган тирик мавжудотга ана шундай ахлатларни истеъмол қилишга мослашган чўчка танаси берилади. Худди шундай, бошқа ҳайвонлар гўштини еб яшашни истаган тирик мавжудот йўлбарс танасига эга бўлади, шунда у бемалол бошқа ҳайвонларнинг қонини ичиб, гўштини еб, ўзи истаган кўринишда лаззатланиб яшайди.

Инсон танаси ҳар хил сассиқ нарсалар ёки бошқа ҳайвонлар гўшти билан озикланишга мўлжалланмаган, чунки унинг тишлари бутунлай бошқача тузилган. Бунинг устига ҳеч ким, ҳатто энг ибтидоий одамлар ҳам ахлат билан озикланишни истамайди. Инсоннинг тишлари мева ва сабзавотларни чайнашга мўлжалланган, аммо икки курак тиши унинг ҳатто гўшт истеъмол қилишига ҳам имкон беради.

Ҳар хил ҳайвонларнинг ва одамларнинг моддий таналари аслида руҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудот учун ёт нарсалардир, шу боис тирик мавжудот ҳаётдан қандай лаззат олишга интилаётганига қараб, таналарини тез-тез алмашлаб туради. Эволюцион ривожланиш жараёнида тирик мавжудот ўзининг моддий таналарини бирин-кетин алмашлаб юради. Бутун олам сув билан қопланган пайтда тирик мавжудотлар сувда яшашга мослашган танага эга эдилар, кейин тирик мавжудотлар ўсимлик шаклидаги танага эга бўлдилар, кейин тирик мавжудот хашаротлар танасига эга бўлди, кейин - қушлар танасини олди, кейин ҳайвон танасига, шундан кейин, ниҳоят, инсон танасига эга бўлдилар. Инсон танасидаги ҳаётнинг энг ривожланган поғонаси - мукаммал руҳий илмга эга бўлган комил инсон ҳаётидир. Руҳий илмнинг энг юксак поғонаси эса, Ведаларнинг мана шу мантрасида кўрсатилган: инсон охир-оқибатда ёниб кулга айланадиган моддий танасини тарк этиши, ҳаёт нафасини эса, ҳавонинг мангу маконига қўшилиб кетишига имкон бериши лозим. Тирик мавжудот танасининг ичида айланиб юрадиган, *прана-вайу* деб аталадиган ҳаво оқимларининг ҳаракати туфайли танасини ҳаракатга келтириб юради. Йўғлар асосан танаси ичидаги ана шу ҳаво оқимларини бошқаришни ўрганадилар. Бунда рух танадаги ҳаво оқимларининг бир чакраси(цикли)-дан иккинчи циклига кўтарилиб, энг юқори чакрага, *Брахма-рандхра* деб аталадиган ҳаво оқимига етиб бориши лозим. Ана шундай поғонага кўтарилган комил йог ўз хоҳиши билан танасини тарк этиб, истаган сайёрасига равона бўлиши мумкин. Бунда у бир танани тарк этиб бошқа тана ичига кириши лозим. Лекин, бу мантрада айтилганидай, инсон йога жараёнида ҳар қандай моддий танани бутунлай инкор

этгандагина ҳақиқий руҳий баркамолликка эришади. Шунда бундай комил йогда руҳий оламга кириш имконияти пайдо бўлади, руҳий оламда йог ўзининг бошланғич, азалий, ўзгармас ва ўлмас руҳий танасига эга бўлади.

Моддий оламда тирик мавжудотлар ҳиссий лаззатларнинг ҳар хил турларига интилиб юргани сабабли, моддий табиат ҳаммани тана алмаштиришга мажбур қилади. Ана шу истаклар кичкина микроб танасидан тортиб, то энг мукаммал моддий тана бўлган маъбуд Браҳма ва фаришталарнинг таналари кўринишида намоён бўлади. Барча тирик мавжудотлар турли кўринишлардаги моддий таналарга эга, фаросатли киши ҳар хил кўринишдаги таналар бирлигини эмас, балки уларнинг ичидаги руҳий бирликни, умумийликни кўра билиши керак.

Парвардигорнинг ажралмас бир заррачаси бўлган тирик рух, жон - фаришта танасидами, чўчка танасидами - қандай тана ичида бўлса ҳам, ҳамшиша бир хил, ўзгармас. Тирик мавжудот ўзининг савоб ва гуноҳ ишлари оқибатида турли кўринишдаги моддий таналарга эга бўлади. Инсон танаси ривожланишнинг энг юксак поғонасида туради, у юксак ривожланган онг эгасидир. Жуда кўп умрлар давомида ҳаёт, табиат ҳақидаги илмларни ўргангандан кейин ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган киши - инсонлар ичида **энг комил инсон**дир. Ведаларнинг хулосаси шундай. Ўз ихтиёрини Худога, Васудевага бутунлай топширишга қатъий қарор қилгандагина инсоннинг олган илми энг юқори поғонага кўтарилади. Шунга қарамай, агар инсон тирик мавжудот - аслида тўла бутуннинг бир бўлаги, шу боис ҳеч қачон ўзи тўла бутун бўла олмаслигини тушуниб етмаган бўлса, ҳатто ўзининг руҳий табиатини, рух эканини англаб етиб, Браҳмажйотига қўшилиб кетгандан кейин ҳам, яна бу моддий оламга қайтиб келишга мажбур бўлади.

Парвардигорнинг илоҳий танасидан таралаётган Браҳмажйоти руҳий заррачалардан таркиб топган. Ўзининг мавжудлигини тўлиқ англаб етишга қодир бўлган алоҳида мавжудотлар бўлган ҳолда руҳий заррачалар баъзан ўзларининг сезгиларини лаззатлантиришни истаб қоладилар, шунда уларга моддий оламдан жой берилади, бу ерда улар ўз сезгиларининг кўрсатмаси билан ўзларини сохта ҳукмдор ўрнида ҳис қилишлари мумкин. **Ҳукмронлик қилиш истаги - тирик мавжудотнинг моддий иллатидир**, ҳиссий лаззатланиш билан алданиб қолган ҳолда, тирик мавжудот моддий оламда бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. Қалбида Браҳмажйотига қўшилиб кетишга интилиш истагининг мавжудлиги ҳали унинг мукаммал илмга эга эмаслигини кўрсатади. Фақат ўз ихтиёрини Худога бутунлай топшириш ҳамда қалбида Унга садоқат билан хизмат қилиш истагини ривожлантириш орқалигина инсон энг юксак баркамоллик чўккисига эриша олади. Бу мантрада тирик мавжудот Парвардигордан моддий танасини ва моддий оламни тарк этгандан кейин Худонинг руҳий салтанатига кириш имкониятини беришини тилаб илтижо қиляпти. Содик Парвардигордан то танаси кулга айланиб кетгунга қадар бу дунёда Худо учун қилган барча ишларини, қилган эҳсонларини инобатга олишни илтимос қиляпти. Содиклар ўлими олдидан, инсон ҳаётининг олий мақсади нимадан иборат эканини тўлиқ англаган ҳолда онгли равишда ўзининг бутун умри давомида Худо учун қилган ишларини эслаб, Парвардигорга ана шундай илтижо билан

мурожаат қиладилар. Бутунлай моддий табиат ҳукми остида юрган имонсиз киши эса, ҳаёти хавф остида қолган пайтда ҳозирги танасида юрган пайтида қилган барча жирканч ишларини эслайди, шунинг учун ажали етиб ўлгандан кейин у бошқа бир моддий танага эга бўлади. «Бхагавад-гита»(8.6)да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади. Унда айтилганки, тирик мавжудот танасини тарк этаётганда унинг онги, ақли уни бошқа ҳаёт турига олиб ўтади, ажали етган пайтда ақли қандай ҳолатда бўлишига қараб, тирик мавжудот кейинги ҳаётида, ақлининг ана шу ҳолатига мос келадиган ҳаёт турига ва моддий танага эга бўлади. Ақли ривожланмаган ҳайвонлардан фарқли равишда инсон ўзининг бутун умри давомида қилган ишларини эслай олиш қобилиятига эга, бу ишлар унинг ақлида худди тушга ўхшаб ўта бошлайди. Инсон ақли ҳамиша турли хил моддий истакларга тўлиб юради, шу сабабли у инсон танасини тарк этгандан кейин руҳий тана олишга ва руҳий оламга киришга эриша олмайди. Лекин, Худонинг содиқлари Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани сабабли, қалбида Худога муҳаббат туйғусини уйғотадилар. Ҳатто содиқ хизматкор ажали етган пайтда Худо учун қилган хизматларини эслай олмаса ҳам, Парварди-гор унинг қилган хизматларини эсдан чиқармайди. Одатда содиқлар бу илтижони қилган эҳсонларини, хизматларини Худога эслатиш учун айтадилар, лекин бундай эслатишсиз ҳам Парвардигор Ўзининг асл содиқ хизматкорининг қилган хизматларини ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Ўзининг содиқлари билан қандай яқин муносабатларда бўлишини Парвардигор «Бхагавад-гита»(9.30-34)да таърифлаб берган. Шрила Бхактивинода Тхакур ана шу шеърларнинг мазмунини шундай изоҳлаган: "Авлиё зотлардан ўрнак олиб, ҳаётда изчиллик билан уларнинг изидан бораётган содиққа, ҳатто унинг одатлари бемаънидай бўлиб кўринса ҳам, чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозим. "Одатлари бемаъни" деганда нима назарда тутилаётганини тўғри тушуниш керак. Шартланган руҳ бу дунёда **икки вазифани** бажариши лозим: танасининг ҳаётини таъминлаш ва руҳий жиҳатдан юксалиш. Ижтимоий ҳолатини, ақлини ривожлантириш, покланиш, риёзат, овқатланиш ва тирикчилик учун кураш - буларнинг ҳаммаси тана ҳаётини таъминлашга қаратилган ишлардир. Руҳий юксалиш бурчи эса, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан амалга оширилади, ўз навбатида бу жараён ҳам қандайдир фаолиятни назарда тутаяди. Ана шу икки фаолиятни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш лозим, чунки шартланган тирик мавжудот моддий танасининг ҳаётини таъминлаб туриш заруратини бутунлай инкор этолмайди. Лекин, Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият кўпайган сари тананинг ҳаётини таъминлашга қаратилган фаолият табиий равишда қисқара боради. Токи инсон Худога садоқат билан хизмат қилишнинг маълум поғонасига кўтарилмас экан, содиқнинг фаолиятида турли кўринишдаги дунёвий сифатлар юзага келиши ҳоллари ҳамиша учраб туради. Лекин, айтиб ўтиш лозимки, руҳий баркамолликка жиддий интилаётган самимий содиқларда бу ҳол узоқ давом этмайди, чунки Парвардигорнинг марҳамати билан содиқ хизматкор тез вақт ичида ҳар қандай моддий нуқсонлардан халос бўлади. Шу боис Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли - инсонни мангу бахтга элтувчи ягона тўғри йўлдир. Тўғри йўлдан бораётган

инсоннинг муваффақият билан юксала боришига эса, тасодифий учраб турадиган дунёвий иллатлар тўсқинлик қилолмайди".

«Бхагавад-гита»(9.30-34)да Кришна шундай дейди:

*апи чет су-дарачаро
бхаджате мам ананья-бхак
садхур эва са мантавайах
самйаг вйавасито хи сах
кишпрам бхавати дхарматма
шашивач-чхантим нигаччхати
кауштейа пратиджанихи
на ме бхактаҳ пранашийати
мам хи партха вйапашритйа
йе "ни сйух напа-йонайах
стрийо вайишйас татха шудрас
те "ни йанти парам гатим
ким пунар Браҳманах пунйа
бхакта раджаршайас татха
анитйам асукхам локам
имам пранйа бхаджасва мам
мам-мана бхава мад-бхакто
мад-йаджи мам намаскуру
мам эваишйаси йуктвайвам
атманам мат-парайанах*

"Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши, ҳатто энг жирканч иш қилиб қўйса ҳам, барибир уни "авлиё инсон" деб ҳисоблаш керак, чунки у қатъий қарор билан тўғри йўлдан бораётган инсондир. Фақат эзгу ишлар билан машғул бўлиб юрар экан, у тез вақт ичида мангу осойишталикка эришади. Эй Кунтининг ўғли, кўркмасдан ҳаммага дадил эълон қил: **Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон халок бўлмайди!** Эй Партха, ҳатто жамиятнинг паст табақаларига мансуб бўлган аёллар, савдогарлар ва оддий ишчилар ҳам Менга ўз ихтиёрини топшириб, ҳаётда энг олий мақсадга эриша оладилар. Шундай экан, пок виждонли браҳманлар, Худонинг содиқлари ва такводор шохлар ҳақида нима дейиш мумкин? Шунинг учун, мусибат тўла бу ўтқинчи дунёга келиб қолган экансан, **ҳаётингни бутунлай Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишла! Ҳамиша Мен ҳақимда ўйла, Менинг содиқ хизматкорим бўл, олдимда бош эгиб сажда қил, Менга сиғин! Фикру-ҳаётингни бутунлай Менда мужассам қилиб, сен албатта Менинг даргоҳимга келасан**".

Имперсоналистлар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шундай афзалликларини, имкониятларини инкор этадилар, чунки улар Парвардигорнинг *Браҳмажйоти* кўринишига боғланиб қолганлар. Имперсоналистлар аввалги мантраларда айтилганидай *Браҳмажйоти* чегарасидан ташқари чиқа олмайдилар, шу боис Худо Шахсига ишонмайдилар. Уларни асосан *семантика* (сўзлар маъносини ўрганиш), жимжимадор иборалар ўйини ва ҳар хил фалсафий ғоялар қизиқтиради. Шунинг учун «Бхагавад-гита»(12.5)нинг ўн иккинчи бобида айтилганидай, уларнинг руҳий юксалиш йўлидаги барча уринишлари бекор кетаверади.

Бу мантрада айтилган ана шу имкониятларнинг ҳаммасига Муғлақ Ҳақиқатнинг шахсий кўриниши билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ёрдамида осон эришиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни асосан Худонинг содиқлари ҳамиша машғул бўлиб юрадиган қуйидаги 9 турли илоҳий фаолиятдан таркиб топган.

*шраванам киртанам вишинох
смаранам пада-севанам
арчанам ванданам дасйам
саххйам атма-ниведанам*

1. *Шраванам* - Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглаш;
2. *Киртанам* - Худонинг Олий Шахсини олқишлаш;
3. *Вишину самаранам* - Худонинг Олий Шахсини эслаб юриш;
4. *Пада севанам* - Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига хизмат қилиш;
5. *Арчанам* - Худонинг Олий Шахси олдида сажда қилиш;
6. *Ванданам* - Худонинг Олий Шахсига илтижо қилиш;
7. *Дасйам* - Худонинг Олий Шахсига бевосита хизмат қилиш;
8. *Саххйам* - Худонинг Олий Шахси билан дўст бўлиш;
9. *Атма-ниведанам* - Худонинг Олий Шахси учун ҳамма нарсдан воз кечиш.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мана шу тўққиз турининг ҳаммаси биргаликда ёки алоҳида ҳар бири содикнинг ҳамшиша Худонинг Олий Шахси билан алоқада бўлиб юришини таъминлаб туришга кодир. Ана шундай фаолият билан шуғулланиб юрган содик умрининг охириги дақиқаларида Худони эслаши осон бўлади. Қуйидаги буюк содик хизматкорлар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу усулларидан фақат биттаси ёрдамида руҳий юксалишда баркамоллик чўққисига эришганлар:

1. "Шримад Бхагаватам"нинг асосий қаҳрамони Махараж Парикшит фақат Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглаш билан руҳий баркамолликка эришган;
2. "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қилиб берган буюк донишманд Шукадева Госвами фақат Худонинг Олий Шахсини олқишлайдиган ҳикояларни гапириб бериш билан баркамолликка эришган;
3. Акрура Парвардигорга илтижо қилиш билан руҳий баркамолликка эришган;
4. Прахлад Махараж ҳамшиша Худонинг Олий Шахсини эслаб юриш билан баркамолликка эришган;
5. Притху Махараж Парвардигорга сажда қилиш билан;
6. Равнақ фариштаси Лакшми Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига хизмат қилиш билан;
7. Хануман Парвардигорга хизмат қилиш билан;
8. Аржун Парвардигорга дўст бўлиш билан;
9. Бали Махараж Парвардигор учун бутун бойлигини қурбон қилиш билан руҳий баркамолликка эришган.

Аслини олганда, ҳамма ведавий мантралар сингари, бу мантранинг мазмуни ҳам "Веданта-сутра"да қисқача, "Шримад Бхагаватам"да эса, батафсилроқ тушунтирилган. "Шримад Бхагаватам" - ведавий донишмандлик дарахтининг етилиб пишган мевасидир. "Шримад Бхагаватам"да бу мантранинг мазмуни Махараж Парикшит билан Шукадева Госвами суҳбатининг аввал бошидаёқ тушунтириб берилган. Парвардигор ҳақидаги илм баёнини тинглаш(*шраванам*), ҳамда тинглаган илмини такрорлаш(*киртанам*) - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг асосий қондалари ҳисобланади, шунинг учун Махараж Парикшит Шукадева Госвами такрорий гапириб берган "Шримад Бхагаватам"ни бошидан охиригача диққат билан тинглади. Махараж Парикшит Шукадева Госвамига ҳар хил саволлар

билан мурожаат қиларди, чунки Шукадева Госвами ўз даврининг барча буюк йоглари ва илоҳий илм билимдонлари орасида энг буюк мартабага эга бўлган ҳақиқий руҳий устоз эди.

"**Инсоннинг**, айниқса ажали яқин қолган кишининг **бу дунёда яшашдан мақсади, асосий бурчи нимадан иборат?**" - деб савол берди Махараж Парикшит. Шукадева Госвами унга шундай деб жавоб берди:

*тасмад бхарата сарватма
бхагаван ишваро хариш
шротавйах киртитавйаш ча
смартавйаш чеччхатабхайам*

"Бу дунёдаги моддий ҳаётнинг барча мусибатларидан бутунлай халос бўлишга интилаётган **ҳар бир инсон ҳамшиша бутун борлиқнинг олий ҳукмдори, ҳаммани барча мусибатлардан халос этувчи, барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи бўлган Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни тинглашга ва Уни олқишлаб юришга ҳаракат қилиши лозим**".(Шб.2.1.5).

Номигагина "маданиятли инсонлар жамияти" деб аталадиган ҳозирги жамият аъзолари кечалари ухлайдилар ёки ҳар хил дунёвий, моддий, шахвоний лаззатларга берилиб вақтини ўтказадилар, кундузи эса оиласини боқиш учун иложи борича кўпроқ пул топиш билан ёки топган пуллари сарфлаб, ҳар хил харажатлар қилиш билан машғул бўлиб юрадилар. Худонинг Олий Шахси ҳақида гапириш ёки Худо ҳақида савол беришга ҳозирги одамларнинг умуман вақти йўқ. Ҳозирги даврда одамлар турли йўллар билан Худонинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини инкор этишга уриняптилар. Бунинг учун улар биринчи навбатда Уни "шахсиятсиз", "шакл-шамоилга эга эмас" ёки "Худонинг сезгилари йўқ" деб эълон қиляптилар. Лекин, ведавий муқаддас китобларда - Упанишадларда, "Веданта-сутра"да, «Бхагавад-гита»да, "Шримад Бхагаватам"да аниқ айтилганки, Парвардигор - ҳис қилишга, сезишга кодир бўлган, барча тирик мавжудотлардан буюк бўлган Тирик Зот, Шахс. Унинг шавкатли, илоҳий қароматлари Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Шунинг учун дунёвий сиёсатчиларнинг ёки ёки буюк инсонларнинг бу дунёда кўрсатган беъмани фаолияти ҳақидаги гапларни тинглашга ёки улар ҳақида гапиришга бекорга вақт кетказиб, нодир инсон умрини хазон қилмаслик керак. Бунинг ўрнига **оқил инсон ўз умрини, кундалик турмушини шундай режалаштириши лозимки, ҳар бир дақиқаси уни умрининг охирида энг олий мақсадга эриштирадиган эзгу ишлар билан машғул бўлиб ўтсин**. "Шри Ишопанишад" бизни ана шундай улғувор руҳий фаолият билан машғул бўлишга чақиради.

Агар бутун умри давомида Худога садоқат билан хизмат қилиш нималигини била олмаган бўлса, инсон танасини тарк этиши лозим бўлган пайтда, яъни ажали етганда нимани эслаши, нималар ҳақида ўйлаши мумкин? У қандай қилиб Худодан бутун умри давомида Худо учун қилган ишларини, қилган қурбонликларини, Худо йўлида қилган эҳсонларини эслашини, инobatга олишини илтимос қилиши мумкин? Қурбонлик дегани – ўзининг сезгилари лаззатланадиган нарсаларни Парвардигорга, ёки Худони мамнун қилиш учун бошқаларга эҳсон қилиш демакдир. Умрининг охирида, ажали етган пайтда Худодан Уни мамнун қилиш учун қилган барча

хизматларини инобатга олишини сўраш, шу ишларининг мевасидан келажақда баҳраманд бўлишдан умидвор бўлиш учун инсон бутун умри давомида сезгиларини Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиб, ана шу буюк санъат сирларини ўрганиб олиши лозим,

Ўн саккизинчи мантра

*agne naya sunatxaraye asman
vishvan deva vaijunani vidvan
iyudodhi asmadaj juxhuranam eno
bhuyishitxam te nama uktim vidhema*

"Эй азиз Худойим, эй оловдай қудратли Зот, эй ҳар нарсага қодир Парвардигор, мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига йиқилиб сажда қиламан. Эй азиз Худойим, Сени англаб етишим учун Ўзинг мени тўғри йўлга бошла. Аввал қилган ишларимнинг ҳаммаси Сенга аён, шу боис, Сенга эришиш йўлидаги уринишларимда менга бирор нарса тўсқинлик қила олмаслиги учун мени барча гуноҳларим оқибатидан Ўзинг халос эт!"

Изоҳ: Шу тарзда ўз ихтиёрини Худога топшириб, Ундан бесабаб марҳаматини аямаслигини илтижо қилиб, Худонинг содиқ хизматкори Худони англаш йўлида ҳеч қандай тўсикқа учрамасдан юксалиб бораверади. Бу мантрада содиқ Парвардигорга олов сифатида мурожаат қилади, чунки Парвардигор ҳамма иллатларни, ҳатто ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган содиқнинг барча гуноҳлари оқибатини ҳам, ёқиб кулга айлантириб юборишга қодир. Аввалги мантраларда ёзилганидай, Худонинг Олий Шахси Мутлақ Ҳақиқатнинг ҳақиқий, Олий даражадаги кўринишидир. Худонинг шахсиятсиз Браҳман, Браҳмажйоти кўриниши - Унинг юзини, сиймосини яшириб турадиган, кўзни қамаштирадиган кучли ёғду. Кармали фаолият, яъни *карма-канда* қонунлари асосида фаолият кўрсатиш - руҳий ўзликни англашнинг қуйи шакли ҳисобланади. Ана шундай фаолият давомида инсон Ведавий муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларидан озгина бўлса ҳам четга чиқса, унинг қилиб юрган ишларининг ҳаммаси *викарма*, яъни гуноҳ ишларга, инсонни Худога яқинлаштирадиган эмас, балки Худодан узоқлаштирадиган ишларга айланади. Тўғри йўлдан адашган тирик мавжудот ана шундай фаолиятни унинг натижаларидан ўз сезгилари, ҳиссиёти ёрдамида лаззатланиш ниятида амалга оширади, натижада унинг фаолияти ўзликни англаш, руҳий юксалиш йўлида унга тўсик бўлиб қолади.

Тирик мавжудот фақат инсон танасидаги ҳаёти даврида руҳий ўзлигини англаш имкониятига эга бўлади. Ҳаётнинг 8.400.000 тури мавжуд. Ана шу ҳаёт турлари ичида фақат браҳманлар маданияти қоидалари асосида тарбия олган инсонгина Илоҳий илм ўрганиш имкониятига эга бўлади. Браҳманлар маданияти инсонни пок виждонли, сезгиларини жиловлай оладиган, риёзатга берилган, содда, Худо ҳақидаги илмга эга ва иймонли қилиб тарбиялайди. Ҳақиқий браҳманлар ўзларининг олий табақага мансублиги билан гердаймайдилар. Худди катта лавозим эгаллаб турган кишининг фарзанди ҳам келажақда катта лавозим эгаллаш имконига эга бўлгани сингари, *браҳман* оиласида туғилган кишига

ҳам *браҳман* бўлиб етишиш имкони берилади. Лекин ҳақиқий *браҳман* бўлиш учун шунчаки *браҳман* оиласида туғилишнинг ўзи камлик қилади, унинг ўзи ҳам албатта браҳманларга хос бўлган фазилатларга, сифатларга эга бўлиши лозим. Олий табақадаги *браҳман* оиласида туғилгани билан гердайдиган, лекин ўзи ҳақиқий браҳманларга хос бўлган эзгу фазилатларни ривожлантиришга ҳаракат қилмайдиган киши руҳий юксалиш йўлидан адашиб, тубанликка юз тутади. Шу тарзда Парвардигор томонидан унга ИНСОН сифатида юклатилган олий вазифа, муқаддас бурч завоқ топади.

«Бхагавад-гита»(6.41-42)да Парвардигор бизни ишонтириб айтадики, *йога-бхраштам*, яъни, руҳий юксалиш йўлидан адашган одамларнинг тақводор браҳманлар ёки бадавлат савдогарлар хонадонидо туғилишига имкон бериш билан уларнинг руҳий юксалишига яна бир имконият яратилади. Ана шундай шароитда туғилиш инсонга руҳий ўзликни, Худони англаб етишда жуда катта имкониятлар яратиб беради. Лекин, агар алданиш домига тушиб қолган ғофил инсон ана шундай нодир имкониятдан тўғри фойдалана олмаса, Худонинг буюк марҳамат кўрсатиб ато этган инсон танасидаги ҳаётда эришиш мумкин бўлган энг олий мақсадга эриша олмайди.

Рухий ҳаёт кечириниш қонун-қоидалари шундай тузилганки, уларга риоя қилиб юрган ҳар қандай инсон **"кармали фаолият кўрсатиб яшаш"** поғонасидаги ҳаётдан **"илоҳий илм асосида яшаш"** поғонасига кўтарилади. Жуда кўп марта инсон танасида туғилиб мукамал илоҳий илмга эга бўлгандан кейингина инсон ўз ихтиёрини Худога топшириб, мустаҳкам руҳий баркамолликка эришади. Рухий юксалишда баркамолликка эришишнинг одатдаги йўли шундай. Лекин, бу мантрада таърифланганидай, аввал бошиданок ўз ихтиёрини Худога топшириб Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлаган киши руҳий юксалишнинг жуда кўп умрлар давомида аста-секин босиб ўтиладиган ана шу поғоналарини бир пасда босиб ўтади. «Бхагавад-гита»(18.66)да айтилганидай, ўз ихтиёрини Унга топширган кишини Парвардигор шу заҳотиёқ Ўз паноҳига олади ва уни барча гуноҳлари оқибатидан халос этади. *Карма-канда* қонунларига асосланган фаолият жуда кўп гуноҳ ишларни ўз ичига олади, *гйана-канда*, яъни фалсафий изланишлар йўлида бундай гуноҳ ишлар анча камаяди. Худога садоқат билан хизмат қилиш, *бхакти-йога* йўлида эса, гуноҳ ишлар, уларнинг оқибатлари деярли бутунлай йўққа чиқади. Худонинг содиқ хизматкори бўлган киши браҳманларнинг эзгу сифатлари нари турсин, деярли Худо Шахсининг барча сифатларига эга бўлади. Содиқ хизматкор гарчи браҳман оиласида туғилмаган бўлса ҳам, табиий равишда Худо учун қурбонлик маросими ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган тажрибали браҳманларнинг барча эзгу сифатларига эга бўлади. Ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг англаб бўлмас илоҳий қудрати шундай. У браҳман оиласида туғилган, лекин Унга хизмат қилмайдиган кишини жамиятнинг қуйи табақасида туғилган, ит гўшти ейдиган ҳароми даражасига туширишга, паст табақада туғилган ҳароми бўлишига қарамай, Худога садоқат билан хизмат қилишга интилаётган кишини эса, олий мартабали браҳмандан ҳам юқори мартабага кўтаришга қодир.

Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Ўзининг самимий содиқ хизматкорини

рухий юксалишда энг тўғри йўлдан олиб боради. Бундай ҳолат айниқса, ҳатто ўзлари бошқа бирор йўлни истасалар ҳам, қалбида туриб Парвардигор уларга турли кўрсатмалар бериб турадиган содиқларга тааллуқли. Бошқа одамларга эса, Парвардигор уларнинг ўзлари истаганча ҳаракат қилиш имконини беради. Парвардигор Ўзининг самимий содиқ хизматкорини ҳаётда шундай йўлдан бошлаб борадики, у ҳеч қачон нотўғри ҳаракат қилмайди. "Шримад Бҳагаватам"(11.5.52)да айтилганки, Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига алоҳида меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилади, шунинг учун, агар ҳатто содиқ баъзан *викарма*(гуноҳ ишлар) чангалига тушиб қолса ҳам, унинг қалбида туриб Парвардигор унинг хатоларини дарров тўғрилайди, чунки асл содиқ хизматкорлари Парвардигор учун жуда азиз.

Бу мантрада содиқ Парвардигордан ўзининг қалбида туриб уни тўғри йўлга бошлашини илтижо қилади. Инсон адашишга, хатолашишга маҳкум. Шартланган рух тез-тез хатога йўл қўйиб туради, ана шундай гуноҳлардан сақланишнинг ягона йўли - ўз ихтиёрини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига топширишдан иборат, шунда Парвардигор Ўзи унинг ҳаётини бошқариб туради. Ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган содиқларни Парвардигор албатта Ўз паноҳига олади. Шундай қилиб, шунчаки ўз ихтиёрини Худога топшириш ҳамда ҳамиша Унинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшаш билан инсон ҳаётда учрайдиган барча муаммоларини осонлик билан ҳал қила олади. Самимий содиқ хизматкор Парвардигорнинг бундай кўрсатмаларини икки манба орқали олади: 1. Авлиё зотлардан, рухий устоздан ва муқаддас китоблардан; 2. Қалбига қулоқ солиб, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг Ўзидан. Шу тарзда Худонинг содиқлари ҳаётда ҳамиша Парвардигорнинг мустаҳкам ҳимояси остида юрадилар.

Ведалар илми илоҳий илм бўлиб, бу илмни моддий илм ўрганиш усуллари орқали ўрганишнинг иложи йўқ. Ведавий мантраларни, Ведалар илмини фақат Худонинг ва рухий устознинг марҳамати орқали олиш мумкин. Агар инсон ҳақиқий рухий устознинг паноҳига кирган бўлса, ундай инсонни "Худонинг марҳаматига эришган киши" деб ҳисоблаш лозим. Парвардигор бу дунёда содиқ хизматкорининг олдида рухий устоз кўринишида намоён бўлади. Шундай қилиб, содиқ хизматкорнинг ҳаётини рухий устоз, ведавий муқаддас китоблар ҳамда қалбида туриб Парвардигорнинг Ўзи бошқариб туради. Шу боис содиқ хизматкор ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайди, у моддий алданиш тузоғига илиниб қолишдан мустаҳкам ҳимояланган бўлади. Шундай қилиб, ҳақиқий содиқ хизматкор ҳамиша мустаҳкам ҳимоя остида бўлиб, унинг рухий баркамолликка эришиши кафолатланган. Бу мантра ҳам ана шу жараёни назарда тутади, "Шримад Бҳагаватам" (1.2.17-20)да бу ҳақиқат батафсил тушунтирилган.

Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ҳамда Унинг шон-шухратини шарафлаб куйлаш табиий равишда энг эзгу фаолият ҳисобланади. Парвардигор - барча тирик мавжудотларга саодат келтирадиган Зот, шунинг учун Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот ҳам худди шундай эзгу амаллар қилиб яшашини истайди. Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ҳамда Уни шарафлаб куйлаш шарофати билан инсон қалби барча ёқимсиз иллатлардан покланади ва унинг қалбидаги Парвардигорга бўлган садоқат туйғуси ўзгармас, мустаҳкам бўлади. Ана шу поғонага кўтарилганда содиқ хизматкор ўзида браҳманларга ҳос бўлган барча эзгу фазилатларни ривожлантира бошлайди ва табиатнинг куйи гуналари таъсиридан бутунлай халос бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан унинг қалби бутунлай покланади, шунда

унинг олдида Парвардигорнинг даргоҳига олиб борувчи раво йўлнинг барча эшиклари очилади ва бу йўлдан қандай бориш кераклиги ҳам ўзидан-ўзи тушунарли бўлади. Қалбидаги барча шубҳа-ю гумонлари тарқалиб, у Худонинг асл содиқ хизматкорига айланади.

Инсонни ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шаҳси Шри Кришнага яқинлаштирадиган илм баён этилган "Шри Ишопанишад" асарига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

Мундарижа

Кириш	
Муножот.....	
Биринчи мантра.....	
Иккинчи мантра	
Учинчи мантра.....	
Тўртинчи мантра.....	
Бешинчи мантра.....	
Олтинчи мантра.....	
Еттинчи мантра.....	
Саккизинчи мантра.....	
Тўққизинчи мантра.....	
Ўнинчи мантра.....	
Ўн биринчи мантра.....	
Ўн иккинчи мантра.....	
Ўн учинчи мантра.....	
Ўн тўртинчи мантра.....	
Ўн бешинчи мантра.....	
Ўн олтинчи мантра.....	
Ўн еттинчи мантра.....	
Ўн саккизинчи мантра.....	